


# ЎЎЗА, БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ





**Б.П. Страумал  
(1900-1987)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

# ҒЎЗА, БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

*Республика илмий-амалий конференцияси тўплами*  
*№ 30*

***Б. П. СТРАУМАЛНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА  
БАҒИШЛАНАДИ***



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
Тошкент – 2010

633.51  
F. 47

УДК 633.51 (575.1)  
ББК 42. 16  
Ғ90

Ушбу тўпламга таниқли селекционер олим Б.П.Страумалнинг 110 йиллигига бағишланган “Ўза, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги”га оид илмий мақолалар киритилган бўлиб, уларда ўза, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилигининг долзарб муаммолари ёритилган.

Масъул муҳаррир:  
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди А. Б. АМАНТУРДИЕВ

Тақризчилар:  
академик Ш. ИБРАГИМОВ,  
академик А. А. АБДУЛЛАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

к. х. ф. д., проф.	Ҳ. Сайдалиев (раис)
б. ф. н.	М. С. Мираҳмедов
к. х. ф. н.	Я. А. Бабаев
б. ф. н.	Д. М. Даминова
к. х. ф. н.	Г. Р. Холмуродова
б. ф. н.	Ҳ. Содиков
к. х. ф. н.	А. Сиддиқов



ISBN 978-9943-19-092-4

Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, 2010 йил.

## СЎЗБОШИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи, пахта толасини экспорт қилиш бўйича эса АҚШ, Ҳиндистон мамлакатларидан сўнг учинчи ўринда туради. Мамлакат кишлоқ хўжалигининг асосий вазифаларидан бири жаҳон бозорига сифатли пахта толасини етказиб беришдан иборат. Бу соҳада халқаро бозор талабларига жавоб бера оладиган, тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб вазифа саналади. Шу жиҳатдан мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилиги борасида бир қатор қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши пахтачилик мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири эканлигини ва уни ривожлантириш давлат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эгаллигини тасдиқлайди. Қатор йиллардан бери республикамизда ўтказилаётган Халқаро пахта ярмаркалари ушбу қонун ва қарорларнинг ҳаётга жорий этилиши натижасида яратилаётган ва ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ғўза навларининг тола сифати дунё бозори талабларига мос ва харидоргир эканлигининг исботидир.

Республикамиздаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги борасидаги изланишлар, асосан, катта илмий салоҳиятга эга бўлган Ёўза селекцияси ва уруғчилиги, Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси, Пахтачилик ҳамда Дехқончилик илмий тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Аграр университети, Самарқанд, Андижон кишлоқ хўжалик институтлари каби олий даргоҳларда ҳамда республика бирламчи уруғчилик станциясида амалга оширилиб келинмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар ғўза селекциясининг долзарб йўналишларига қаратилган. Жумладан:

- тезпишар ва ультратезпишар навларни яратиш;
- навларнинг потенциал ҳосилдорлигини ошириш;

- тола чиқими ва сифатини яхшилаш;
- касаллик ва ҳашаротларга ҳамда турли экстремал шароитларга бардошли навлар селекцияси.

Тур ичида ва турлараро дурагайлаш (Л.Г.Арутюнова, М.Пўлатов, А.Эгамбердиев), мутагенез (Ш.Ибрагимов, Р.И.Ковальчук), ноанъанавий селекцион услублар (А.Раҳмонқулов, А.Р.Азизхўжаев) борасида амалга оширилган изланишлар натижасида бир қатор қимматли нав ва дурагайлар яратилган. Шунингдек, вертициллёз вилтга (С.Мираҳмедов), гоммоз ва фузариоз вилтга (А.Автономов, С.С.Канаш, В.Автономов, Вик.Автономов), сув танқислиги ва шўрланишга (М.Сукуров, Ҳ.Мунасов, С.Алихўжаева) бардошли, тезпишар ва ультратезпишар (Б.Страумал, А.Тишин, Й.Ўзақов, Р.Ким, А.Амантурдиев, О.Кимсанбаев) бўлган бир қатор ғўза навлари ва қимматли бошланғич ашёлар яратилган. Янги навлар ва селекцион ашёлар яратишда бошланғич ашё сифатида жаҳонда етакчи ўринда турувчи дунёвий ғўза коллекцияси мавжуд бўлиб, жаҳоннинг 105 та мамлакатидан келтирилган 13000 га яқин намуналар тирик ҳолда сақланмоқда (Х.Сайдалиев).

Юқорида кўрсатилган йўналишларда олиб борилаётган изланишлар борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб йўналишлар бўйича тадқиқотларни кучайтириш лозимлигини таъкидлаш зарур. Айниқса, яратилаётган навларнинг нафақат тезпишарлиги, ҳосилдорлиги ва тола сифатига, балки биотипик ва абиотик омилларга чидамли бўлишига эришиш, клейстогам типидagi гулга эга навларни яратиш орқали навнинг биологик тозаллигини 95-98 фоизгача сақлаш ва генотипнинг юқори генетик бир хиллиги сифатини ва салмоғини ошириш муаммосини ҳал этишда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш талаб этилади.

Бунинг учун янги ғўза навлари селекциясида куйидаги йўналишдаги изланишларни кенгайтириш талаб этилади:

- шўрга, сув танқислиги ва бошқа абиотик омилларга чидамлилики;
- турли касалликларнинг янги ирқлари ва популяциялари ҳамда зараркунанда ҳашаротларга чидамлилики;
- цитоплазматик эркаклик пуштсизлиги (ЦЭП) ва ядровий эркаклик пуштсизлиги (ЯЭП)дан фойдаланиш (П.Ш.Ибрагимов, Б.Амантурдиев) орқали юқори гетерозис кучига эга дурагай комбинацияларни аниқлаш;

- чигити таркибида госсипол кам ёки госсиполнинг зарарсиз шакли бўлган навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш (Ш.Намозов).

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун мавжуд генетик коллекциядаги маданий ҳамда ёввойи намуналардан (Ў.Муратов, Х.Сайдалиев, С.Алихўжаева) ва “Фитотрон” иссиқхона мажмуасидан фойдаланиш орқали бир йилда бир неча авлод олиш (Й.Икромов, С.Усмонов), замонавий молекуляр генетика ва биотехнология ҳамда биокимёвий услублардан янада самарали фойдаланиш лозим.

Маълумки, тўғри ташкил этилган уруғчилик тизими ва услублари навдан фойдаланиш муддатини оширибгина қолмай, балки ундан юқори сифатли ва барқарор ҳосил етиштиришнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Жорий этилган навларнинг навдорлик хусусиятларини давлат андозалари талаблари даражасида бўлишини таъминлаш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Шунинг учун янги самарали уруғчилик услубларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш, турли биологик ва кимёвий препаратлар ёрдамида уруғ сифатини яхшилаш борасидаги илмий изланишларни кучайтириш давр талабидир.

Республикамизда қатор йиллардан бери алмашлаб экишда кенг фойдаланиладиган экин – беда селекцияси ва уруғчилиги соҳасида ҳам изланишлар амалга оширилиб келинмоқда. Соҳадаги асосий эътибор таркибида чорва моллари учун қимматли озуқа бирлигига эга бўлган серҳосил беда навларини яратиш, районлаштириш ва янги яратилган навларнинг дастлабки уруғчилигини ташкил этишга қаратилган. Амалга оширилган изланишлар натижасида Тошкент-3192, Тошкент-1, Тошкент-721, Тошкент-1728 ва Тошкент-2009 навлари яратилган. Бироқ, мазкур соҳада ҳам бир қатор йўналишдаги, жумладан, таркибида оксил миқдори юқори, серҳосил, ноқулай тупрок-иқлим шароитида етиштиришга мослашган навлар селекциясини жадаллаштириш ҳамда уруғчилик тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Мазкур тўпلامда юқорида кўрсатилган йўналишлар ва муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган илмий изланишлар натижалари ёритилган бўлиб, улар пахтачилик фанининг илмий-амалий жиҳатдан янада самарали бўлишига қаратилган.

*ЎзҒСУИТИ бош директори, қ.х.ф.н. А.Б.Амантурдиев*

**БОРИС ПЕТРОВИЧ СТРАУМАЛ  
(К 110 - ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ)**

**М.И. Иксанов, В.А. Автономов**

**Узбекский научно-исследовательский институт селекции и семеноводства хлопчатника, Ташкент**

Борис Петрович Страумал родился 25 июля 1900 г. в г.Слоним (Беларусь). В 1914 г. окончил высшее начальное училище в г. Кульджига. В связи с первой мировой войной родители Бориса Петровича были эвакуированы в г. Жиздра Калужской области, где он поступает в школу садоводства и заканчивает её в 1917 г., затем работает садовником в хозяйстве школы садоводства.

С 1922 по 1927 г. – он студент заочного отделения агрономического факультета Среднеазиатского университета. По его окончании с 1927 по 1929г. работает агрономом Туркестанской селекционной станции (ныне УзНИИССХ им.Г.С.Зайцева). С того времени вся трудовая деятельность Бориса Петровича тесно связана с хлопководством Узбекистана.

В 1929 г. он назначается уполномоченным Наркомзема Узбекистана по землеустройству Асакинского района Андижанской области. С 1929 по 1930 г. – организатор и директор первой в Узбекистане машинно-тракторной станции (МТС) в Асакинском районе Андижанской области.

С 1930 по 1939 г. Борис Петрович работает во Всесоюзном институте хлопководства (СоюзНИХИ, ныне – Узбекский научно-исследовательский институт хлопководства), вначале заведующим отделом, а с 1931 г. – директором института. Работая в институте с начала его организации, Борис Петрович непосредственно участвовал в формировании его структуры, комплектовании научных кадров, разработке научных основ хлопководства, обобщении опыта производственников в получении высоких урожаев, пропаганде се-

лекционных сортов (8517, С-460, С-450-555, 35-1, 263 и др. С 1939 г. и до конца жизни Борис Петрович работал на Центральной селекционной станции (ЦСС), – вначале научным сотрудником (1939-1940г.), затем заведующим отделом селекции средневолокнистого хлопчатника (1940-1942 г.), заместителем директора по научной работе ЦСС (1942-1960), а с 1961 по 1971 г. – Всесоюзного НИИ селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С. Зайцева (ныне - УзНИИССХ). Борису Петровичу Страумал в 1940 г. присвоена ученая степень кандидата с./х. наук, а в 1962 г. – доктора с./х. наук.

В годы Второй мировой войны Борис Петрович, работая по выполнению государственного заказа по выведению специализированных сортов хлопчатника с цветным волокном, создал сорта С-4001, С-4007, С-4018, С-4037, С-4084 с бурым (коричневым) волокном.

Борис Петрович Страумал совместно с помощниками создал выдающийся сорт хлопчатника С-4727 - скороспелый, высокоурожайный, с крупной коробочкой и волокном V типа. Сорт с 1961 г. по сегодняшний день числится в Государственном реестре и высеивается в Каракалпакии. Долгие годы сорт высеивался в Азербайджане, вытеснив местные сорта, а также продолжает возделываться в Республике Казахстан. Общая площадь посевов сорта С-4727 в Узбекистане за 1986 – 2010 гг. составила 2 млн. 842 тыс.га.

Борис Петрович – основной автор сорта С-4880, признанного перспективным. С 1986 по 1990 г. он высеивался в Ташкентской области на общей площади 404 тыс.га, но из-за недостатка тонины волокна не был районирован. Другой сорт «Наманган-1» в 1990 г. был признан перспективным в Кыргызстане. Площади его посевов с 1991 по 1993 г. составили 57 тыс.га. Суммарная площадь посевов сортов, выведенных Борисом Петровичем, в Узбекистане превысила 3 млн. 300 тыс.га.

Будучи руководителем научных учреждений, Борис Петрович проявил себя крупным организатором селекционной науки и семеноводства, продумывал и осуществлял их структуру, определял научные направления подбора и подготовки научных кадров, для решения актуальных проблем в этих областях с/х науки.

Борис Петрович был одним из организаторов и руководителем при Всесоюзном НИИ селекции и семеноводства хлопчатника им.

Г.С.Зайцева, оказывал помощь и поддержку селекционерам-хлопковикам бывшего Союза. Его соратниками и коллегами были такие крупные талантливые ученые, как В.И. Кокуев, С.С. Канаш, А.Д. Дадабаев, А.И. Тишин, Ю.П. Хуторной, Л.Г.Арутюнова, Г.Я. Губанов, А.А. Автономов, О.В. Кратиров, З.М.Пудовкин, Н.Г. Симонгулян, Т.Г. Гриценко, М.А. Бурнашева и мн. др.

Б.П. Страумал был научным руководителем многих аспирантов: А.А.Автономова, А.И.Тишина, М.Мирджураева, Топушевой, М.Ходжаевой, А.Т.Светашева, Б.Абдуллаева, С.Саидахмедова, которые успешно защитили диссертации.

Борис Петрович был широко эрудированным ученым в области селекции, семеноводства и агротехники хлопчатника, о чем свидетельствуют его многочисленные публикации (более 110), в том числе 2 монографии («Сорта хлопчатника с основами селекции» (1974) и «Сорт 108-Ф» (1977)).

Деятельность Б.П. Страумала в области хлопководства заслуженно оценена научной общественностью и правительством. В 1960 г. ему присвоено почетное звание «Заслуженный деятель науки и техники Узбекистана». Он был удостоен многих правительственных наград.

Ушел из жизни Борис Петрович Страумал 29 апреля 1987 г., оставив о себе добрую память своими делами во имя развития отечественного хлопководства и процветания Республики Узбекистан.

# I СЕКЦИЯ. ҒЎЗАДА ЯНГИ ДОНОРЛАР ВА НАВЛАР ЯРАТИШДА ҒЎЗА КОЛЛЕКЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

УДК 631/635

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИНИ ГЕНБАНК ШАРОИТИДА САҚЛАШ ТАРТИБЛАРИ

Ф.Х.Абдуллаев, Х.Сайдалиев  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Маълумки, ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш, асосан икки усул билан, яъни ўрта муддат ва узоқ муддат давомида амалга оширилади. Ўрта муддатда коллекцион намуна уруғларини сақлаш учун мавжуд Генбанкда махсус шароитларни ташкил этиш талаб этилади. Бу шароитлар қуйидагилардан иборат: хонадаги ҳаво ҳарорати  $+4^{\circ}\text{C}$  ва ҳавонинг нисбий намлиги 20 фоиз бўлиши даркор. Айнан шу шароитларда коллекция намуналарини 10-15 йил давомида (*экин турига қараб*) бемалол сақлаш мумкин. Имкон доирасида Генбанкдаги ушбу шароитларни доимий ушлаб туриш даркор. Бунинг учун автоматлаштирилган ускуна ва мосламалардан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Шуни унутмаслик даркорки, уруғ сақланаётган хона, яъни Генбанкдаги қабул қилинган талаблардан пасайиб қетиши ёки ортиб кетишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда сақланаётган ноёб коллекция намуна уруғларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан Генбанкдаги шароитлар мунтазам равишда назорат остида ушлаб туриш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалик экинлари генетик ресурслари коллекцияларини Генбанкда сақлаш давомида қуйидаги иш жараёнлари амалга оширилади: 1) Генбанкка келиб тушган янги намуналарни рўйхатга олиш; 2) уруғлар билан ишлаш; 3) уруғларни сақлаш; 4) уруғлар

мониторинги; 5) гермоплазмани қайта тиклаш; 6) коллекция намуналарини ўрганиш ва уларга тавсифнома бериш; 7) уруғларни тарқатиш.

Куйида коллекция намуна уруғларини Генбанкда ўрта муддатда сақлаш давомида амалга ошириладиган иш жараёнларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

**Генбанкка келиб тушган янги намуналарни рўйхатга олиш.** Генбанкка янги намуналар келиб тушганда авваламбор уларни рўйхатга олиш жараёни бошланади. Унда янги намунага тааллуқли куйидаги асосий маълумотлар қайд этилади: а) намунанинг қайд рақами; б) намуна номи; в) келиб чиқиши бўйича мамлакат номи; г) намуна йиғилган жой номи (*агар шу намуна экспедиция йўли билан йиғилган бўлса*); д) намуна йиғиш манбаи (*агар шу намуна экспедиция йўли билан йиғилган бўлса, унда қаерда йиғилган, масалан: фермер даласи, йўл бўйида, бозордан, илмий ташиқлотдан, уруғчилик фирмаларидан ва ҳоказо*); е) уруғнинг репродукция йили; ё) уруғ миқдори (*вазни*). Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги келиб тушган уруғ намунасига тегишли яна қатор маълумотлар бўлса, барча қайд дафтарига ёзилиши шарт.

**Уруғлар билан ишлаш.** Генбанкда коллекция намуна уруғларини сақлашга қўйиш учун куйидаги асосий иш жараёнларини амалга ошириш даркор ва улар уруғларни тозалаш, уларнинг унувчанлиги ва намлигини аниқлаш, уруғларни қуритиш ва уларни қадоқлашдан иборатдир. Куйида бу жараёнларга батафсил тўхталиб ўтамиз.

**Уруғларни тозалаш.** Генбанкка келиб тушган янги намуна рўйхатда қайд этилгандан сўнг уруғлари тозалаш жараёнига узатилади. Уруғлар албатта, турли хил чиқинди, бегона ўтлар уруғларидан тозаланиши даркор. Уруғ тозалаш ишлари турли хил элаклардан ўтказилиб, сўнг қўлда яна бир бор қўлдан ўтказиш керак. Уруғни тозалаш ишларини махсус механик ускуналар билан тозалаш ҳам мумкин, лекин бу жараёнда зийракликни йўқотмаслик зарур. Шу билан бир қаторда синган ва касалланган уруғлардан холи бўлмоқ лозим. Агар керак бўлса, уруғларга қимёвий ишлов (*фумигация*) берилади. Фумигациядан сўнг уруғларни очиқ ҳавода маълум муддат давомида шамоллатиш лозим.

**Уруғ унувчанлигини аниқлаш.** Генбанкка сақлаш учун кўйиладиган ҳар бир намунанинг уруғ униб чиқиш энергияси ва уруғ унувчанлиги аниқланиши лозим. Ушбу ишлар махсус ишлаб чиқилган услублар асосида амалга оширилади. Сифат кўрсаткичлари аниқлангандан сўнг юқори уруғ унувчанлигига эга (унувчанлиги 80% дан юқори) бўлган намуналар кейинги жараённи ўтказиш учун узатилади. Унувчанлиги паст бўлган намуналар Генбанкка сақлаш учун кўйилмайди. Улар унувчанлигини қайта тиклаш учун олиб кўйилади ёки дала шароитида экиб, янги ҳосил уруғларини етиштириш учун узатилади.

**Уруғ намлигини аниқлаш.** Уруғ унувчанлиги юқори бўлган намуналарнинг уруғларида намлик миқдори аниқланади. Уруғ намлиги қабул қилинган кўрсаткичдан юқори бўлмаслиги лозим, аке холда уруғ сақланиш даврида уруғ ичидаги жараёнларнинг давом этиши билан уруғ сифатига салбий таъсир қилиши мумкин. Ушбу ишлар махсус ишлаб чиқилган услублар асосида амалга оширилади. Генбанкда сақлаш учун уруғ намлиги ҳар бир экин тури учун маълум бир кўрсаткичга эга эканлиги аниқланган ва қабул қилинган талабларга киритилган.

**Уруғларни қуриштиш.** Ҳар бир намуна уруғининг намлик кўрсаткичи аниқлангандан сўнг уларни қуриштиш учун махсус қуриштиш хоналарига кўйилади. Бунинг учун уруғ намлиги талаб этилган кўрсаткичлардан юқори бўлган намуналар қуриштиш хоналарига узатилади. Уруғларни қуриштиш даврида вақти-вақти билан уруғларнинг ҳолатида хабар олиб турилади ва уруғ намлиги текширилиб борилади. Уруғларнинг намлиги қанча юқори бўлса, намуналарнинг қуриштиш даври шунча давомий бўлади ва, аксинча.

**Уруғларни қадоқлаш.** Уруғ намлиги талаб этилган кўрсаткичларга мос бўлагн намуналар сақлаш учун Генбанкка кўйишга тайёрдирлар, лекин уларни махсус контейнер (*идиш*)ларга қадоқлаш (*солиш*) ишлари айнан қуриштиш хонасида амалга оширилади. Чунки қуриган уруғ нам ҳавога олиб чиқилса, ҳаводаги намликни зудлик билан ўзига торитиб олади ва қуриштиш ишларининг самарасига салбий таъсир кўрсатади. Шу муносибат билан *идиш*ларга намликни ўзига тортадиган махсус модда – селикогел солиш мақсадга мувофиқ. Селикогел моддаси флезелин (*махсус мато*)дан тикилган кичик ёстикчалар кўринишидаги қопчаларга солинган

қолда тикилиб таёрланади. Уруғларни қадоқлашда махсус контейнер (*идиш*) ичига намунага тегишли маълумотларга эга бўлган этикетка солинади ва идиш устига ҳам айнан шундай этикетка ёпиштирилади. Этикеткага, асосан, куйидаги маълумотлар киритилади: а) экин номи; б) намунанинг каталог рақами; в) намуна номи; г) намунанинг ботаник номи; д) намунанинг келиб чиқиши; е) намуна уруғининг репродукция йили; ё) сақланаётган уруғ вазни.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар Генбанклари компьютерлаштирилганлиги муносибати билан уруғ сақланаётган идишлар ёки алюминийли фольга пакетлари устидаги этикеткалардаги маълумотлар штирх-кодлаш эвазига амалга оширилади.

**Уруғларни сақлаш.** Махсус контейнер (*идиш*)ларга қадоқланган коллекция намуналари Генбанкка ўрта муддатда сақлаш учун тайёр бўлади. Контейнердаги уруғлар Генбанкда жойлашган уруғлар сақлаш учун мослаштирилган махсус этажеркаларнинг полкаларига жойлаштирилади. Ҳар бир этажерка полкалари аввалдан рақамланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу сақланаётган намунани тезда топиш имконини яратади. Ҳар бир намуна жойлашган ўрни махсус қайд дафтарига ва компьютер ахборот базасига киритилади. Шу билан бир қаторда сақланаётган намуна уруғларига тааллуқли бўлган барча маълумотлар қайд дафтарига ҳамда компьютер ахборот базасига киритилади. Бу маълумотлар куйидагилардан иборат: Намуна қайд этилган каталог рақами, уруғ репродукцияси йили, уруғ унувчанлиги, уруғ вазни, 1000 ёки 100 уруғ вазни (*уруғнинг ҳажмига қараб*), уруғ унувчанлиги ўтказилган сана, сақлашга кўйилган сана ва бошқа маълумотлар. Генбанкда коллекцион намуналар қабул қилинган талаблар асосида маълум муддат давомида сақланади.

**Уруғлар мониторинги.** Генбанкда сақланаётган коллекцион намуна уруғлари қабул қилинган талаблар асосида маълум муддат ўтганидан сўнг, уларнинг ҳолати текширилиб борилади, яъни мониторинг ишлари амалга оширилади. Маълумки, уруғлар сақланиш даврида ўзгарувчанликка мойил бўлади. Шунинг учун ушбу ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мониторинг натижаларига кўра, агар бирон бир намунанинг уруғ унувчанлиги даражаси пасайган бўлса, маълум чораларни кўриш лозим. Бу уруғларнинг унувчанлигини қайта тиклаш даркор. Янги уруғ ҳосилини олиш

учун уни қайта экишга олиб қўйилади ёки узатилади. Унувчанлиги ўзгармаган намуна уруғлари сақлаш ишлари давом эттирилади.

**Гермоплазмани қайта тиклаш.** Коллекция: намуналари уруғлари (*гермоплазма*)ни қайта тиклаш ишлари куйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади: экиш, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, чанглатиш, ҳосилни йиғиш, уруғларни тозалаш, куритиш ва ҳокозо. Куйида бу жараёнларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Экиш.** Коллекцион намуналарнинг уруғлари унувчанлигини қайта тиклаш учун намуналарнинг уруғларини дала шароитида экиш йўли билан амалга оширилади. Ҳар бир экин турига қараб уларнинг экиш муддати қабул қилинган талаблар ва услублар асосида бажарилади. Экишдан аввал ва кейинги агротехник тадбирлар ҳам шу минтақада қабул қилинган талаб ва услублар асосида ташкил этилади. Уруғларни қайта тиклаш кўчатзорини ташкил этишда ҳар бир экин турининг чангланиш усулига (*ўзини чанглайдиган, четдан чангланадиган*) алоҳида эътибор бериш ва шунга кўра изоляцион майдонларни қолдириш лозим.

**Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши.** Айнан шу даврда ўсимликларнинг ҳолатига эътибор кучайтирилса, зарурий ва агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида етиштирилаётган уруғнинг сифатига замин яратган бўламиз. Маълумки, ҳар бир экин турининг ўсиш ва ривожланиш жараёнлари шу экин турига мос равишда ўтади. Шу муносабат билан ҳар бир экин турининг ҳар бир фазаси тўла ўтишига шароит яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида албатта, фенологик кузатувларни олиб бориш ва уларни қайд этиш лозим.

**Чанглатиш.** Юқорида қайд этганимиздек, ҳар бир экин тури ўзига хос чангланиш усулига (*ўзини чанглайдиган, четдан чангланадиган*) боғлиқ. Шу муносабат билан юқори сифатли уруғлик материалларни етиштиришда ўсимликнинг айнан шу хусусиятига алоҳида эътибор бериш даркор. Шу билан бир қаторда изоляцион майдонлар талаб даражасида эканлигига эътибор бериш керак. Сунъий чанглатиш ишлари минтақамизнинг иқлимини эътиборга олган ҳолда тонгги соатларда амалга оширилади. Шунини унутмаслик керакки, ҳар бир экиннинг оталик ва оналик гулларининг гуллаш даври ва унинг давомийлиги турлича. Бу эса айрим қийинчиликлар

туғдиради. Сунъий чанглатиш даврида агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажаришга эътиборни кучайтириш лозим.

**Ҳосилни йиғиш.** Бу даврда олиб бориладиган ишларга алоҳида эътибор талаб этилади. Маълумки, ҳар бир экин тури ҳосилининг етилиш жараёни ўзига хос равишда ўтади. Шу муносабат билан ҳосилдаги уруғнинг тўла пишиб етилишини қатъий назоратга олиш лозим. Агар уруғ тўла етилмаса, унинг сақланиши учун зарур бўлган кўрсаткич – уруғнинг унувчанлик энергияси ва унувчанлик қобилияти паст бўлади ва сақланиш муддати қисқаради. Ҳосил йиғиш ишлари ҳаво қуруқ кунларда қабул қилинган талаблар асосида амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳосил йиғими даврида касаллик ва зараркунандалардан зарарланган ўсимликлардан ҳосил терилмайди, аксинча, улардан ҳоли қилиш тадбирлари ўтказилади. Ҳосил йиғиш ишларини бошлашдан аввал фенологик кузатувлар ва дала ҳисоботи тадбирларини бажариш даркор. Бу эса бўлажак ҳосилнинг миқдори ва сифатини аниқлашда ёрдам беради. Ҳосил йиғилгандан сўнг уни махсус қоғоз ёки матодан тайёрланган пакет ёки қоғларга солиниб, омборларга олиб борилади.

**Уруғларни тозалаш ва қуритиш.** Янги ҳосил омбор ёки махсус мослаштирилган жойларга олиб борилади ва шу ерда маълум даврга қадар қуритилади. Ҳар бир экин турининг ҳосили ўзига хос бўлганлиги учун, шунга мос равишда ҳосилдан сифатли уруғлик материални ажратиб олиш ишлари қабул қилинган талаблар асосида амалга оширилади. Ажратиб олинган сифатли уруғлик материал тозаланиб, қоғоз ёки матодан тайёрланган пакет ёки қоғларга солинади ва маълум муддат ичида қуритилади. Ундан кейин аввал турли хил касаллик ва зараркунандаларга қарши уруғлик материал (*гермоплазма*) фумигациядан ўтказилиб, маълум муддат давомида шамоллатилади ва ўрта муддатда сақлаш учун Генбанкка топширилади.

**Коллекция намуналарини ўрганиш ва уларга тавсифнома бериш.** Генбанкдаги коллекцион намуналарни фақат сақлаш билан чегараланиб қолмай, балки турли хил белги ва хусусиятлар бўйича ўрганиш ишларини ҳам олиб бориш зарур. Маълумки, ҳар бир экин тури ўзига хос равишда турли хил белги ва хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳар бир экин турининг морфобиологик, қимматли

хўжалик белги ва хусусиятларини ўрганиш ишлари қабул қилинган талаблар ва дескрипторлар асосида амалга оширилади. Ушбу ишларни бажариш натижасида Генбанкда сақланаётган коллекцион намуналарга тавсифнома берилади ва бу ўз ўрнида ҳар бир намунанинг ноёб қирраларини очиб беришга имкон яратади ва ундан келажак изланишларда фойдаланиш ёки селекция жараёнида янги, юқори маҳсулдор ва юқори сифатли нав ва дурагайларни яратишда дастлабки манба сифатида фойдаланишда улкан замин яратади. Шу билан бир қаторда бу жараёндан тўпланган маълумотларни компьютер ахборот базасига киритиш жамланган маълумотларни таҳлил этиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради.

**Уруғларни тарқатиш.** Генбанкда сақланаётган ўсимликлар коллекция намуналаридан селекционер ва тадқиқотчи олимлар ёки фермерлар самарали фойдаланишлари учун, уларнинг талабларига биноан уруғларни тарқатиш ишларини амалга ошириш лозим. Бу тадбирларни амалга ошириш қабул қилинган талаблар ва усуллар асосида амалга оширилади. Бу жараёнда, албатта, селекционер ва тадқиқотчи олимлар ёки фермерлар томонидан келиб тушган талабномалар ва икки томоннинг келишуви ёки шартномаси асосида бажарилиши алоҳида ўрин тутаяди. Келишувда ёки шартномада икки томоннинг ҳозирги ва келажакдаги ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, олинадиган фойданинг улуши ва бошқа масалалар ҳисобга олинади ва томонларнинг келишуви асосида ёзма равишда амалдаги қонунларга биноан расмийлаштирилади. Уруғларни тарқатишда коллекцион намуна уруғига бўлган талабнома ва шартномадан ташқари уруғ пакетлар тарқатилаётган коллекцион намуналар рўйхати билан узатилади. Ушбу рўйхатда уруғ тарқатаётган ташкилот номи, уруғни қабул қилиб олаётган ташкилот ёки шахс номи, экин номи, намунанинг каталог рақами, намуна номи, ботаник номи, келиб чиқиши, уруғнинг репродукция йили ва уруғ вазни тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Рўйхатда уруғни бераётган ва қабул қилиб олаётган шахсларнинг номи, лавозими, ташкилот номи, санаси ва имзолари кўрсатилиши шарт. Бу жараёнда тўпланган маълумотларни компьютер ахборот базасига киритиш асосида ҳужжатлаштириш ишларини параллель равишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

## СЎРЎВЧИ ЗАРАКУНАНДАЛАРГА БАРДОШЛИ ТИЗМАЛАРНИНГ АЙРИМ МОРФОБИОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ

Х.Сайдалиев, М.Халикова  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институту қошидаги ғўза коллекциясида мавжуд бўлган бир қатор чидамли намуналар, тадқиқотчилар томонидан чидамли деб топилган шакллар, олдинги тадқиқотларда биз томонимиздан *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. ёввойи ғўза тури ва маданийлаштирилган *G.hirsutum* L. турига мансуб навлар ўртасида ўтказилган чагиштиришлар натижасида олинган, бошқа илмий тадқиқотларга жалб этилмаган ва бошқа жойда мавжуд бўлмаган  $F_{13}$  авлод дурагай ўсимликларидан яқка танлов йўли билан яратилган бир қатор тизмалар дала шароитида экилиб, уларда морфобиологик белгилар бўйича фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари олиб борилди. Зараркунадалар сони, табиий шароитда зарарланиш даражаси аниқланди.

Тажрибаларда 100 та намуна қатнашди. Уларнинг тезпишарлиги 90.0-128.3 кун оралиғида бўлиб, аксарият намуналар тезпишарликни намоен қилишди. Жумладан, 7/5 (92.4 кун), 12/1 (110.3 кун), 2/3 (112.8 кун), 16/2 (106.8 кун), 4/3 (103.1 кун), 10/4 (90.0 кун), 4/1 (110.2 кун), 15/2 (112.3 кун), 18/3 (112.5 кун), 21/1 (107.8 кун), 34/4 (102.6 кун), 27/3 (102.3 кун), 33/2 (99.4 кун), 35/7 (112.4 кун) каби намуналар энг тезпишар эканлиги кузатилди.

Ўрганилган намуналарнинг бош поя баландлиги 64,0-117,0 см оралиғида бўлиб, уларнинг аксарияти паст бўйли эканлиги қайд этилди. Бу натижа ушбу намуналарга хос бўлиб, олдинги изланишларда ҳам қайд этилган.

Ўрганиладиган намунанинг ҳосилдорлиги унинг кўп жиҳатларига боғлиқ бўлиб, битта ўсимликдаги кўсакларнинг сони бунда асосий аҳамиятга эга. Намуналарда бу кўрсаткич 12.8-21.3 дона/ўсимлик оралиғида бўлиб, уларнинг ичида битта ўсимликдаги кўсаклар сонининг энг кўплиги бўйича 7/4 (17.8 та), 11/1 (18.7 дона/ўсимлик), 16/2 (17.5 дона/ўсимлик), 15/5 (18.0 дона/ўсимлик),

7/6 (17.2 дона/ўсимлик), 32/3 (18.1 дона/ўсимлик), 33/1 (17.1 дона/ўсимлик), 38/4 (18.3 дона/ўсимлик), 31/3 (18.4 дона/ўсимлик), 35/3 (19.0 дона/ўсимлик), 35/5 (21.6 дона/ўсимлик) ва бошқа намуналар ажралиб турди.

Ўрганилган намуналар олдинги изланишларда бардошлилиги бўйича ажратиб олинган бўлса-да, уларнинг айримларида зараркунандалар учради. Зараркунандалар 10 та ўсимликда саналди ва зарарланиш даражаси ўсимликлар сонига нисбатан фоизларда ҳисобланди.

Намуналарнинг трипс билан зарарланиши ўсимлик учки қисмининг зарарланганлиги ва шунинг учун ҳосил бўлган шакл ўзгаришига (вилка ҳосил-бўлиши) кўра баҳоланди. Ўрганилган намуналарда трипс билан зарарланиш 0.0-50.0% оралиғида бўлиб, бир қатор намуналарда зараркунанда умуман учрамади. 5/2, 7/4, 3/2, 4/2, 18/2, 9/1, 15/5, 4/1, 7/6, 17/6, 28/4, 32/3, 38/2, 35/7, 38/5, 23/1, 31/2, 30/3, 35/4, 26/1, 20/1 намуналари шулар жумласидандир.

Ўсимлик шираси ўрганилган намуналарга сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида тушди ва қисқа муддатда йўқолиб кетди. Намуналарда шираларнинг учраши 0.0-50.0% атрофида бўлиб, кўпчилик намуналарда улар учрамади. Энг кўп ширалар сони 10/4 намунасида бўлиб, 50.0% ни ташкил қилди.

Таҷриба далаларига ўргимчаккана августнинг иккинчи ўн кунлигида тушди ва сентябрнинг охиригача сақланиб қолди. Ўрганилган намуналарда 3-4 баргдаги ўргимчаккананиннг ўртача сони 0.0-40.0% оралиғида бўлиб, 7/5, 5/3, 7/2, 10/4, 17/2, 10/2, 33/1, 34/4, 32/4, 27/3, 34/7, 34/1, 40/2, 24/1, 23/4, 30/5, 27/1, 23/2 намуналарида ўргимчаккана 20.0-40.0% ўсимликларда учради. Ушбу намуналарда баргнинг 1 мм<sup>2</sup> сатҳидаги туклар сони энг кам бўлиб, 9.1-26.8 тани ташкил қилди.

Намуналар баргининг умумий қалинлиги эса 167.0-296.6 мкм га тенг бўлиб, барг қалинлиги 250.0 мкм дан 297.0 мкм гача бўлган намуналарда ўргимчаккана умуман учрамади.

Бажарилаётган лойиҳаниннг асосий мақсади қимматли хўжалик белгилари ва зараркунандаларга чидамлилиги уйғунлашган тизмаларни ажратиш бўлганлиги учун биринчи йилги кузатув натижаларига кўра қуйидаги жадвалда келтирилган намуналар ажратиб олинди.

SamQXI Axborot  
resurs markazi  
Inv №325797

**Ажратиб олинган намуналарнинг айрим морфоҳужалик белгилари  
ва зарарланиш даражаси кўрсаткичлари (2009 йил)**

№	Намунанинг номи ёки рақами	Тезлишарлик, кун	Бош поя баландлиги, см	Битта ўсимликдаги кўсақлар сони, дона	Барг қалинлиги, мм	Барг сатҳидаги туқлар сони, дона	Зарарланиш, % (10 та ўсимликка нисбатан)		
							трипс билан	шира билан	ўргимчаксана билан
	5/2	128.3±0.37	95,4±0,25	14.4±0.11	296,3±0.46	38,5±0,28	0.0	0.0	0.0
	7/4	123.5±0.34	115,0±0,10	17.8±0.10	274,0±0.30	46,4±0,42	0.0	0.0	0.0
	3/2	121.6±0.36	103,7±0,24	15.6±0.13	298,1±0.35	40,6±0,37	0.0	0.0	0.0
	6	118.1±0.21	89,2±0,31	16.6±0.14	232,4±0.34	36,7±0,23	0.0	0.0	10.0
	7	115.6±0.27	83,4±0,21	15.0±0.08	218,1±0.29	44,2±0,36	0.0	0.0	10.0
	12/1	110.3±0.36	80,8±0,63	14.3±0.08	240,0±0.54	39,1±0,30	10.0	0.0	0.0
	11/1	115.8±0.28	103,6±0,17	18.7±0.18	200,8±0.43	22,3±0,16	10.0	0.0	10.0
	3/11	124.5±0.31	88,7±0,54	16.3±0.12	247,1±0.27	44,8±0,26	10.0	0.0	0.0
	4/2	117.6±0.28	83,0±0,61	15.2±0.10	293,1±0.34	40,3±0,21	0.0	0.0	0.0
	2/3	112.8±0.34	103,5±0,42	15.7±0.09	266,3±0.38	32,5±0,24	10.0	0.0	0.0
	18/1	117.3±0.30	77,7±0,46	16.7±0.10	270,8±0.29	44,6±0,33	10.0	0.0	0.0
	16/1	121.6±0.28	106,8±0,18	16.5±0.10	276,1±0.29	46,5±0,37	10.0	0.0	0.0
	15/4	116.4±0.31	83,1±0,66	16.8±0.06	267,4±0.13	40,2±0,26	10.0	0.0	0.0
	18/2	116.7±0.27	70,2±0,25	14.0±0.08	296,6±0.38	39,6±0,22	0.0	0.0	0.0
	9/1	117.1±0.29	99,8±0,13	16.3±0.07	286,3±0.40	42,1±0,30	0.0	0.0	0.0
	2/4	111.6±0.9	91,4±0,47	15.0±0.08	278,5±0.35	30,1±0,21	10.0	0.0	0.0
	5/5	123.6±0.33	81,7±0,52	13.1±0.06	248,4±0.10	31,6±0,20	10.0	0.0	0.0
	19/2	120.8±0.29	92,5±0,58	16.0±0.04	237,7±0.46	39,8±0,26	10.0	0.0	0.0
	5/4	118.3±0.31	86,7±0,27	12.8±0.04	244,8±0.29	33,1±0,18	10.0	0.0	0.0
	15/5	123.0±0.31	90,1±0,38	18.0±0.12	227,1±0,33	47,1±0,55	0.0	0.0	0.0
	19/4	121.8±0.3	70,5±0,28	16.1±0.14	240,0±0,46	40,3±0,51	10.0	0.0	0.0
	6/2	116.0±0.64	66,7±0,13	16.1±0.2	290,2±0,52	32,7±0,52	10.0	0.0	0.0
	4/1	110.2±0.86	76,0±0,19	16.5±0.18	280,7±0,43	43,6±0,50	0.0	0.0	0.0
	15/2	112.3±0.82	70,2±0,22	15.3±0.2	263,4±0,40	38,7±0,51	10.0	0.0	0.0
	18/3	112.5±0.80	50,7±0,28	13.2±0.23	243,0±0,51	22,0±0,3	10.0	0.0	0.0
	7/6	123.6±0.63	78,4±0,47	17.2±0.21	261,3±0,35	43,6±0,5	0.0	0.0	0.0
	17/6	119.4±0.70	82,0±0,21	16.1±1.0	278,5±0,37	41,2±0,4	0.0	0.0	0.0
	6/1	122.8±0.76	91,9±0,35	14.0±0.3	270,1±0,33	31,5±0,43	10.0	0.0	0.0
	21/1	107.8±0.94	64,0±0,33	16.8±0.28	268,2±0,45	42,3±0,53	10.0	0.0	0.0
	28/4	119.1±0.75	76,8±0,46	16.6±0.27	286,7±0,36	45,8±0,48	0.0	0.0	0.0
	32/3	119.2±0.74	81,8±0,71	18.1±0.34	270,3±0,30	47,7±0,50	0.0	0.0	0.0
	23/3	118.6±0.81	107,4±0,51	14.8±0.27	268,0±0,24	39,2±0,40	10.0	0.0	0.0
	38/2	117.0±0.78	101,2±0,26	17.0±0.25	286,5±0,25	44,3±0,47	0.0	0.0	0.0

	31/5	124,6±0,81	94,8±0,51	15,4±0,21	284,3±0,20	33,5±0,42	10,0	0,0	0,0
	20/2	115,3±0,72	84,4±0,43	15,3±0,22	246,1±0,21	20,5±0,38	10,0	0,0	0,0
	34/9	122,0±0,83	92,7±0,32	13,6±0,3	280,7±0,19	33,8±0,42	10,0	0,0	0,0
	20/4	121,1±0,80	72,1±0,36	15,7±0,2	256,6±0,25	37,3±0,43	10,0	0,0	0,0
	38/4	120,3±0,66	108,6±0,28	18,3±0,14	255,5±0,51	43,5±0,16	10,0	0,0	0,0
	35/7	112,4±0,54	103,6±0,21	13,6±0,10	256,1±0,43	43,6±0,25	0,0	0,0	0,0
	31/3	115,2±0,75	105,2±0,45	18,4±0,24	257,6±0,32	17,6±0,28	10,0	0,0	0,0
	37/6	120,3±0,46	119,8±0,29	16,5±0,26	280,1±0,46	51,6±0,36	10,0	0,0	0,0
	24/2	118,5±0,48	90,8±0,31	14,3±0,18	248,3±0,40	32,6±0,30	10,0	0,0	0,0
	35/1	124,0±0,75	114,9±0,33	17,6±0,13	260,3±0,32	33,0±0,33	10,0	0,0	0,0
	31/1	113,0±0,46	84,9±0,25	15,4±0,16	248,6±0,36	36,6±0,26	10,0	0,0	0,0
	38/5	118,7±0,82	98,2±0,51	14,6±0,23	254,2±0,34	44,5±0,24	0,0	0,0	0,0
	30/4	121,3±0,93	105,0±0,54	14,6±0,22	262,8±0,18	36,5±0,21	10,0	0,0	0,0
	23/1	117,6±0,62	93,4±0,28	16,5±0,14	254,1±0,42	43,8±0,22	0,0	0,0	0,0
	20/9	120,4±0,73	104,6±0,34	21,3±0,18	245,3±0,27	32,1±0,25	10,0	0,0	0,0
	33/3	124,0±0,61	71,3±0,43	14,6±0,17	230,5±0,36	25,6±0,25	10,0	0,0	0,0
	31/4	116,0±0,45	78,4±0,33	15,0±0,16	243,6±0,54	24,7±0,32	10,0	0,0	0,0
	31/2	120,1±0,66	100,8±0,25	17,2±0,17	275,3±0,25	28,6±0,33	0,0	0,0	0,0
	34/5	119,3±0,65	84,8±0,24	18,6±0,23	242,0±0,20	33,0±0,30	10,0	0,0	0,0
	28/1	119,0±0,35	82,6±0,22	14,5±0,20	250,3±0,42	35,6±0,37	10,0	0,0	0,0
	35/2	124,2±0,42	99,4±0,26	14,0±0,14	243,6±0,30	42,6±0,26	10,0	0,0	0,0
	20/3	128,4±0,72	108,3±0,35	15,6±0,20	256,4±0,36	44,0±0,32	10,0	0,0	0,0
	37/3	116,7±0,35	100,8±0,40	18,4±0,17	240,8±0,28	22,3±0,25	10,0	0,0	0,0
	30/2	131,0±0,38	120,3±0,46	16,3±0,13	258,6±0,32	36,7±0,28	10,0	0,0	0,0
	30/3	124,3±0,33	103,8±0,25	13,8±0,11	284,0±0,36	46,5±0,34	0,0	0,0	0,0
	35/4	121,3±0,30	104,3±0,47	18,7±0,15	280,6±0,25	44,0±0,37	0,0	0,0	0,0
	26/1	125,0±0,48	98,5±0,28	17,5±0,21	264,0±0,21	43,2±0,30	0,0	0,0	0,0
	20/5	117,3±0,83	92,5±0,43	16,4±0,24	252,3±0,26	36,2±0,33	10,0	0,0	0,0
	37/2	125,3±0,87	106,0±0,60	17,8±0,31	266,3±0,28	25,3±0,36	10,0	0,0	0,0
	35/3	124,0±0,86	98,5±0,52	19,0±0,16	254,1±0,22	24,3±0,35	10,0	0,0	0,0
	27/2	119,3±0,78	116,4±0,23	17,6±0,24	258,3±0,30	20,8±0,31	10,0	0,0	0,0
	20/1	117,2±0,48	96,4±0,33	18,1±0,22	260,4±0,24	46,1±0,21	0,0	0,0	0,0
	29/1	113,0±0,44	89,6±0,37	17,8±0,10	244,3±0,17	28,5±0,20	10,0	0,0	0,0
	38/1	123,6±0,83	92,6±0,43	14,0±0,16	254,3±0,32	36,6±0,28	10,0	0,0	0,0
	24/3	122,7±0,80	94,1±0,26	13,8±0,13	255,5±0,16	32,3±0,27	10,0	0,0	0,0
	28/3	121,5±0,85	85,7±0,38	16,7±0,17	256,5±0,23	42,0±0,36	10,0	0,0	0,0
	35/6	123,6±0,81	83,9±0,42	15,0±0,15	251,3±0,20	33,5±0,33	10,0	0,0	0,0
	35/5	115,6±0,57	95,5±0,29	21,6±0,25	220,6±0,35	18,7±0,29	10,0	0,0	0,0
	37/8	122,0±0,84	103,1±0,17	14,6±0,26	236,5±0,22	31,2±0,19	10,0	0,0	0,0
	Нам.77	126,4±0,64	106,5±0,31	18,6±0,26	196,5±0,27	22,3±0,21	10,0	0,0	20,0

Олинган маълумотлардан зараркундаларнинг сони ўсимлик барглариининг қалинлиги ва туклар зичлиги биргаликда юқори бўлгандагина кам бўлганлиги қайд қилинди. Кейинги излашлар

да бу боғлиқликнинг сақланиб қолиш имкониятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

УДК 025.4:631

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ДОКУМЕНТИРОВАНИЯ ГЕНЕТИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ РАСТЕНИЙ

Ф.Х. Абдуллаев, Ю.А. Карпенко  
УзНИИССХ Ташкент, РНПЦДСЛХ

Современная стратегия сбережения и активного использования генетических ресурсов растений в селекции должна основываться на точных методах идентификации и регистрации генофонда, учете всех аспектов динамики культурной флоры, связанной с изменениями в биосфере и предвидении мер предотвращения потерь особо ценных видов и форм. Последние годы все отчетливо представляется необходимость в усилении мер по сохранению стародавних сортов и природных популяций в их естественном состоянии (*in-situ*), как потенциального источника генетического улучшения и оздоровления современного сортового генофонда.

Для сохранения генетического разнообразия сельскохозяйственных культур создаются генбанки, оснащенные информационными системами. Многолетний зарубежный опыт показывает, что в недалеком будущем наиболее важным средством регистрации генофонда и обмена информации о нем будут новые технологии, поскольку они позволяют наилучшим образом идентифицировать и в удобной для компьютеризации форме выражать как генетические системы-гены, так и таксономические и биологические единицы- линии, биотипы, сорта, популяции и виды.

За последние годы во многих странах мира стали проводиться исследования по анализу гермоплазмы, документированию коллекций и созданию базы данных по генетическим ресурсам растений. В таких крупнейших странах мира, как США, Китай, Индия, Россия, Корея и т.д. наряду с сохранением коллекций в генбанках осуществляются постоянное документирование и мониторинг генофонда для его более эффективного использования в селекции.

Во многих странах мира информационные банки данных являются сильными, так как они формировались с учетом комплексного подхода к информационным технологиям и специфических особенностей, исходя из имеющегося генофонда, его состава, структуры баз данных и направления их использования. Благодаря созданию информационных систем по генофонду растений в зарубежных странах эта прогрессивная информационная технология является экономически выгодным ресурсом, который эффективно используется в настоящее время в биологической и сельскохозяйственной науке и практике и открывает перспективы значительного развития этих направлений. С помощью информационной системы по генофонду растений осуществляются эффективное хранение информации о гермоплазме в генбанках, а также быстрый поиск ее для практического использования в различных исследованиях, в частности, в селекции, направленной на получение новых ценных сортов растений. Для осуществления задач необходим пересмотр существующих методов подхода к изучению и использованию генетических ресурсов сельскохозяйственных культур, а также внедрение новых информационных технологий, которые успешно используются во многих зарубежных странах для повышения эффективности селекции.

Приведем результаты исследований по разработке теоретических основ документирования для формирования Национальной базы данных и механизма информационного обмена по генетическим ресурсам растений.

Документоведение - это наука о документе и документно-коммуникационной деятельности. Данная научная дисциплина изучает закономерности создания и функционирования документов, разрабатывает принципы построения документно-коммуникационных систем и методы их деятельности. Формирование документоведения как научной дисциплины предполагает определение основных ее составляющих: объекта, предмета, структуры, методов, понятийного аппарата - в их единстве и целостности, т.е. как системной научной дисциплины.

Объектом документоведения как науки является комплексное изучение документа как системного объекта, специально созданного для хранения и распространения (*передачи*) информации в пространстве и времени. Документ создается в ходе документ-

но-коммуникационной деятельности, поэтому объектом науки являются все виды этой деятельности- создание, производство, хранение, распространение и использование документов, создание систем документации. Документоведение изучает документ как предмет на теоретическом, историческом и методическом (*практическом*) уровнях. Оно исследует документ как систему, его свойства, параметры, структуру, функции, методы и способы документирования, классификацию и типологизацию документов. В поле его внимания находятся общие закономерности создания, распространения, хранения и использования документов. Причем предметом изучения может служить документ в целом либо его отдельные элементы, специфические черты документно-коммуникационной деятельности.

Источниками в документоведческих исследованиях могут выступать практически любые документы, системы документации и комплексы документов. На их основе можно получить определенное представление об уровне работы с документами, способах документирования, о делопроизводственной культуре той или иной эпохи. Однако главную роль играют все же те документы, в которых зафиксированы правила, нормы, рекомендации, нормативы и т.д., регламентирующие и регулирующие различные направления, способы и формы работы с документами. Это, прежде всего, законодательные и правовые акты, стандарты, классификаторы, инструкции, методические указания. Источники являются необходимой базой для проведения теоретических исследований, совершенствования практики документационно-го обеспечения управления и определения основных тенденций развития документационных процессов.

Главной составляющей документа выступает информация, т.е. самые различные данные, сведения, сообщения, знания, предназначенные для передачи в процессе коммуникации. Информация- это сведения о лицах, предметах, фактах, событиях, явлениях и процессах независимо от формы их представления. Основной инструмент информатизации – информационные системы. Информационные системы (ИС)- системы хранения, обработки, преобразования, передачи, обновления информации с использованием компьютерной и другой техники.

Документирование- это создание документа с использованием различных методов, способов и средств фиксации информации на материальном носителе. Метод документирования- это прием или совокупность приемов фиксации информации на материальном носителе с помощью знаковых систем (*характер кодов языков, знаковые системы и т.д.*).

Способ документирования- это действие или совокупность действий, применяемых при записи информации на материальном носителе. Средство документирования- это предмет (*орудие*) или совокупность приспособлений (*оборудование, инструменты*), используемых для создания документа (*ручные, механизированные и автоматизированные приспособления*). Методами документирования определяется специфика знаковой системы записи информации на носителе. Способы, средства и инструменты создания документа в своей совокупности являются основой видového многообразия документов.

Непременное условие процесса документирования – кодирование информации. Кодирование информации- это специально выработанная система приемов (*правил*) фиксации информации. Основными атрибутами кодирования являются код, знак, язык, с помощью которых информация фиксируется и передается в пространстве и времени. Код- это набор знаков, упорядоченных в соответствии с определенными правилами того или иного языка, для передачи информации. Знак- это метка, предмет, которым обозначается что-нибудь (*буква, цифра*). Знак вместе с его значением называют символом. Язык- это сложная система символов, каждый из которых имеет определенное значение. Языковые символы, будучи общепринятыми и соответственно общепонятными в пределах данного сообщества, в процессе речи комбинируются друг с другом, порождая разнообразные по своему содержанию сообщения. Код, знак и язык позволяют передавать информацию в символическом виде, удобном для ее кодирования и декодирования. Системе кодирования информации свойственны следующие отличительные черты:

а) код должен хорошо восприниматься, воспроизводиться и передаваться. Этим определяются особенности его формы- неизменность, однотипность и определенность;

б) код должен быть однозначным, понятным всем. С этой целью разрабатывается система правил, которая позволяет кодировать и декодировать информацию;

с) кодов существует гораздо больше, чем материальных носителей. Различают следующие виды кодов: алфавитный- система букв, цифровой- система цифр, алфавитно-цифровой- смешанная система алфавитных и цифровых кодов и др. Используя в качестве кода буквы, можно фиксировать слова на разных языках, следовательно, использовать разные коды.

Запись информации- это способ фиксирования информации на материальном носителе. В настоящее время используют системы записи информации (*ручную, механическую, магнитную, оптическую, фотографическую и электростатическую*), а также системы воспроизведения информации (*ручную, полиграфическую, механическую, магнитную, оптическую, электростатическую*) и системы стирания информации (*ручную, магнитную, оптическую и тепловую*). В зависимости от способа фиксирования информации различают рукописный, механический, магнитный, оптический, фотографический, электростатический документы. Потребность в оперативной передаче информации и надежном ее хранении привела к возникновению фотографии, звукозаписи и т.д., а также к использованию телеграфа, фототелеграфа, факса и т.д.

Информация- это пригодное для хранения и передачи отражение состояния объекта или изменений в нем. Такое определение непосредственно позволяет считать информацией различные данные, сведения, сообщения, факты, сигналы. Приведенное определение охватывает и более сложные формы информации: списки, тексты, документы, таблицы, диаграммы, рисунки, методики, приемы работы, знания. К информации также относятся звуки, запахи, жесты, прикосновения.

Хранение и передача информации предполагает ее *запись*. Запись предполагает наличие некоторых базовых элементов, и называемых *алфавитом* правил использования алфавита для записи информации- языка. Например, алфавитом для чисел являются цифры от 0 до 9, а языковые правила включают позиционную форму, правила записи десятичных и других дробей, запись отрицательных чисел и пр.

Основными операциями с информацией являются хранение, переработка, передача. К ним надо добавить еще одну, в определенном смысле стоящую особняком, - первичное получение.

Переработка информации всегда выполняется по определенным, обычно строго фиксированным правилам. Эти правила называются *алгоритмами*. В сложных алгоритмах возможно включение интуиции человека и других приемов неформализованного выбора. Это принято производить только в фиксированных местах работы алгоритма с учетом ряда жестких ограничений.

Не менее актуальным, чем переработка информации, является ее *передача*. При *передаче* информации существуют понятия *отправителя (источника)*, *получателя (адресата)* и *канала* передачи. Современные основные способы передачи - по проводам, радио, на твердом (*бумажном и др.*) носителе, переносимом магнитном носителе, через человеческую речь. Отправителем и получателем может быть человек или техническое средство. В последнем случае говорят об автоматической передаче информации.

Таким образом, создание Национальной Информационной Системы на основе теоретических и методологических подходов, а также разработанного механизма информационного обмена формирования баз данных будет уникальной и специфичной, в которой будет сконцентрирована комплексная информация по генетическому разнообразию сельскохозяйственных культур республики, характерная именно для Центральной Азии, не имеющая аналогов в мире, способствующая развитию биологической и сельскохозяйственной науки и практики.

Следовательно, документирование и создание Национальной информационной системы по генетическим ресурсам растений позволит оперативно систематизировать, анализировать информацию и осуществлять сотрудничество в глобальном масштабе, которое обеспечит эффективное использование генетических ресурсов растений на благо будущих поколений.

## ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ АСОСИДА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ф.Х.Абдуллаев  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Ўсимликлар генетик ресурсларини сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш ҳозирги замон стратегияси биосферанинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган маданий флоранинг эволюцияси ҳамда ўсимликларнинг ноёб тур ва шакллариининг йўқолиб кетишини башорат этиш ва олдини олиш чораларини кўриш ҳисобга олинишига асосланиши даркор. Сўнгги ўн йилликларда қишлоқ хўжалик экинларининг замонавий генофондини генетик бойитиш ва ундан самарали фойдаланишнинг потенциал манбаи сифатида ёндашган ҳолда табиатда (*in-situ*) ҳамда илмий ташкилотлар коллекцияларида (*ex-situ*) маҳаллий навлар ва табиий популяцияларни сақлаш бўйича ишларга бўлган эътиборни кучайтириш зарурлиги намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан генофондни идентификациялаш ва рўйхатга олишнинг аниқ услублари муҳим ўрин тутди.

Ўсимликлар генетик ресурсларини хужжатлаштириш ўсимликлар генетик ресурслари билан ишлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва расмийлаштириш, ҳаракати, сақланиши ва фойдаланиши каби жараёнларни ўз ичига олади. Ўсимликлар генетик ресурсларини хужжатлаштириш фаолият кўрсатаётган ўсимликлар Генбанкининг асосини ташкил этади ва асосий элемент сифатида миллий коллекцияларнинг генетик хилма-хиллиги шаклланишида намоён бўлади. Маълумотларнинг жамлаш ҳажмининг ортиб бориши билан ўсимликлар жаҳон ресурслари коллекцияларининг доимий равишда кенгайиши, таҳлил услубларининг чуқурлашиб бориши билан янги ёндашишларни такомиллаштиришни талаб этади. Асосий масалаларнинг бири сифатида ахборотларни тартибга солиш, уларни сақлаш ва таҳлил этиш туради.

Ўсимликлар генетик ресурслари бўйича аборот тизимини яратиш кўпгина босқичлардан иборат. Ахборот тизими таркибини аниқ тақдим этиш ва хужжатлаштириш учун устувор йўналишлар

рўйхати ва уни ишлаб чиқиш схемасини тузиш даркор. Биринчидан, ахборот тизимини яратишни изчиллик билан ва режа бўйича амалга ошириш учун унинг шаклланиш босқичларини аниқлаш лозим. Иккинчидан, ҳар бир босқичнинг таркибини очиб чиқиш, шу билан уни шакллантириш бўйича амалий ишларни бажариш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот тизимини шакллантишдаги асосий босқичлар қуйидагилардан иборат:

- **Мавжуд маълумотларни ўрганиш.** Бу босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) экинлар рўйхатини аниқлаш; б) мавжуд маълумотларни инвентаризация этиш; в) мавжуд маълумотларни ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.
- **Ахборотга бўлган талабларни ишлаб чиқиш.** Бу босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) ахборотнинг умумий структурасини тузиш; б) ахборот структурасини оптималлаштириш; в) ахборот йиғиш учун анкета маълумотлари (*дескрипторлари*)ни тузиш; г) ахборот йиғиш учун анкета маълумотлари (*дескрипторлари*)ни муҳокама этиш, оптималлаштириш ва қабул қилиш; д) ахборот йиғиш услубини ишлаб чиқиш.
- **Маълумотларни йиғиш.** Бу босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) мавжуд маълумотлардан фойдаланиш; б) тасдиқланган анкета ва услубларга биноан маълумотларни йиғиш.
- **Ахборотларни сақлаш ва бошқариш.** Бу босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) анкета маълумотларини олиш; б) анкета маълумотларини экспертизадан ўтказиш; в) анкета маълумотларига биноан ахборотлар базасини лойиҳалаштириш; г) ахборот базасига маълумотларни киргазиш; д) ахборот базасини апробациядан ўтказиш; е) ахборот базасини созлаш; ё) ахборот базасига рухсатсиз киришга қарши маълумотларни ҳимоя қилиш услубларини ва ахборот базасига кириш тартиб (*процедура*)ларини ишлаб чиқиш; ж) ахборот базаси билан ишлаш бўйича ўқитиш.
- **Ахборотларни эълон қилиш.** Бу босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) локал компьютер тизимини яратиш;

- б) локал компьютер тизимини апробациядан ўтказиш ва созилаш; в) локал компьютер тизимида ишлаш бўйича ўқитиш.
- **Маълумотлар мониторинги.** Бу босқич қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) маълумотлар мониторинги ишларини ташкил этиш; б) ахборот базасига янги маълумотларни киритиш тартиби (*процедура*)ларини ишлаб чиқиш.
- **Ахборот алмашувида миллий, минтақавий ва халқаро даражадаги тизимларни яратишда иштирок этиш.** Бу жараёнда ахборот базасини Интернет тизимига узатиш бўйича тадбирларни ўз ичига олади.

Ахборот тизимини яратишнинг бошланғич босқичларида ўсимликлар генетик ресурсларини ҳужжатлаштириш жараёнининг асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қуйидагилар, яъни 1) ўсимлик турларини танлаш; 2) ўсимлик турларини инвентаризациядан ўтказиш; 3) ўсимлик турлари бўйича паспорт маълумотларини яратиш; 4) маълумотларни компьютер базасига киритиш ҳисобланади.

**Ўсимлик турларини танлаш.** Ўсимликлар генетик ресурсларини ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширишда республиканинг илмий ташкилотларида мавжуд *ex-situ* коллекцияларида сақланаётган қишлоқ хўжалик экинлари танланди ва шу экин турларига мансуб коллекция намуналарини инвентаризация (рўйхат) дан ўтказиш ишларини олиб боришга келишилди.

**Ўсимлик турларини инвентаризациядан ўтказиш.** Республика илмий ташкилотларининг *ex-situ* коллекцияларида сақланиб келинаётган ҳар бир намунаси қабул қилинган дискрепторлар рўйхати (асосий маълумот турлари) асосида амалга оширилди. Бу борадаги ишларни амалга оширишда авваламбор узоқ муддат ишлаш давомида аниқлик ва эътибор талаб этилади. Инвентаризация ишлари даврий равишда босқичма-босқич амалга оширилиб борилиши натижасида республиканинг 17 илмий ташкилотларида 147 хил қишлоқ хўжалик экинларининг 75 мингдан ортиқ коллекция намуналари сақланаётганлиги аниқланди.

Республика ҳамда Марказий Осиёда энг йирик ва бой коллекция Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (ЎзЎИТИ)да жамланган бўлиб, бу ерда 102 хил қишлоқ хўжалик экинларининг 43 мингдан ортиқ коллекция намуналари мавжуд.

Республикада донли экинлар коллекцияси 19 хил экин турига мансуб 29354 намунаси ЎзЎИТИ (21969 намуна), АСЕҒДДЭИТИ Ғаллаорол филиали (4573), ЎзШИТИ (1370), ГДУ (1250), ЎзФА ГЎЭБИ (130), СамДУда (62) жамланган. Техник экинлар коллекцияси 21 хил экин турининг 29605 намунаси дан иборат бўлиб, ЎзҒСУИТИ (12098), ЎзЎИТИ (9098), ЎзФА ГЎЭБИ (5100), ЎзПИТИ (199), ЎзТМЭТС (172) ва ГДУда (25) сақланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ғўзанинг дунёда ягона ва ноёб бўлган генетик коллекцияси ЎзМУда (941) мавжуд. Сабзавот-полиэ экинлари ва картошка коллекцияси 39 хил экин турига мансуб 7664 намунасини ташкил этиб, ЎзЎИТИ (5755), ЎзСПЭКИТИ (646), СамҚХИ (1223) ва ТошДАУда (40) жамланган. Мева-резавор, субтропик ва ёнғоқ-мева экинлар ва узумнинг коллекцияси 24 хил экин турига мансуб 6378 намунаси ЎзЎИТИ (3906), ЎзБУВИТИ (2046), ЎзПИТИ (222), РДБЎИИЧМда (204) жонли ҳолда сақланиб келинмоқда. Ем-хашак ва яйлов экинлари коллекцияси эса 44 хил экин турига мансуб 2034 намунасини ташкил этиб, улар ЎзҒСУИТИ (1155), ЎзЎИТИ (646), ЎзҚЧЭИТИ (222), АСЕҒДДЭИТИ Ғаллаорол филиали (4), ГДУ (4) каби ташкилотларда жамланган. Илмий ташкилотлардаги *ex-situ* коллекциялари, яъни уруғлиқ коллекциялари уруғхоналарда, вегетатив кўпаядиган экинлар коллекциялари эса дала шароитидаги кўчатзорларда жонли ҳолда сақланмоқда. Коллекцияларнинг таркиби камёб ва йўқолиб бораётган турлар, маҳаллий шакллар ва маданий ўсимликларнинг ёввойи аجدодларидан, Марказий Осиё худуди бўйлаб илмий экспедициялар давомида йиғилган ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидан интродукция йўли билан жалб этилган намуналардан иборат бўлиб, янги навлар яратишда селекция учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, ушбу коллекцияларнинг шаклланишида Н.И.Вавилов номидаги Бутунроссия ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (ВИР)нинг роли улкан.

**Ўсимлик турлари бўйича паспорт маълумотларини яратиш.** Коллекция намуналарини инвентаризация ишлари олиб бориш билан бир қаторда ҳар бир намунанинг паспорт маълумотларини тузиш даркор. Маълумотларнинг асосий турлари (*дескрипторлар рўйхати*) аниқланди ва улар қуйидагилардан иборат: 1) намуна сақланаётган ташкилот бўйича каталог рақами; 2) бошқа ташки-

логлар бўйича каталог рақамлари (агар айнан шу намуна бошқа ташкилотларда сақланаётган бўлса); 3) интродукция рақами (агар айнан шу намуна интродукция этган ташкилотларда қайд этилган бўлса); 4) намуна номи; 5) намунанинг ботаник (таксономик) номга тааллуқлилиги; 6) намуна тури (нав, тизма, дурагай, ёввойи шакл ва бошқалар); 7) популяция статуси (ҳолати); 8) намунанинг келиб чиқиши (географик мамлакатга тааллуқлилиги); 9) донор-ташкилот (айнан шу намуна келиб тушган ташкилот) номи; 10) донор-ташкилотнинг жойлашган географик мамлакатга тааллуқлилиги; 11) намуна уруғи репродукциясининг йили; 12) уруғ вазни. Изланишларимизда юқорида келтирилган маълумот турлари (дескрипторлар рўйхати) асосан республика илмий ташкилотларида сақланиб келинаётган қишлоқ хўжалик экинларининг коллекция намуналари бўйича паспортизация ишлари амалга оширилди.

**Маълумотларни компьютер ахборот базасига киритиш.** Шўрга чидамли ўсимликлар коллекциялари намуналарининг инвентаризация ишларини амалга оширилгандан сўнгра, ҳар бир намунанинг паспорт маълумотлари тузилди ва бошланғич маълумотлар компьютерга киргизиш ишлари амалга оширилди. Бошланғич маълумотларни компьютерга киргизишда аввал MS Excel компьютер дастуридан, сўнгра “САС-DB” ахборот тизимидан фойдаланилди. “САС-DB” ахборот тизими ИКАРДанинг “GRU-DB” ахборот тизими асосида Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари учун махсус қайта ишланган. Унда ИКАРДА ва ВИР ахборот тизимларини яратиш принципларидан фойдаланилган бўлиб, ўсимликлар генофонд бўйича барча иш жараёнларни, яъни экспедицион тадқиқ этиш ва намуналарни йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳужжатлаштириш ишларини қамраб олган.

Илмий ташкилотларда қишлоқ хўжалик экинлари генофонди бўйича аҳамиятли даражадаги ҳажмга эга бўлган ахборотлар мавжуд. Лекин, бу ноёб илмий ахборотлар тарқоқ ҳолда бўлиб, институтлараро ахборот алмашилиши ўзаро келишилмаган ҳолатдадир. Улар турли форматларга эга ва қоғоз шаклида, асосан дала дафтларларида, илмий ҳисоботлар ва мақолалар сифатида сақланмоқда. Ҳозирги даврда бундай шаклда ахборотларни сақлаш самарасиз бўлиб, улани таҳлил этишда ва ишлов беришда қийинчиликлар

туғдиради ва кўп вақтни талаб этади. Шу билан бир қаторда кимматли ахборотни кўзда тутилмаган шароитларда (ёнгин, сув тошиш ва ҳоказо) йўқотиш хавфи мавжудлиги, чунки ушбу ахборотларнинг бошқа нусхаси бошқа ерда бўлмаганлиги билан белгиланади.

Республикада қишлоқ хўжалик экинлари генетик ресурслари бўйича марказлашган ахборот базасининг йўқлиги олимлар томонидан янги навлар яратишда керакли белгиларга эга бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг янги юқори маҳсулдор ва юқори сифатли навларини яратиш учун дастлабки манбаларни тезкор равишда танлаб олиш ва биология фанининг бошқа йўналишларини ривожлантириш имкониятини бермаётти.

Шу муносибат билан қишлоқ хўжалик экинлари генетик ресурсларини ҳар томонлама ўрганиш, ахборотларни илмий асосда системалаш ва ахборот базасини яратиш, Миллий ахборот тизимини яратишда назарий ва услубий ёндашишларни ишлаб чиқиш селекциянинг янги технологик даражага олиб чиқиш ва унинг самарадорлигини оширишда улкан замин яратади. Ўсимликлар генетик ресурслари Миллий Ахборот Тизими республикада ахборот ва гермоплазма билан алмашуви орқали ўсимликлар генофондини сақлаш, хужжатлаштириш, бошқариш ва фойдаланиш самарадорлигини оширади ва бу соҳада ҳамкорлик учун хорижий ташкилотларни жалб этиш ва республиканинг халқаро миқёсга чиқиш имкониятини яратади.

УДК 633. 511. 571. 1. (3)

## **ХОРИЖИЙ ҒЎЗА КОЛЛЕКЦИОН НАМУНАЛАРИНИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ЎРГАНИБ, ЯРАТИЛГАН ДУРАГАЙЛАРДА ТОЛА ЧИҚИМИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

**Б.Айтжанов, У.Айтжанов  
ҚҚДИТИ, Қорақалпоғистон**

Маълумки, республикамызнинг суғориладиган ерларда мелиоратив ҳолатнинг ёмонлашуви, суғоришда ишлатиладиган сув таркибида тузлар миқдорининг юқорилиги, экинларга суғориш учун

берилаётган сув миқдори ва экинларнинг сувга бўлган талабининг нотўғри белгиланиши ҳамда шўрланган ерларда ҳар йили амалга ошириладиган мелиоратив тадбир – шўр ювишни мунтазам ва сифатли равишда ўтказилмаётганлиги далаларнинг иккиламчи шўрланишига ва турли даражада шўрланган майдонлар йилдан-йилга кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, бошланғич селекция ишларини шўрланган ерларда олиб бориш шўрланган тупроқ шароитига бардошли навларни яратишнинг самарали услуби ҳисобланади. Селекционерлар олдига нафақат шўрланган тупроқ-иклим шароитига бардошли, балки ҳосилдор, тезпишар, юқори тола чиқимига эга ҳамда толасининг сифати бўйича халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш вазифаси ҳам қўйилади. Чунки экилаётган асосий ғўза навлари турли даражада шўрланган тупроқларда ўзининг ҳосилдорлиги ва толасининг сифатини пасайтириб юбораётгани эътироф этилмоқда. Бу эса ғўзанинг дунё генофондидан тупроқ шўрланишига бардошли манбаларни қидириб топишни ва шу асосида бошланғич ашёлар яратишни тақозо этади.

Сўнгги изланишлар натижаси шуни кўрсатаптики, ғўза ҳосилининг юқори ва сифатли бўлиши учун тупроқ-иклим шароитига мос дурагай ва навларни яратиш самарадорлиги бошланғич ашёни тўғри танлашга боғлиқдир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, турли хил ноқулай экстремал шароитларга бардошли ва шўрланган тупроқларда юқори ҳамда сифатли ҳосил берадиган навлар яратиш учун ғўзанинг келиб чиқиш марказларидан келтирилган коллекцион намуналарни ўрганиш, шунинг билан бир қаторда уларни Қорақалпоғистон шароитида районлашган ва истиқболли янги навлар билан чапиштириб, селекция учун бошланғич ашё яратиш долзарб масала саналади.

Р.Р.Эгамбердиев, В.А.Автономов, М.Х.Кимсанбаевларнинг дала шароитида уч қайтариқда қўйилган тажрибаларида бир йилнинг ўзида ота-она шакллари ва  $F_1$ - $F_3$  дурагайлари ўрганилган. Изланишлар таҳлиллари асосида  $F_1$  да истиқболли дурагайлари,  $F_2$  да ўсимликларни ва  $F_3$  да юқори тола чиқимига эга бўлган оилаларни ажратиш мумкинлиги аниқланган.

Бизнинг изланишларимизда эса республикамизнинг шимолий минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий

Ўзанинг F<sub>3</sub> дурагайларида тола чиқимининг ирсийданиши, 2009 йил

№	Дурагай комбинациялар	Дурагайларда тола чиқими, %			Ота-она шаклларининг тола чиқими, %		P <sub>1</sub> - P <sub>2</sub> га нисб. фарқланиш	
		X ±Sx	G	V	P <sub>1</sub>	P <sub>2</sub>	P <sub>1</sub>	P <sub>2</sub>
		1.	F <sub>3</sub> (C-4727 x 011843)	37,9±1,9	4,2	11,1	37,9±1,1	36,7±1,8
2.	F <sub>3</sub> (011843 x C-4727)	38,4±4,6	3,6	9,3	35,4±2,4	36,3±0,9	3,0	2,1
3.	F <sub>3</sub> (C-4727 x 011782)	38,6±0,8	1,8	4,7	39,4±0,7	34,9±2,5	-0,8	3,7
4.	F <sub>3</sub> (011782 x C-4727)	40,9±1,0	2,3	5,6	38,9±1,2	35,5±2,5	2,0	5,4
5.	F <sub>3</sub> (Чимбой-5018 x 011656)	38,4±1,4	3,2	8,4	34,5±1,2	35,6±1,8	3,9	2,8
6.	F <sub>3</sub> (011656 x Чимбой-5018)	40,2±0,9	2,2	5,4	38,8±0,9	37,8±2,5	1,4	2,4
7.	F <sub>3</sub> (Чимбой-5018 x 011761)	39,1±0,8	1,8	4,6	37,2±0,9	38,4±1,3	1,9	0,7
8.	F <sub>3</sub> (011761 x Чимбой-5018)	39,3±1,0	2,3	5,9	38,7±1,4	35,2±1,6	0,6	4,1
9.	F <sub>3</sub> (Дўстлик-2 x 07291)	38,2±1,7	3,8	9,9	39,7±0,7	38,3±1,1	-1,5	-0,1
10.	F <sub>3</sub> (07291 x Дўстлик-2)	36,9±1,8	4,1	11,3	37,6±0,9	35,7±1,5	-0,7	1,2
11.	F <sub>3</sub> (Дўстлик-2 x 011560)	39,9±1,1	2,4	6,0	34,8±1,6	37,2±1,9	5,1	2,7
12.	F <sub>3</sub> (011560 x Дўстлик-2)	35,9±1,9	3,9	11,1	38,4±1,4	37,7±1,1	-2,5	-1,8
13.	F <sub>3</sub> (Мехнат x 011790)	38,8±1,0	2,3	6,0	40,5±0,2	40,0±0,5	-1,7	-1,2
14.	F <sub>3</sub> (011790 x Мехнат)	36,9±0,6	1,3	3,4	39,2±1,0	37,9±1,5	-2,3	-1,0
15.	F <sub>3</sub> (Мехнат x 011571)	37,8±0,7	1,7	4,5	39,3±0,9	36,1±1,7	-1,5	1,7
16.	F <sub>3</sub> (011571 x Мехнат)	39,6±0,4	0,9	2,5	33,4±0,4	32,3±1,2	6,2	7,3
17.	F <sub>3</sub> (Омад x 011787)	36,6±1,3	2,9	7,9	40,2±1,3	32,8±1,1	-3,6	3,8
18.	F <sub>3</sub> (011787 x Омад)	39,1±1,3	2,8	7,3	33,8±1,9	35,2±0,9	5,3	3,9
19.	F <sub>3</sub> (Омад x 06655)	35,4±1,4	3,1	8,7	37,6±0,4	36,7±1,2	-2,2	-1,3

тадқиқот институти, ғўза селекцияси ва уруғчилиги лабораториясининг дала ва лаборатория шароитида ЎзФСУИТИ ғўза коллекциясида мавжуд бўлган АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Африка, Австралия, Афғонистон, Покистон, Эрондан янги келтирилган 500 та намунани табиий ўртача шўрланган тупроқли майдонларда синаб кўриш натижасида улар орасидан ажратиб олинган намуналарнинг асосий хўжалик белгилари ва ажратилган хорижий намуналарни маҳаллий нав-намуналар билан реципрок чапиштириш усули орқали олинган  $F_1$ - $F_3$  дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ўрганилди. Шунингдек, яратилган дурагай комбинацияларнинг тола чиқими белгиси бўйича ўрганганимизда учинчи авлод дурагайларининг ичида  $F_3$  (С-4727 х 011843) дурагай комбинациясида тола чиқими 37,9 фоизни ташкил қилган бўлса, оналик сифатида С-4727 нави қатнашганда эса тола чиқими кўрсаткичи 37,9 фоизни ташкил қилди, яъни ушбу ҳолатда белги бўйича кўрсаткич С-4727 навиға нисбатан тенг кўрсаткичға эға бўлган бўлса, оталик сифатида иштирок этган 011843 рақамли АҚШ намунасиға нисбатан 1,2 фоизға юқори бўлганлиги кузатилди. Оналик сифатида 011843 рақамли коллекцион намунаси қатнашганда эса дурагайнинг тола чиқими кўрсаткичи бўйича 38,4 фоизни ташкил қилиб, ота-она намунасида 3,0 ва 2,1 фоиздан юқори эканлиги аниқланди.  $F_3$  (С-4727 х 011782) дурагай комбинациясида тола чиқими 38,6 фоизни ташкил қилган бўлса, оналик сифатида С-4727 нави қатнашганда эса ушбу кўрсаткич 39,4 фоизни ташкил қилди. Ушбу ҳолатда тола чиқими С-4727 навиға нисбатан 0,8 фоиз паст бўлган бўлса, оталик сифатида иштирок этган 011782 рақамли АҚШ намунасиға нисбатан 3,7 фоизға юқори бўлганлиги қайд этилди. Реципрок ҳолатида оналик сифатида 011782 намунаси иштирок этганда дурагай ўсимликлар ижобий кўрсаткичда бўлиб, уларда тола чиқими 40,9 фоизни ташкил қилди, тебраниш амплитудаси эса 2,3 фоиздан иборат бўлди (жадвал).

Фақат айрим дурагайларда ота-она шакллариға нисбатан тола чиқими кўрсаткичи бир оз паст бўлди. Дурагайларнинг ўзгарувчанлик амплитудасиға қараб уларда ажралиш жараёни кетаётганлиги ва улар ичидан тола чиқими кўрсаткичи бўйича ўсимликларни ажратиб олиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Комбинациялар бўйича ушбу кўрсаткич 35,4-40,9 фоиз оралиғида

бўлиб, бу ўртача ота-она кўрсаткичига яқиндир. Изланишда иштирок этган бошқа дурагай комбинацияларда ҳам ўхшаш қонуниятлар кузатилади.

Юқоридаги фикрларни назарда тутиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Қорақалпоғистон шароитида тола чиқими юқори бўлган ғўза навларини яратиш учун бошланғич ашёни табиий шўрланган ёрларда синаб кўриш мақсадга мувофиқ. Ўрганилган намуналар ва маҳаллий навлар билан частиштириб олинган дурагайларда тола чиқими бўйича деярли ҳамма комбинациялар бўйича гетерозис ҳолати кузатилиб,  $F_2$  авлодда эса ажралиш жараёни туфайли ўзгарувчанлик коэффициенти бирмунча юқори бўлди. Ушбу белги бўйича танлов ишларини  $F_3$  ўсимликларидан бошлаш мақсадга мувофиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эгамбердиев Р.Р., Автономов В.А., Кимсанбаев М.Х. Изменчивость и наследуемость выхода волокна у географически отдалённых гибридов  $F_1$ - $F_3$  хлопчатника G.BARBADENSE L. // Ғўза, беда селекцияси ва уруғчилиги. Илмий ишлар тўплами. Тошкент: Фан, 2009. 213-218-бетлар.

УДК 633.511:631.52

## ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛГАН НАМУНАЛАРНИ КАРАНТИН НАЗОРАТИДАН ЎТКАЗИШ ВА ЎЗҒСУИТИ ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ

Х.Сайдалиев, М.Халикова, Т.Тожибоев  
ЎЗҒСУИТИ, Тошкент

Ўзбекистон Республикасидаги пахтачилик билан шуғулланувчи олимлар томонидан сўнгги йилларда бир қатор янги ва истиқболли ғўза навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ушбу навларни яратиш жараёнида уларнинг турли тупроқ-иклим шароитига мос, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга бардошли, шўр ҳамда сув танқислигига чидамли бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай навларни яратиш учун эса турли хил карантин объектлардан

тоза бўлган бошланғич ашёлардан селекция ишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чунончи, бир қатор пахтачилик билан шуғулланувчи хорижий давлатларда энг асосий муаммолардан бири – бу касаллик, зараркунанда ҳамда ҳашаротларга қарши курашишдир. Бунда, айниқса муҳофаза (карантин) объект ҳисобланган “Антракноз”, “Техас илдиз чириши” касалликлари ва “Яссид”, “Осиё ғўза тунлами”, “Миср ғўза тунлами” (Хлопковая совка), “Пахта куяси” (Хлопковая моль) ҳашаротларининг бир неча шаклларига қарши курашиш учунгина катта миқдорда молиявий чиқим қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида маҳсулот таннари ошишига сабаб бўлмоқда. Бундай мамлакатларга АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва бир қатор Африка мамлакатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқорида қайд этилган карантин объектларининг мамлакатимиз худудига кириб келишини олдини олиш учун Ўсимликлар карантини бош Давлат инспекцияси томонидан жиддий эҳтиёт чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1995 йилда “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу қонуннинг тўла амалга ошишида Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти таркибидаги ғўза намуналарини текшириш бўйича карантин питомнигининг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда ягона бўлган Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти таркибидаги карантин питомниги айнан юқорида қайд этилган мақсадларни назарда тутиб ташкил қилинган бўлиб, ушбу йўналишдаги илмий-амалий ва фундаментал изланишларни муваффақиятли олиб бориш учун ноёб объект ҳисобланади. Ҳар йили хориждан турли йўллар билан, баъзан ўзаро алмашинув шартномалари асосида ғўза намуналари келтирилади. Мазкур намуналар орқали мамлакатимиз худудига карантин объекти ҳисобланган касаллик ва зараркунандаларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида муҳофаза кўчатзорида ҳар йили хориждан келтирилган бир қанча ғўза намуналари карантин объектлари бўлган касаллик ва зараркунандаларнинг бор-йўқлигини аниқлаш учун экинлади. Жумладан, фақатгина 2008 йилда АҚШ дан 700 та, 2009 йилда Хитой Халқ Республикасидан 100 та ғўза намуналари олиб келиниб,

ушбу карантин питомнигида карантин объектига 2 йил мобайнида текширув ўтказилди.

Ушбу жараёнда Ўсимликлар карантини бош Давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган махсус услублар асосида “Антракноз”, “Техас илдиз чириши” касалликлари, “Яссид” “Осиё гўза тунлами”, “Миср гўза тунлами” (Хлопковая совка), “Пахта куяси” (Хлопковая моль) объектларига текширув ва кузатувлар олиб борилмоқда. Шунинг билан бир қаторда ушбу гўза намуналарининг асосий хўжалик ва морфобиологик кўрсаткичларининг бирламчи натижалари ҳам олиниб, тегишли хулосалар қилинади.

Карантин кўчатзоридида намуналар икки йил давомида дала шароитида экилади ва бу жараёнда уларда карантин назорати ўтказилиши билан бир вақтда намуналарнинг барча белгилар бўйича тавсифи тузилади, асосий хўжалик белгилари ўрганилади. Карантин назоратидан ўтган гўза намуналари ЎзФСУИТИ гўза коллекциясига келиб тушади ва бу ерда ўрганилади ҳамда сақлаш учун коллекцияга қўйилади. Ўрганиш давомида ажратиб олинган диққатга сазовор намуналар селекционер ва генетикларга бошланғич манба сифатида тавсия қилинади. Карантин питомнигида назоратдан ўтган хорижий гўза намуналаридан Ўзбекистон Гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти, ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, Тошкент давлат Аграр университети, Тошкент Ирригация ва мелиорация институти, Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти олимлари ва селекционерлари ўз илмий тадқиқотларида, ўқув-илмий фаолиятларида фойдаланадилар.

2006 - 2008 йилларда карантин назоратидан Исроил, Ҳиндистон ва АҚШ дан келтирилган жами 733 та намуна ўтказилди.

Келиб тушган гўза намуналарининг чигитлари бирламчи Ўсимликлар карантини бош Давлат инспекцияси марказий лаборатория ходимлари томонидан (энтомолог, фитопатолог ва гербологлар) назоратдан ўтказилди. Бу назоратдан мақсад зарарланган ва шубҳали уруғларни ажратиб олиб, питомникда экмаслик чоратадбирларини кўришдир. Барча гўза намуналарининг уруғлари механик усул билан туксизлантирилиб, фунгицидлар билан ишлов берилди ва соғлом эканлиги аниқлангач, питомникда ўстириш учун рухсат этилди.

Намуналар уруғ миқдорига кўра апрель ойининг охириги ўн кунлигида 2-3 қайтариқда 60x30x1 тартибда 10 уялик қилиб экилди. Уларнинг ўсув даврларида ҳар 10 кунда карантин объектлари бўйича назорат олиб борилди.

Олиб борилган назорат натижалари:

1. Майсалар униб чиққандан кейин унмаган чигитлар текширилганда уларда ҳар хил сапрофит замбуруғлар борлиги аниқланди;

2. Ўсимликларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида вертициллез вилти ва ҳар хил миқдорда илдиз чириши учради;

3. Етилган кўсак ва толаларда кўсак қурти, макроспориоз, аспергилез учради;

4. Зараркунандалардан ғўза тунлами, трипс, ғўза шираси, ўргимчаккана, иссиқхона оққаноти, фойдали ҳашаротлардан хонқизи ва олтинкўз учради.

Хулоса қилиб айтганда, хориждан келтирилган намуналарда карантин объекти ҳисобланган касаллик ва зараркунандалар учрамади ва улар коллекцияга сақлаш учун қўйиш ва ўрганиш мақсадида ЎзФСУИТИ нинг Ғўза коллекцияси ва бошланғич ашё лабораториясига келтирилди.

Жумладан, уларнинг 50 фоиз очилиш санаси аниқланди. Шунингдек, биринчи ҳосил шохининг жойлашиши, ўсимлик бўйи, бир дона кўсакдаги пахтанинг вазни, тола чиқими ва узунлиги каби асосий хўжалик белгилари ҳам ўрганилди. Барча агротехник тадбирлар институт Марказий тажриба хўжалигида қабул қилинган усулда амалга оширилди.

2006 йилда олинган намуналарда 50 фоиз очилиш даври 103-123 кун оралигида бўлди. Биринчи ҳосил шохининг жойлашиши бўйича 4-6 оралиқдаги натижалар олинди. Ушбу намуналарнинг тола чиқими юқори бўлиб, 34.6-41.7 фоизни ташкил қилди.

2007 йилда Ҳиндистондан келтирилган 20 та намуна муҳофаза назоратидан ўтказилди ва ЎзФСУИТИ каталог рақами берилди. Жорий йилда ушбу намуналарда 50 фоиз очилиш даври 101-125 кун оралигида бўлди. Биринчи ҳосил шохининг жойлашиши бўйича 4-6 оралиқдаги натижалар олинди.

1 дона кўсак вазни ушбу намуналарда 1.8-7.4 г оралиқда, тола чиқими 31.9-41.3 фоиз ва тола узунлиги 25.6-38.3 мм га тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳиндистон намуналарининг асосий хўжалик белгилари

№	Каталог рақами	Намуна-нинг номи	Ботаник номи	1 дона кўсак вазни	Тола чикими	Тола узунлиги	Тезпишарлик
1.	012080	Номсиз	<i>G.hirsutum</i> L.	5.5	38.3	31.0	122
2.	012081	“	“	5.3	39.4	29.6	125
3.	012082	“	“	5.2	41.3	30.0	117
4.	012083	“	“	5.5	40.4	29.5	104
5.	012084	“	“	5.4	38.9	30.3	104
6.	012085	“	“	5.8	40.3	34.0	117
7.	012086	“	“	5.8	38.7	32.2	116
8.	012087	“	“	4.4	38.6	34.1	117
9.	012088	“	“	4.1	38.2	32.4	118
10.	012089	“	“	6.1	40.6	35.1	122
11.	012090	“	“	6.9	37.1	33.2	104
12.	012091	“	“	7.4	35.8	33.5	101
13.	012092	“	“	2.5	35.6	26.2	101
14.	012093	“	<i>G.arboreum</i> L.	2.2	40.3	28.3	122
15.	012094	“	“	1.8	34.3	26.2	120
16.	012095	“	“	3.7	29.5	25.4	124
17.	012096	“	<i>G.herbaceum</i> L.	3.0	31.9	25.6	117
18.	012097	“	“	2.8	37.3	34.6	120
19.	012098	“	<i>G.barbadense</i> L.	2.7	36.4	34.0	124
20.	012099	“	“	2.3	33.9	38.3	120

АҚШдан келтирилган намуналарнинг 50 фоиз очилиш даври 117-131 кунгача оралиқда бўлди. 1 дона кўсак вазни ушбу намуналарда 1.5-7.7 г оралиқда, тола чикими 22.9-40.13 фоиз ва тола узунлиги 23.6-33.0 мм га тенг бўлди (2-жадвал).

Ушбу намуналар вилтга чидамлик бўйича турлича кўрсаткичларни намён қилди. Уларнинг аксарияти вилт билан кучли даражада зарарланди. Фақат PL 529967, PL 530023, PL 530145, PL 530166, PL 530402 ва PL 530403 намуналари вертициллёз вилти билан кучли даражада умуман зарарланмади ва умумий даражада кам миқдорда зарарланиш кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти таркибидаги ғўза коллекциясининг бойитилишида муҳофаза кўчатзорининг аҳамияти катта. Ушбу кўчатзорда назоратдан ўтган хорижий ғўза намуналаридан

Вилт фондида ўрганилган айрим АКШ намуналарининг асосий  
хўжалик белгилари

№	Каталог раками	Намунанинг номи	1 дона қўсақ вазни, г	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм	Тезпишарлик, кун	Вилтга чидамлилиги, %	
							умумий	қучил
1.	012102	PL529931	2,9	32,4	26,7	124	20	5
2.	012103	PL 529934	2,1	30,7	28,1	126	66,6	33,3
3.	012104	PL 529955	3,3	25,4	29,1	127	25	21,4
4.	012105	PL 529956	2,5	40,1	26,5	122	40	40
5.	012106	PL 529962	3,9	26,2	24,6	119	42,8	14,2
6.	012107	PL 529966	1,6	38,8	27,7	131	26,6	12,5
7.	012108	PL 529967	6,5	35,5	23,6	126	20,0	0,0
8.	012109	PL 529968	2,9	33,3	28,7	127	44,4	22,6
9.	012110	PL 529969	3,7	27,4	32,4	124	38,8	27,6
10.	012111	PL 529987	5,2	38,3	32,1	126	26,6	18,1
11.	012112	PL 530023	3,7	23,2	30,3	120	66,6	0,0
12.	012113	PL 530046	5,7	37,3	33,0	121	28,1	15,6
13.	012114	PL 530090	3,5	32,7	25,8	122	42,8	28,7
14.	012115	PL 530093	4,2	22,9	27,6	124	50,0	26,9
15.	012116	PL 530117	3,8	28,6	24,0	123	43,5	17,9
16.	012117	PL 530145	4,3	33,0	29,1	117	16,1	0,0
17.	012118	PL 530153	4,3	25,4	28,3	119	47,6	14,2
18.	012119	PL 530166	2,9	26,9	30,0	121	20,0	0,0
19.	012120	PL 530193	5,3	33,3	31,2	124	27,0	21,6
20.	012121	PL 530218	6,2	34,6	30,3	126	23,3	16,6
21.	012122	PL 530231	3,9	33,3	33,0	126	33,3	0,0
22.	012123	PL 530232	3,6	28,5	27,6	128	5,0	10,0
23.	012124	PL 530402	3,7	29,2	28,6	127	16,6	0,0
24.	012125	PL 530403	4,3	23,2	26,4	127	0,0	0,0
25.	012126	PL 530438	2,5	30,8	26,7	126	0,0	25,0
26.	012127	PL 530439	3,1	29,2	27,8	123	17,8	10,7
27.	012128	PL 530610	1,5	25,5	29,3	120	23,5	17,6
28.	012129	PL 530654	4,7	26,8	29,0	128	34,7	21,7
29.	012130	PL 530706	6,0	38,7	29,7	129	35,2	5,8
30.	012131	PL 530148	7,7	37,9	31,3	119	30,4	26,0
31.	012132	PL 530150	5,8	30,3	31,5	127	13,7	17,2
St.		Наманган 77	5,5	37,1	32,5	121	30,3	21,2

диққатга сазоворлари селекционер ва генетикларга бошланғич манба сифатида тавсия қилинади. Улардан бир қатор илмий ва ўқув муассасаларининг аспирантлари, олимлари ва селекционерлари ўз илмий тадқиқотларида, ўқув-илмий фаолиятларида фойдаланадилар.

Шунингдек, муҳофаза кўчатзорида амалий селекция жараёнида яратилаётган бошланғич ашё ва навларнинг айрим маҳаллий касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини ўрганиш бўйича ҳам махсус тажрибаларни олиб бориш мумкин.

УДК 631/635

## СОХРАНЕНИЕ ГЕНЕТИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР В ГЕНБАНКЕ

И. В. Саева- УзНИИР, Ф. Х. Абдуллаев- УзНИИССХ

Генетические ресурсы растений (ГРР) являются ценным и стратегическим капиталом любого государства. Сохранение и рациональное использование ГРР- ключ к повышению продуктивности и устойчивости сельскохозяйственных культур. Генетические банки растений поддерживают коллекции растительного материала с целью сохранения его жизнеспособности и свойств на пользу будущим поколениям человечества и окружающей среде. Как известно, в Узбекистане сосредоточено большое разнообразие генетических ресурсов культурных растений и их дикорастущих сородичей. Сохранение агробиоразнообразия республики жизненно важно не только для региона, но и для всего мира в целом. Экологические изменения окружающей среды, геополитические конфликты и другие причины приводят к постепенной утрате некоторых ценных видов, сокращению ареалов, замене эндемичных форм генетически однообразными современными видами.

Одна из важнейших проблем в республике – увеличение продуктов питания и обеспечение продовольственной безопасности. В международных документах, таких как «Конвенция о Биологическом Разнообразии» и «Глобальный План Действий», разработанных ФАО, особо подчеркивается важнейшая роль генетических ресурсов растений для удовлетворения жизненных потребностей

населения в питании и обеспечения сырьем промышленности. К сожалению, генетическое разнообразие большинства основных видов культурных растений в последнее десятилетие быстрее утрачивается из-за техногенных процессов. Постепенно теряются местные сорта и формы различных сельскохозяйственных культур народной селекции, созданные в течение нескольких столетий и играющие важную роль в сельскохозяйственном производстве. Так как они также важны как исходный материал для селекции, они должны быть в наличии, а хранение семян служит надежной базой как для селекции, так и сельскохозяйственного производства.

В настоящее время генетическое разнообразие сельскохозяйственных растений республики сохраняется в мировых коллекциях и является чрезвычайно ценным источником потенциально полезных генов, необходимых селекционерам для выведения более урожайных сортов, способных лучше адаптироваться к условиям окружающей среды. Выращивание улучшенных сортов различных сельскохозяйственных культур фермерами способствует устойчивому развитию сельского хозяйства и обеспечению продовольственной безопасности региона. Уже давно существует проблема освоения и расширения генетических ресурсов сельскохозяйственных культур в селекции. Актуальность ее неуклонно растет в связи с идентификацией селекции и постоянной необходимостью оздоровления и обогащения сортового генофонда. Это предвидел Н.И.Вавилов: он был одним из первых, кто принял меры к мобилизации, сохранению и всестороннему изучению существующего сортового и видового разнообразия сельскохозяйственных растений.

Генетический фонд растений, сосредоточенный в Узбекистане, имеет стратегическую значимость и обеспечивает продовольственную безопасность страны. Он составляет более 75 тысяч образцов 147 сельскохозяйственных культур, сохраняемых в 17 научных учреждениях республики. В Узбекском научно-исследовательском институте растениеводства (УзНИИР) сохраняются мировые коллекции, насчитывающие 43347 образцов 102 сельскохозяйственных культур, в том числе: зерновые- 21969 обр.; технические- 11068 обр.; овощные и бахчевые-5755 обр., кормовые- 649 обр. и плодовые- 3906 обр. В других научных

учреждениях республики также имеются коллекции с./х. культур (*УзНИИССХ, ИГЭБР АН РУз, НУУз, ГАФ АНИИЗЗБКОЗ, УзНИИРиса, УзНИИОБКК, СамСХИ, УзНИИСВВ, РНПЦДСЛХ, УзНИИКЭП* и т.д.). Этот ценный генофонд представлен редкими и исчезающими видами растений, местными формами сельскохозяйственных культур и их дикорастущими сородичами, а также интродуцированными сортообразцами, которые служат исходным материалом для селекции новых сортов в регионе. На основе этих коллекций создано более 90% возделываемых в производстве сортов различных культур. В настоящее время институты испытывают трудности в обеспечении долговременного сохранения коллекции, которая является частью национального генофонда. В результате несвоевременного пересева образцы, теряют всхожесть, что приводит к ежегодной потере ценных образцов, отдельные из которых практически невозможно восстановить. В целом это приводит к обеднению генофонда растений республики.

В связи с этим с 2003 г. в УзНИИРе функционирует первый в Центральноазиатском регионе Генбанк генетических ресурсов сельскохозяйственных культур для среднесрочного хранения семян. Это научный комплекс, включающий лабораторию по исследованию качества семян мировых коллекций сельскохозяйственных культур и подготовке их для закладки в хранилище с контролируруемыми условиями температуры и влажности воздуха. Созданный Генбанк рассчитан на среднесрочное хранение при постоянной температуре воздуха +4-6°C с относительной влажностью воздуха 30-35%. Семена не теряют всхожести в течение 15-20 лет. Имеются приборы и оборудование, включая сушильные шкафы, термостаты, лабораторные весы, микроскопы, холодильники, компьютерное оборудование и др. Работа осуществляется с использованием международных методик и дескрипторов.

В настоящее время в Генбанке УзНИИР заложено и сохраняются 32554 обр. 46 сельскохозяйственных культур (таблица) на среднесрочное хранение, что составляет 75,1% от общего количества имеющегося генофонда УзНИИР и 43,4% – от генофонда республики. Здесь проводятся оригинальные исследования и мероприятия, не

имеющие аналогов в республике. Использование зарубежного опыта по эффективному сохранению гермоплазмы сельскохозяйственных культур научнообоснованным методом и технологиям позволит сохранить имеющийся генофонд по международным стандартам. Сохраняемая гермоплазма сельскохозяйственных культур в Генбанке является ценной и уникальной для использования и развития селекции и сельского хозяйства в целях обеспечения продовольственной безопасности не только республики, но и региона в целом.

**Закладка коллекционных образцов сельскохозяйственных культур в Генбанк УзНИИР на среднесрочное хранение за период 2003-2009 гг.**

№ п/п	Группа культур	Количество	
		культур в группе	образцов, заложенных в Генбанк
1.	Зерноколосовые культуры	4	11801
2.	Зернобобовые культуры	5	1863
3.	Кукуруза и крупяные культуры	6	4265
4.	Технические культуры	8	7244
5.	Масличные культуры	6	5405
6.	Овощные культуры	13	465
7.	Бахчевые культуры	4	1511
	<b>Всего</b>	<b>46</b>	<b>32554</b>

Проводится в несколько этапов работа по закладке семян коллекционных образцов различных сельскохозяйственных культур по международным стандартам. Семена, предназначенные для среднесрочного хранения, должны обладать сортовой чистотой и хорошими посевными качествами. Диагностика здоровья семян складывается из следующих показателей: соответствующей спелости семян к моменту уборки, высокой всхожести, отсутствия болезней и вредителей на поверхности семян и механических повреждений. Эти данные служат основой для определения сроков восстановления всхожести семян путем пересева и мониторинга коллекций.

Перед закладкой коллекционных образцов на среднесрочное хранение в Генбанк во всех образцах определяется всхожесть

семян. Установлено, что семена имели различную всхожесть, зависящую от происхождения образца, условий года выращивания и других факторов. Семена с хорошей всхожестью, заложенные в матерчатых мешочках, отправляются в сушильную камеру для сушки до определенной влажности семян в зависимости от вида культур. Длительное сохранение жизнеспособности гермоплазмы зависит от многих факторов, в том числе от температуры хранения и влажности семян. Образцы семян, закладываемые на длительное хранение, должны быть высушены до оптимальной влажности, при которой семена не потеряют своих посевных качеств. Следует знать начальную влажность семян каждого образца для того, чтобы определить необходимость их высушивания. После определения всхожести в семенах определяли влажность до высушивания и после. По окончании сушки определяется масса 1000 или 100 семян (в зависимости от их крупности) и общий вес семян. Затем семена упаковываются в пластмассовый контейнер с одновременным заложением в него этикетки с данными об образце и мешочка с силикагелем (для удаления влаги внутри контейнера после упаковки). На наружную сторону также наклеивается этикетка и контейнер закладывается в холодную комнату Генбанка для среднесрочного хранения.

Все полученные данные по проводимым в Генбанке процессам и процедурам фиксируются и документируются в соответствующих журналах и компьютерной базе данных информационной системы «САС-DB». Эта система охватывает всю деятельность по генофонду растений: документирование данных по регистрации, экспедиционному обследованию, сохранению, изучению и использованию генетических ресурсов растений.

Целенаправленные комплексные работы по регенерации семян; подготовке и качественной закладке гермоплазмы для сохранения в Генбанке; мониторингу ранее заложенных коллекционных образцов; а также их документированию предоставят возможность надежного и бережного сохранения генофонда сельскохозяйственных культур не только как исходного материала для селекции, но и в целях продовольственной безопасности настоящего и будущего поколений республики.

## II СЕКЦИЯ. ҒЎЗА ГЕНЕТИКАСИ МУАММОЛАРИ

---

---

УДК 633.511.545.127.2

### ҒЎЗАНИНГ БИР НЕЧА ТУРЛАРИ ИШТИРОКИДА ОЛИНГАН МУРАККАБ ВА БЕККРОСС ДУРАГАЙЛАРИДА БИР ЎСИМЛИКДАГИ КЎСАКЛАР СОНИ БЕЛГИСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

С.Ғ.Бобоев, Ш.Э.Намозов  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Маълумки, ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари мажмуасига эга бўлган янги навларини яратишда, маданий *G.hirsutum* L., *G. barbadense* L. турлари потенциалидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда, ғўза коллекциясидаги ёввойи, ярим ёввойи турларни частиштиришларга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки турларро дурагайлаш асосида ижобий генлар мажмуасига эга бўлган янги донорларни топиш, генетик жиҳатдан бойитилган селекцион манбаларни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тадқиқотларимизда ғўзанинг турли геномларига тегишли бўлган 4 ва 5 та турлар иштирокидаги мураккаб ва беккросс дурагайларни синтез қилиш, ҳамда уларнинг авлодларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, шаклланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Ушбу мақолада эса 4 ва 5 турлар иштирокида олинган мураккаб [(*G. thurberi* Tod. x *G. raimondii* Ulbr.) x *G. arboreum* L.] x *G. hirsutum* L., {[*F*<sub>1</sub>(*G. thurberi* Tod. x *G. raimondii* Ulbr.) x *G. arboreum* L.] x *G. hirsutum* L.} x *G. barbadense* L. дурагайлари ва *G. hirsutum* L., *G. barbadense* L. навлари билан қайта частиштириб олинган беккросс дурагайларида ҳосилдорлик элементларидан бири бўлган бир тупдаги кўсақлар сони белгисининг авлодларда шаклланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш юзасидан олинган маълумотлар келтирилган.

Маълумки, бир ўсимликдаги кўсақлар сони махсулдорликни белгилловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, мураккаб дурагайлаш орқали ушбу белгини яхшилаш мумкин. Шуни эътиборга олиб, изланишлари-мизда бошланғич ота-она шакллари, 4 ва 5 турлар иштирокида-ги геномлараро мураккаб ҳамда беккросс дурагайларда бир туپ ўсимликдаги кўсақлар сонининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таққослаб ўрганилди. Дурагайлашда оталик шакли сифатида иш-тирок этган Омад (*G.hirsutum* L.) ва Термиз-31 (*G.barbadense* L.) навларида белгининг ўртача кўрсаткичлари бир ўсимликка тегиш-ли тарзда 13,7 ва 15,8 донани ташкил этди. Оналик сифатида иш-тирок этган мураккаб 4 геномли дурагайларда эса ушбу кўрсаткич деярли бир хил, яъни 16,0 ва 15,9 дона/ўсимликка тенг. Бирок, 4 та тур иштирокидаги дурагайларда ўсимликлар маданий навларга нисбатан вариацион қатор синфларида тарқоқ ҳолда жойлашганли-ги аниқланди.

Маданий *G.hirsutum* L. навлари билан бир ва икки мартали беккросс ўтказилиб олинган дурагайларнинг F<sub>1</sub> авлодида белги бўйича кенг ўзгарувчанлик намоён бўлиши аниқланди. Ушбу ўзгарувчанлик даражаси мураккаб чатиштиришда тўртинчи ком-понент сифатида қатнашган маданий *G.hirsutum* L. нави геноти-пи таъсирида шаклланади дейиш мумкин. Чунки С-6524 нави иштирокида олинган беккросс дурагайларга нисбатан С-4727 навини чатиштиришдан олинган комбинацияларда вариацион қаторнинг 41-45 дона/ўсимлик бўлган оралиғидаги рекомби-нантларнинг ажралиб чиққанлиги кузатилди. Натижада, ушбу беккросс дурагайларнинг белги бўйича ўртача кўрсаткичи бошланғич шаклларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлганини таъкидлаш лозим.

Ўрганилган беш геномли дурагайларда ҳам белги бўйича салбий ва ижобий трансгрессия кузатилса-да, белгининг ўртача кўрсаткичи ва ўзгарувчанлигига беккросс чатиштиришнинг сезиларли таъси-ри аниқланмади. Лекин *G.barbadense* L. турига мансуб Термиз-31 нави билан чатиштиришдан олинган мураккаб дурагайларда бир туپ ўсимликдаги кўсақлар сони белгисининг ўртача кўрсаткичи ва ўзгарувчанлиги оналик шаклидаги ҳамда *G.hirsutum* L. турлари би-

лан олинган бир ва икки қаррали беккросс дурагайларга нисбатан бирмунча юқори бўлди (жадвал).

Тажрибада бошланғич оналик шакли сифатида қатнашган 4 тур иштирокидаги ҳамда улар асосида олинган 5 турлар иштирокидаги мураккаб ва беккросс геномлараро дурагайларнинг  $F_2$  авлодида белгининг ўртача кўрсаткичи айрим комбинацияларда яхшиланганлиги, бироқ ўзгарувчанлик даражасининг  $F_1$  авлодга нисбатан паст бўлганлиги аниқланди. Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сонининг ўртача кўрсаткичлари аввалги авлодга нисбатан яхшилангани белги бўйича 46-50 дона/ўсимликкача бўлган синфларга мансуб айрим рекомбинантларнинг пайдо бўлишининг натижаси деб тушунириш мумкин. Ушбу авлодда ҳам белгининг намоён бўлиши бир ва икки қаррали беккроссладан олинган мураккаб дурагайларда иштирок этган оналик шаклидаги дурагайларнинг генотипига боғлиқлиги аниқланди. Яъни, С-4727 нави иштирокида олинган дурагайларда С-6524 нави билан олинган комбинацияларга нисбатан кўпроқ (46-50 дона/ўсимликда) кўсақларга эга ижобий рекомбинантлар пайдо бўлиши кузатилди. Бироқ, ўрганилган аксарият комбинацияларда асосий ўсимликлар вариацион қаторнинг 11-15 ва 21-25 дона ўсимлик синфига мансуб бўлганини таъкидлаш лозим.

Кўсақлар сонининг геномлараро мураккаб ҳамда беккросс дурагайларнинг  $F_3$  авлодида таққослаб ўрганиш асосида олинган натижалар дурагайларда *G. barbadense* L. тури қатнашганда белгининг ўртача кўрсаткичи яхшиланишига олиб келишини кўрсатди. Барча дурагайларда ўсимликларнинг вариацион қаторда олдинги авлодига нисбатан яна ҳам ўнг синфларда жойлашганлигини ва бунининг ўртача кўрсаткичига ҳам ижобий таъсир этганлиги аниқланди. Фикримизнинг исботи сифатида Термиз-31 навининг чатиштиришдан олинган 5 та турлар иштирокидаги мураккаб ва беккросс дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичи 22 дона/ўсимликда ёки ундан ҳам юқори бўлганлиги ҳамда ўзгарувчанлик даражаси бошқа вариантларга нисбатан кенг бўлганлигини келтириш мумкин. Бу эса ушбу дурагайларда танлов имкониятлари юқори эканлигидан далолат беради.

Ўрганилган нав ва дурагайларда бир туپ ўсимликдаги кўсақлар сони белгисини авлодларда шаклланишининг ўзгарувчанлиги, дон

№	Нав ва дурагайлар	F <sub>1</sub>			F <sub>2</sub>			F <sub>3</sub>			F <sub>4</sub>		
		M±m	S	V%	M±m	S	V%	M±m	S	V%	M±m	S	V%
Оғалик шакллари													
1.	Омад	13,7±0,8	4,6	33,4	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2.	Термиз-31	15,8±0,9	4,6	29,1	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Оғалик шаклида иштирок этган дурагайлар													
Оғалик шаклида иштирок этган дурагайлар													
3.	(F <sub>1</sub> К-28 x C-6524)	16,0±1,2	7,8	48,5	17,4±0,9	7,8	44,8	18,5±1,1	9,1	49,3	18,4±0,8	7,7	41,8
4.	(F <sub>1</sub> К-28 x C-4727)	15,9±1,3	8,4	52,9	17,6±0,9	8,3	47,4	18,3±1,0	9,0	49,4	18,5±0,7	8,3	44,9
Ўзанинг 4 та тури иштирокчида олинган мураккаб бекросс дурагайлар													
5.	{BC <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> К-28 x C-6524) x Омад}	17,2±1,5	8,7	50,5	17,5±1,0	9,0	51,4	18,5±0,9	8,6	46,4	20,7±0,8	8,5	41,3
6.	{BC <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> К-28 x C-4727) x Омад}	19,4±1,5	10,6	54,8	19,4±0,9	9,2	47,8	19,5±0,9	9,5	48,9	21,2±0,8	9,2	43,4
7.	{BC <sub>1</sub> {(F <sub>1</sub> К-28 x C-6524)xОмад}xОмад}	19,7±1,3	8,4	42,3	19,9±1,0	9,2	46,2	19,4±0,8	8,9	46,3	22,5±0,9	9,8	43,6
8.	{BC <sub>1</sub> {(F <sub>1</sub> К-28 x C-4727)xОмад}xОмад}	21,0±1,5	9,6	45,7	21,0±1,1	10,0	47,6	19,5±0,8	8,9	46,0	22,3±0,8	9,3	41,6
Ўзанинг 5 та тури иштирокчида олинган мураккаб ва бекросс дурагайлар													
9.	{(F <sub>1</sub> К-28 x C-6524) x Термиз-31}	21,3±1,8	10,9	51,3	21,8±1,1	9,2	42,2	22,6±1,0	9,4	41,9	23,0±0,9	9,4	40,8
10.	{(F <sub>1</sub> К-28 x C-4727) x Термиз-31}	21,0±1,5	9,2	43,8	21,8±1,1	9,7	44,6	22,0±1,0	9,5	43,0	22,4±0,9	10,0	44,6
11.	{BC <sub>1</sub> {(F <sub>1</sub> К-28xС-6524)xТермиз-31}xТермиз-31}	20,6±1,7	11,1	53,8	21,4±1,0	9,3	43,3	21,9±0,9	9,1	41,6	22,7±0,9	8,9	39,3
12.	{BC <sub>1</sub> {(F <sub>1</sub> К-28xС-4727)xТермиз-31}xТермиз-31}	21,6±1,7	10,6	48,5	21,9±1,0	9,6	44,1	22,3±0,9	9,7	43,5	22,7±0,9	9,7	42,7

Эслатма: Жадвалда шартли равишда белгиланган К-28, F<sub>1</sub>(F<sub>1</sub>G, thurberi Tod. x G.raimondii Ulbr) x G. arborescens L.] синтетик тетраплоид дурагайдир.

F<sub>4</sub> ва кейинги авлодларда бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони-нинг намоён бўлиши таҳлили асосида олинган натижалар 4 ва 5 тур иштирокидаги ҳамда 1 ва 2 карралик беккросслаш натижасида белгининг ўртача кўрсаткичи нисбатан барқарорлашгани ва бошланғич шаклларга нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди. Ушбу авлодларда аксарият ўсимликлар вариацион қаторнинг ўрта, яъни 16-20 ва 21-25 дона/ўсимлик синфларига мансублиги кузатилди.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича олинган натижалар асосида ғўзанинг турли геномларига мансуб 4 ва 5 турлар иштирокидаги мураккаб ҳамда беккросс дурагайлаш орқали белги бўйича кенг ўзгарувчанликка эришиш мумкинлиги, дастлабки авлодларидан бошлаб ижобий трансгрессия намоён бўлиши ва юқори кўрсаткичга эга рекомбинантларни йўналтирилган танлашлар асосида белги бўйича қимматли бошланғич ашё яратиш мумкинлиги аниқланди. Буни ажратиб олинган ҳосилдор оилалар яхши тасдиқлайди. Бир ўсимликдаги кўсақлар сони белгисининг ўртача кўрсаткичи ва ўзгарувчанлик даражасини оширишда дурагайлашда 5-тур сифатида иштирок этган *G. barbadense* L. турига хос Термиз-31 навининг таъсири ижобий бўлганлиги тасдиқланди.

УДК 633.511:575.222.7:633.511.037.21

## **ЖЎҒРОФИЙ УЗОҚ ДУРАГАЙЛАШ УСЛУБИНИНГ ТОЛА ЧИҚИМИ ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ**

**Б.Бегимкулов, П.Ш.Ибрагимов, Б.Д.Аллашов, Ф.Тореев, Б.Ўрозов**  
**ЎзФСУИТИ, Тошкент**

Маълумки, тола миқдори ва сифати ўртасида ҳар хил даражали салбий корреляциялар мавжуд. Бунга сабаб тола сифатини бошқарадиган генлар кўпинча толанинг сонига ҳам таъсир этади ва, натижада юқори сифатли навларнинг тола чиқими унча юқори бўлмайди [1, 2].

Бизнинг тадқиқотларда Америка ва Ўзбекистон навларини ча-тиштириб, улардаги F<sub>4</sub> дурагайларда тола чиқими ва сифатини ўрганиб чиқдик. Ота-она навлар шаклида АҚШнинг Акала-72,

Акала-74 ва маҳаллий навлар сифатида эса С-2609, Бухоро-6 ва С-2610 навлари иштирок этишди. Дурагайларнинг сони камлиги оилаларни тўлиқ ўрганиш билан қопланади, чунки ҳар бир оилада 200 га яқин ўсимликлар ўрганилди. Андоза нав сифатида Бухоро-6 навидан фойдаланилди.

Ўрганилган 3 та дурагай ва Бухоро-6 навининг тола чиқими бўйича кўрсаткичлари келтирилган. Биз ҳар бир оилаларни ўрганиб чиқиб, улар бўйича вариацион таҳлил қилдик. Оилалар сони 124, 132 ва 145 дан иборат эди. Энг юқори кўрсаткич  $F_4$  Акала-74 х С-2610,  $F_4$  Акала-72 х Бухоро-6 дурагайларда намоён бўлди ва 41 оилалар 39,5-40 фоиз тола чиқимини ташкил этди (1-жадвал).

$F_4$  Акала-72 х С-2609 дурагайда эса энг юқори кўрсаткич 39 фоизни ташкил этди, бунда энг яхши оилалар ажратилди. Бухоро-6 навида эса ўртача кўрсаткич 36,5 фоизни кўрсатди. Шундай қилиб, тўртинчи босқичда 37 фоиздан кам бўлган тола чиқимли оилалар чикитга чиқарилди ва юқори тола чиқимига эга бўлган оилаларнинг тола сифатини ўргандик.

Маълумки, тола узунлиги тола сифатининг асосий кўрсаткичларидан биридир. Агарда 5 тип 1.09-1.11 дан бошланса, 4 тип 1.17 дюйм билан яқунланади (25.2 мм). Бизнинг тадқиқотларимизда 24 оила 1.18-1.22 дюймли толани эгаси бўлди. Бу дегани тола сифати узунлиги бўйича 3 типга мансубдир (2-жадвал). Бизнинг фикримизча, бундай тола Американинг Акала-74, Акала-72 навларига боғлиқ. Бухоро-6 нави эса 5 типга мос келадиган 1.11 дюймни намоён этди. Факатгина тола узунлиги билан тола сифатини аниқлаш мумкин эмас. Бунинг учун толанинг микронейри ҳам катта аҳамиятга эга. Юқори тола чиқимига эга бўлган  $F_4$  Акала-74 х С-2610 ва  $F_4$  Акала-72 х Бухоро-6 дурагайларининг микронейр кўрсаткичи бўйича умуман Давлат ва жаҳон андозалари талабига жавоб бермади, яъни микронейр кўрсаткичи 4.8 дан 5.7 гача бўлиши аниқланди. Шунинг учун  $F_4$  Акала-74 х С-2610 ва  $F_4$  Акала-72 х Бухоро-6 дурагайларини тажрибадан чиқариб ташланди.  $F_4$  Акала-72 х С-2609 дурагайларда эса ўртача кўрсаткич 4.3 микронейрни ташкил этди. Ўрганилган 144 оиладан 136 оила 4.1-4.4 кўрсаткични намоён этди, бу эса ҳозирги кунда жаҳон андозаларига тенг.

1-жадвал.  
Узоқлашган жўғрофий  $F_4$  дурагайларининг тола чиқими бўйича вариацион таҳлил натижалари, %.

№	Тизма	K=0.5															N	M±m	δ	V %
		33.5-33.9	34.0-34.4	34.5-34.9	35.0-35.4	35.5-35.9	36.0-36.4	36.5-36.9	37.0-37.4	37.5-37.9	38.0-38.4	38.5-38.9	39.0-39.4							
1.	$F_4$ Акала-72 x C-2609					1	9	30	27	23	40	15				145	37.5±0.6	0.8	12.0	
2.	$F_4$ Акала-74 x C-2610					2	3	32	18	22	22	17	8			124	37.6±0.7	0.9	15.3	
3.	$F_4$ Акала-72 x Бухоро-6					4	6	33	26	22	25	9	7			132	37.5±0.7	0.8	12.3	
4.	Бухоро-6					10	21	39	29	22	15					136	36.5±0.6	0.7	9.9	

2-жадвал.  
Узоқлашган жўғрофий  $F_4$  дурагайларининг тола узунлиги бўйича вариацион таҳлил натижалари (дюйм)

№	Тизма	K=0.03															N	M±m	δ	V %
		0.97-0.99	1.00-1.02	1.03-1.05	1.06-1.08	1.09-1.11	1.12-1.14	1.15-1.17	1.18-1.20	1.21-1.23	1.24-1.26	1.27-1.28	1.29-1.30							
1.	$F_4$ Акала-72 x C-2609			4	8	30	38	43	16	5						144	1.14±0.03	0.4	8,4	
2.	$F_4$ Акала-74 x C-2610	10		22	23	27	30	10	1							123	1.09±0.04	0.4	9,1	
3.	$F_4$ Акала-72 x Бухоро-6			2	11	44	52	16	2							127	1.12±0.03	0.3	8,5	
4.	Бухоро-6			11	20	32	42	22	7							134	1.11±0.03	0.4	7,9	

Узоқлашган жўғрофий F<sub>4</sub> дурагайларнинг микронейр кўрсаткичи бўйича вариацион тахлил натижалари

№	Тизма	K=0.2												N	M±m	δ	V %
		3.5-	3.7-	3.9-	4.1-	4.3-	4.5-	4.7-	4.9-	5.1-	5.3-	5.5-	5.6				
		3.6	3.8	4.0	4.2	4.4	4.6	4.8	5.0	5.2	5.4	5.6					
1.	F <sub>4</sub> Акала-72 х С-2609				56	80	6	2						144	4.3±0.1	0.12	6.9
2.	F <sub>4</sub> Акала-74 х С-2610						2	1	38	47	26	9	123	5.3±0.2	0.2	8.7	
3.	F <sub>4</sub> Акала-72 х Бухоро-6						6	26	37	42	15	2	128	5.0±0.2	0.2	9.5	
4.	Бухоро-6				23	38	28	26	14	3			132	4.5±0.2	0.3	5.9	

Узоқлашган жўғрофий F<sub>4</sub> дурагайларнинг тола узунлиги бўйича вариацион тахлил натижалари

№	Тизма	K=1																N	M±m	δ	V %
		28.0-	29.0-	30.0-	31.0-	32.0-	33.0-	34.0-	35.0-	36.0-	37.0-	38.0-	39.0-								
		28.9	29.9	30.9	31.9	32.9	33.9	34.9	35.9	36.9	37.9	38.9	39.9								
1.	F <sub>4</sub> Акала-72 х С-2609	1	5	15	11	26	21	8	8	4	2	2	1	104	32.9±0.2	2.1	16.5				
2.	F <sub>4</sub> Акала-74 х С-2610	5	7	9	1	13	23	17	13	7	7			102	33.5±0.2	2.4	15.1				
3.	F <sub>4</sub> Акала-72 х Бухоро-6		8	11	19	22	24	18	17	6				125	33.1±0.2	1.9	11.7				
4.	Бухоро-6						13	27	44	38	19			131	35.7±0.2	1.2	8.3				

Тола узилиш узунлиги бўйича ҳам биринчи дурагай комбинация 3 ва 4 типга хос бўлган кўрсаткичларга эга бўлди. Шундай қилиб, кейинги босқич мақсади биринчи дурагайнинг вилтга чидамлилигини аниқлашдир. Бунда 0.1 баллга зарарланган оилалар ва ўсимликлар сақланиб қолинади (3-жадвал).

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каххаров И.Т. Корреляция признака скороспелости с некоторыми хозяйственно-ценными показателями средневолокнистого хлопчатника // Материалы международной научной конференции «Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и аддетивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур» посвященной 95-летию со дня рождения академика С.С.Садыкова. Ташкент: Фан, 2005. С.109.

2. Попов П.В., Даминова Д. Сопряженность устойчивости к вилту и длины вегетационного периода на разных фонах заражения // Материалы международной научной конференции «Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и аддетивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур», посвященной 95-летию со дня рождения академика С.С.Садыкова. Ташкент: Фан, 2005. С.120.

УДК 633.511:575.222.73

## **ТЕЗПИШАРЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЯККА ТАНЛОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ**

**Б.Бегимкулов**  
**ЎзғСУИТИ, Тошкент**

Босқичма-босқич белгилар бўйича ҳамда дурагай популяциянинг 80-85 фоизини ўрганиш услуги Ўзбекистон ғўза селекциясида биринчи маротаба қўлланилади ва бу ўсимликларнинг генетик потенциални тўлиқ ўрганишга олиб келади.

Тадқиқотимизнинг мақсади комплекс белгилар бўйича эмас, балки якка белги бўйича селекцион ишларни босқичма-босқич олиб бориб, ҳар босқичда фақатгина битта белги бўйича танлов ишларини олиб бориш ва тезпишар, тола чиқими ва сифати юкори бўлган, вилтга чидамли бошланғич селекциявий ашё яратишдан

иборатдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилади: Акала-72, Акала-74 ва маҳаллий С-2609, С-2610 ва Бухоро-6 навлари билан олинган F<sub>3</sub> дурагайларни тезпишарлик бўйича якка танловлар олиб бориш:

- якка танлов оилаларининг 80-85 фоизини ўрганган ҳолда қолган дурагайларда тола чиқими ва сифати бўйича қатъий чиқитга чиқариш ишларини олиб бориш;

- тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори бўлган оилаларнинг табиий кучли вилт билан зарарланган фонда текшириб, вилтга чидамли бўлган селекциявий ашёларни ажратиш;

- уч йиллик изланишлар натижасида олинган бошланғич селекциявий ашёларда хўжаликка қимматли бўлган белгиларнинг корреляцион боғланишини аниқлаш;

- қатъий чиқитга чиқариш услубини ва якка танловларнинг оиласини 80-85 фоизгача ўрганиш услуби самарасини аниқлаш.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани “Сурхон” агроучастка далаларида олиб борилади. Бунда 8 та полутестер топкросс дурагайларининг оилалари ўрганилади ва селекцион схема бўйича ишлар олиб борилади. Барча оилалар тезпишарлик, маҳсулдорлик, тола чиқими ва сифати белгилари бўйича ўрганилади ҳамда вегетация даврининг охирида намуна ва якка танлов ишлари олиб борилади. Тажриба агротехникаси “Сурхон” агроучасткасидаги тадбирлар каби олиб борилади. Экиш схемаси 90x15x1, жами майдон 1.2 га.

Тадқиқотларда 3 та дурагай комбинациялар ўрганилди: F<sub>3</sub>Акала-72 x С2609, F<sub>3</sub>Акала-74 x С2610, F<sub>3</sub>Акала-72 x Бухоро-6.

F<sub>3</sub>Акала-72 x С2609 дурагайида ҳар бир оиладаги ўсимликлар сони, оиладан олинган якка танловлар сони ва ҳар бир оиланинг 50 фоиз гуллаш даври, 50 фоиз кўсак очилган даври, кўсак вазни ва тола чиқими аниқланди. Ушбу дурагай комбинацияда 32 та оила ўрганилиб, энг тез гуллайдиган, яъни 51-55 кунгача бўлган даврда 16 та оила ажратилди ва аксарият, шу оилаларда тезпишарлик 95 кундан 99 кунгача эканлиги маълум бўлди. Шунини таъкидлаш жоизки, одатда, адабиётларда навлар гуллашидан пишиш давригача 55-60 кун кетса, бизнинг тажрибаларимизда шу давр 34-46 кунни ташкил этди. Бу йили сув танқислиги бўлганлигига қарамай кўсаклар вазни 5.2-7.0 граммни ташкил этади. Тола чиқими эса 37-39 фоиз

бўлди. Тадқиқотларда ҳар бир оилани максимал ҳолда ўрганишга ҳаракат қилдик, оиланинг ўсимликлар сони 102 дан 215 тупгача сақланиб қолди ва ҳар бир тезпишар оиладан 28 тадан 68 тагача якка танлов олинди. Демак, ўрганилган 5120 та ўсимликдан 1568 та якка танловлар олинди. Асосий эътиборни бу ҳолда биз тезпишар-ликка қаратдик, яъни ушбу комбинацияда 1568 та тезпишар, вегетация даври 95-107 кун бўлган ўсимликлар ажратилди.

1-жадвал

Ғ<sub>3</sub> Акала-72 х С-2609 дурагайининг айрим хўжалик белгиларини кўрсаткичи

№	Тизма ва оилалар	50% униб чиқиши, 50%гуллаш даври, кун	50% кўсак очилган, кун	Кўсак вазни, г.	Тола чиқими, %	Умумий ўсимликлар сони	Якка танловлар сони
1	49	62	96	6.6	38.5	185	29
2	50	55	97	6.5	39	102	54
3	51	55	95	7.0	37.8	176	60
4	52	54	95	6.4	38.5	192	67
5	53	55	96	6.4	37.5	195	41
6	54	56	95	6.6	37.8	202	50
7	55	57	98	5.9	39	187	30
8	56	59	95	5.7	38.5	193	63
9	57	60	100	6.3	37.8	199	52
10	58	56	95	5.7	37.8	185	33
11	59	57	103	6.2	39	177	65
12	61	51	107	5.8	38.5	210	44
13	62	54	107	6	37.8	191	54
14	63	55	97	6.5	37.5	215	34
15	64	57	99	6.4	39	182	68
16	67	58	97	6.5	38.5	195	60
17	68	57	98	6.2	37.8	188	45
18	69	55	96	6.1	37.5	183	58
19	75	-55	96	6	39	219	35
20	76	55	96	6.6	38.5	193	67
21	78	58	95	6.2	37.8	201	65
22	79	59	97	6.1	37.5	201	47
23	80	-57	102	6.3	39	208	55

24	81	54	95	6.6	38.5	194	68
25	82	55	109	6.7	37.8	184	30
26	88	58	96	6.7	37.5	205	50
27	89	-59	109	5.7	39	187	48
28	90	54	99	6	38.5	200	32
29	97	54	97	6.1	37.8	186	54
30	99	52	95	5.5	37.5	204	49
31	100	55	99	6.6	39	180	33
32	101	56	98	5.2	38.5	188	28

Кейинги F<sub>3</sub> Акала-74 х С2610 дурагай комбинацияда 42 та оила 8100 га ўсимлик олинган. Барча оилалар тезпишар бўлиб, уларнинг вегетация даври 95 кундан 109 кунни ташкил этди. Кўсак вазни эса 5 дан 6.6 грамм бўлди. Тола чиқими 37-39 фоизни ташкил этди. Ҳар бир оиладан 30 тадан 68 тагача тезпишар якка танловлар олинди ва жами 1937 та ўсимлик териб олинди.

2-жадвал

F<sub>3</sub> Акала-74 х С-2610 дурагайининг айрим хўжалик белгилари кўрсаткичи

№	Тизма ва оилалар	50% униб чиқиши, 50% гуллаш даври	50% кўсак очилиши, гр.	Кўсак вазни, гр.	Тола чиқими, %	Умумий ўсимликлар сони	Якка танловлар сони
1	130	51	98	5.0	39	181	33
2	131	53	95	5.4	37.5	189	40
3	132	56	95	5.8	38.5	182	58
4	133	59	107	5.9	37.8	181	48
5	134	60	97	5.8	39	218	50
6	135	51	95	6.5	37.5	210	68
7	136	54	96	6.5	38.5	199	61
8	137	56	106	5.6	37.8	183	50
9	138	52	99	6.9	39	175	47
10	139	54	107	5.6	37.5	180	59
11	140	55	96	6.6	38.5	189	60
12	145	51	95	6.5	37.8	191	51
13	146	51	96	6.4	39	215	35
14	147	52	103	5.2	37.5	193	41

15	150	57	95	5.8	38.5	187	65
16	151	59	107	6.6	37.8	192	30
17	152	57	97	6.4	39	184	34
18	153	51	95	5.6	37.5	186	27
19	154	53	98	6	38.5	191	33
20	157	53	107	6.4	37.8	181	64
21	159	52	99	6.2	39	191	38
22	160	51	108	6.1	38.5	180	28
23	163	58	99	5.8	37.5	191	60
24	167	55	95	5.5	38.5	180	38
25	168	56	108	6.1	37.8	210	43
26	169	57	98	5.9	39	210	29
27	170	51	108	5.8	37.5	191	39
28	171	52	101	5.1	38.5	199	62
29	174	58	95	5.4	37.5	204	49
30	180	55	107	6	39	210	68
31	181	52	97	6	38.5	180	29
32	182	54	95	6.1	37.8	212	63
33	183	56	95	5.9	37.5	190	36
34	190	59	108	6.4	39	185	49
35	191	55	99	5.9	38.5	195	50
36	192	57	109	5.5	37.8	180	30
37	194	56	105	6.4	37.5	195	50
38	195	54	106	5.7	39	201	36
39	201	52	107	6.3	38.5	191	51
40	206	51	95	5.5	37.8	190	40
41	212	56	99	6.4	37.5	197	57
42	220	57	102	6.2	39	211	38

F<sub>3</sub>Акала-72 х Бухоро-6 дурагайида 26 та оила ўрганилди ва ўсимликлар сони 5044 дона эди. Шу йилги шароитда июль-август ойининг ҳарорати юқори бўлганлиги учун, сув танқислиги оқибатида вегетация даври 95-109 кунни ташкил этди. Кўсак вазни эса 5.6-6.9 грамм бўлди. Тола чиқими олдинги дурагайлар сингари 37-39 фоизни ташкил этди. Ушбу дурагайдан 1400 та тезпишар якка танловлар териб олинди. Жами тажриба бўйича 2008 йили 4900 та якка танлов териб олинди. Бу ишнинг ҳажми кўпайганлиги учун тезпишар оилалардан 38.5 ва ундан юқори тола чиқимига эга бўлган оилалар ажратилади. Ажратилган оила-

лар “Сифат” ташкилотининг тола сифати кўрсаткичи бўйича бра-  
ковка қилинади.

3-жадвал

**F<sub>3</sub> Акала-72 х Бухоро-6 дурагайининг айрим хўжалик белгилари  
кўрсаткичи**

№	Тизма ва оилалар	50% униб чикиши, 50% гуллаш даври	50% кўсак очилиши гр.	Кўсак вазни гр.	Тола чикими %	Умумий ўсимлик- лар сони	Якка танлов- лар сони
1	273	56	103	6.7	39	190	30
2	274	56	100	6.9	37.5	185	39
3	275	50	102	6.6	37.8	182	41
4	276	59	104	5.7	38.5	201	64
5	277	55	96	6.4	39	199	50
6	279	55	95	6.7	37.5	183	61
7	280	56	109	5.7	37.8	180	43
8	285	59	103	6.5	38.5	202	60
9	295	57	109	6.4	39	191	58
10	296	59	98	6	37.5	181	47
11	297	57	95	5.9	37.8	204	49
12	298	58	98	6.1	38.5	106	51
13	299	51	100	6.6	39	175	59
14	300	53	109	6.5	37.5	185	63
15	302	59	95	6.7	37.8	178	42
16	303	55	95	6.6	38.5	219	48
17	304	51	96	5.6	39	210	58
18	305	59	97	6.1	37.5	215	60
19	307	51	102	6.5	37.8	184	64
20	308	52	102	6.3	38.5	193	64
21	309	54	104	6.5	39	205	68
22	310	52	106	6.8	38.5	186	68
23	311	52	97	6.2	37.8	215	50
24	312	54	99	6.5	39	180	61
25	313	55	99	6.1	37.5	201	67
26	320	51	104	6.5	38.5	209	38

Шундай қилиб, 2008 йилда қўйилган мақсад, яъни ҳар бир оилани  
максимал ҳолда ўрганилиб ва уларда тезпишарлик бўйича қатъий якка  
танлов ишлари тўлиқ олиб борилди ҳамда ўта тезпишар оилалар ва

Ўсимликлар ажратилди. Одатда, селекционерлар ҳар бир оиланинг 5-8 фоидавлодини ўрганса, бизнинг тадқиқотларда оилаларнинг 65-70 фоидавлоди ўрганилиб чиқилди ва энг тезпишар, маҳсулдор ўсимликлар олишга эришдик. Бу, янги услуб жуда машаққатли бўлганлиги учун комбинациялар сони оз бўлди ва ҳар бир дурагай комбинациянинг потенциал ўзгарувчанлигини аниқлаш имконияти бўлди.

### Хулосалар

1. Ўрганилган 3 та дурагай комбинация ўзининг тезпишарлиги ва маҳсулдорлиги билан ажралиб турди. Олинган аксарият оилалар тезпишарлиги ва юқори тола чиқимига эга бўлганлиги аниқланди.

2. F<sub>3</sub> Акала-72 х С-2609 дурагайида 16 та оила ва 485 та якка танловлар ўта тезпишарлиги билан ажралди. Вегетация даври 95-99 кунни ташкил этди.

3. F<sub>3</sub> Акала-74 х С-2610 дурагайининг аксарият оилалари 38-39 фоидавлоди тола чиқимини намоён этди ва бу оилаларда тезпишарлик юқори тола чиқими билан жипсланганлиги аниқланди.

4. F<sub>3</sub> Акала-72 х Бухоро-6 дурагайида ҳам ўта тезпишар, сермаҳсул ва тола чиқими 39 фоидавлоди, кўсак йириклиги 6.5-7.0 грамм, 12 та оила ва 186 та якка танлов ажратиб олинди.

### Фойдаланилган адабиёт

1. Бегимқулов Б., Аллашов Б., Тореев Ф. Ғўза селекциясида якка танловлар самарадорлиги // Агроилм. 2010. 2-сон. 11-бет.

УДК 633.511:631.523:631.52

## ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ЮҚОРИ АВЛОД КОНВЕРГЕНТ ДУРАГАЙЛАРИДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

Г.Жумаева, Г.Р.Холмуродова, Д.Ёрматова, Ш.Э.Намозов  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

ЎзҒСУИТИ “Ғўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида конвергент дурагайлаш услубларини кўллаш асосида хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга бўлган генетик жиҳатдан

бой рекомбинантлар яратилган. Лекин, ғўзани қимматли хўжалик белгиларининг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бўлган бошланғич ашё яратишда юқори авлод конвергент дурагайларнинг барқарорлашуви ўрганилмаган эди. Мазкур мақолада ўрта толали ғўзанинг юқори авлод конвергент дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг барқарорлашуви бўйича дастлабки тадқиқот натижалари келтирилмоқда.

Ушбу лабораторияда ўрта толали ғўзанинг юқори авлод конвергент дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг барқарорлашувини ўрганиш бўйича изланишлар давом эттирилмоқда. Лаборатория ходимлари томонидан А-11-071 лойиҳаси доирасида тадқиқотлар олиб борилган ва конвергент дурагайларнинг  $F_4$  авлодигача ўрганилган. Ҳозирги вақтда конвергент дурагайлар  $F_6$  босқичда. Жорий йилда юқори авлод конвергент дурагайларнинг морфохўжалик белгилари бўйича таққосий ҳолда кузатувлар олиб борилди. Кузда ер майдонлари ғўзапоядан тозаланиб, 30-35 см чуқурликда шудгор қилинди. Баҳорда ҳавонинг ва ердаги тупроқ ҳароратининг мўътадил бўлиши билан тупроқдаги намликни сақлаб қолиш ва бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида бороналаш тадбирлари ўтказилди.

Дала шароитида чигитлар 60 x 25 x 1 тартибда, 3-4 см чуқурликда, ҳар бир уяга 2-3 тадан қилиб экилди. Кўчатлар ернинг табиий намлигида ундириб олинди. Қолган агротехник тадбирлар Марказий тажриба хўжалигида қабул қилинган ягона усулда олиб борилди.

Ўсимликларга ариқчалар тортилиб, вегетация даврида суғорилиб турилди. Ўсув даврида етарли миқдорда азот, фосфор ва калий минерал ўғитлари бериб борилди. Ҳар бир ўғитлаш жараёнидан сўнг суғорилиб, ер етилиши билан чопикдан ўтказиб турилди. Барча дала кузатувлари ЎзПТИ (1969) услуби бўйича олиб борилди. Жумладан, тўлик фенологик кузатувлар олиб борилиб, кузатувлар 10 июнь, 10 июль, 10 август, 10 сентябрь ҳолатида ўсимликларнинг униб чиқишидан то 50 фоиз гуллашигача ва 50 фоиз кўсак очилишигача бўлган кунлар, кўсаклар сони ва бошқа миқдорий белгилар ўрганиб борилди. Тажрибалар асосида олинган натижалар Б.А.Доспехов (1985) услубида статистик ишловдан ўтказилди (жадвал).

Ажратиб олинган оилалар таснифи

№	Оилалар	50% гулаш	50% пишши	Табиий зарарланган фонда вилт, %	Тола чикими, %	Тола узунлиги, мм	1 та кусак оғирлиги, г	1000 лона чикит оғирлиги, г
1.	К-231-33/07	58,2	113,0	3,0	37,5	36,0	7,1	132,0
2.	К-234-35/07	59,0	114,1	2,0	36,9	35,2	6,0	120,7
3	К-244-45/07	60,8	112,4	3,1	38,8	37,2	6,1	129,0
4.	К-482-83/07	61,4	110,5	2,5	37,4	35,7	7,5	133,0
5.	К-484-85/07	60,6	113,9	2,4	36,7	38,0	6,8	130,0
6.	С-6524	61,1	114,6	3,1	36,6	35,0	5,3	128,7
7.	Наманган-77	62,9	115,2	3,5	37,0	32,7	5,4	126,5

50 фоиз гуллашигача бўлган даврда К-231-33/07 (58,2) оила энг яхши кўрсаткичга эга бўлиб, андоза навларга нисбатан С-6524 (61,1) Наманган-77 (62,90) 3-4 кунга эрта гуллагани кўринди.

50 фоиз кўсак очилишигача бўлган кунлар бўйича кузатувлар шуни кўрсатдики, оилалар орасидан энг тезпишари К-482-83/07 (110,5) оиласи бўлиб, андоза навга нисбатан 4-5 кунга эрта очилганлиги билан фаркланди. Бир дона кўсак оғирлиги бўйича К-482-83/07 (7,5), К-231-33/07 (7,1) оилалари андоза навларга нисбатан тегишли равишда 1,7 ва 2,1 г оғир эканлиги кўринди. Вилт билан зарарланиш табиий зарарланган фонда ва лаборатория шароитида вегетация даврида икки мартаба, яъни 15-30 сентябрларда ҳисобга олинди. Ушбу касалликка бардошлилик даражаси визуал ва ўсимлик поясини синдириб кўриш услуги билан аниқланди. Бунда ажратиб олинган оилаларимиз табиий зарарланган фонда атиги 2-3 фоизгача умумий даражада зарарланганлиги кузатилди. Энг юқори тола чиқими К-244-45/07 (38,8) оиласида, энг узун тола К-484-85/07 (38,0) оиласида кузатилган бўлса, 1000 дона чигит оғирлиги бўйича ижобий кўрсаткич К-482-83/07 (133,0) оилада аниқланди.

Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ажратиб олинган конвергент оилаларнинг аксарияти қимматли хўжалик белгилари бўйича андоза навлардан устун, баъзилари эса андоза навга тенг бўлганлиги кузатилди. Юқори авлод конвергент дурагайларнинг морфоҳўжалик белгилари бўйича таққосий ҳолда кузатувлар олиб бориш ва таҳлил қилиш натижасида конвергент дурагайларнинг қимматли хўжалик белгиларини яхшилашда афзаллиги тасдиқланди.

УДК 633.511:631.527.5

## **ЎРТА ТОЛАЛИ F<sub>1</sub> ВА F<sub>2</sub> ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА АЙРИМ БЕЛГИЛАРНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ**

**Ш.Ибрагимов, Б.Уразов, Э.Тухтаев, П.Ибрагимов, Ф.Тореев**  
**ЎзҒСУИТИ, Тошкент**

Ер юзида ҳар йили ўртача 30 миллион гектар пахта етиштирилади. Асосий пахта майдони Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Бразилия, Ўзбекистон ва бошқа давлатларни эгаллаган [1]. Барча селекцио-

нер олимлар янги, серхосил ва тола сифати йилдан-йилга ўсаётган, текстиль саноати талабларига жавоб берадиган нав ва дурагайлари яратишмоқда. Сўнги йилларда навларнинг ўрнига турли хил  $F_1$  дурагайлари асосий майдонни эгалламоқда, лекин Ўзбекистонда ҳанузгача дурагай пахталар мавжуд эмас [2]. Бизнинг мақсадимиз юқори  $F_1$  гетерозисли дурагайлар яратиш ва улардан  $F_2$  авлодида ушбу хусусиятни сақлайдиган намуналарни ажратиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 2009 йилда изланиш манбаи сифатида ўрта толали ғўзанинг районлашган ва янги Омад, Бухоро-8, С-6530, Турон, С-8288, Султон навлари, маркер белгига эга қизил баргли хорижий ҚБ-2 намунаси ва Р.А.Т. тизмаси ҳамда уларнинг

*1-жадвал*

**Тур ичи  $F_1$  дурагайларида тола чиқими ва тола узунлигининг прейлианиш кўрсаткичлари**

№	Нав ва дурагайлар	Тола узунлиги (мм)	hp	Тола чиқими (%)	hp
1.	Омад	32.9		38.0	
2.	С-6530	33.2		34.1	
3.	Бухоро-6	34.0		36.5	
4.	Бухоро-8	33.5		37.7	
5.	ҚБ-1	30.9		38.3	
6.	М.А. (Л-175)	31.4		39.7	
7.	Р.А.Т.	33.1		40.0	
8.	Т-842	32.4		37.1	
9.	С-8288	33.3		37.7	
10.	Турон	31.8		31.4	
11.	С-2610	33.1		30.6	
12.	$F_1$ (Омад х ҚБ-1)	32.7	0.8	38.9	4
13.	$F_1$ (С-6530 х ҚБ-1)	34.1	1.7	40.3	1.9
14.	$F_1$ (С-8288хҚБ-1)	30.9	-0.9	40.4	8.0
15.	$F_1$ (ТуронхҚБ-1)	31.8	1.0	42.4	2.2
16.	$F_1$ (Бухоро-8хҚБ-1)	31.2	-0.8	40.3	7.7
17.	$F_1$ (ҚБ-1 хОмад)	33.4	1.5	39.6	7.5
18.	$F_1$ (ҚБ-1 хС-6530)	30.8	-1.0	39.7	1.7
19.	$F_1$ (ҚБ-1хС-8288)	29.8	-1.9	39.7	5.7
20.	$F_1$ (ҚБ-1хТурон)	33.6	4.6	37.5	0.8
21.	$F_1$ (ҚБ-1 хБухоро-8)	31.4	-0.6	41.4	11.3

Тур ичи  $F_2$  дурагайлариинг тола чиқими ва узунлиги

№	Нав ва дурагайлар	Тола узунлиги (мм)	Тола чиқими (%)
1	Омад	32.9	38.0
2	С-6530	33.2	34.1
3	Бухоро-6	34.0	36.5
4	Бухоро-8	33.5	37.7
5	КБ-1.	30.9	38.3
6	М.А. (JI-175)	31.4	39.7
7	Р.А.Т.	33.1	40.0
8	Т-842	32.4	37.1
9	С-8288	33.3	37.7
10	Турон	31.8	31.4
11	С-2610	33.1	30.6
12	$F_2$ (КБ-1 x Омад)	32.0	40.2
13	$F_2$ (КБ-1 x С-6530)	31.7	41.0
14	$F_2$ (Омад x КБ-1.)	30.8	40.0
15	$F_2$ (С-6530 x КБ-1)	30.6	39.8
16	$F_2$ (Р.А.Т. x КБ-1)	31.2	42.5
17	$F_2$ (М.А. x КБ-1)	31.6	40.5
18	$F_2$ (С-8288 x КБ-1)	32.8	40.3
19	$F_2$ (Бухоро-6 x КБ-1)	32.0	37.5
20	$F_2$ (С-842xКБ-1.)	31.4	39.6
21	$F_2$ (С-2610xКБ-1)	32.2	38.5
22	$F_2$ (Турон x КБ-1)	31.7	39.8
23	$F_2$ (КБ-1xОмад)	31.9	39.1
24	$F_2$ (КБ-1x Р.А.Т.)	30.7	39.5
25	$F_2$ (КБ-1x М.А.)	31.8	39.0

реципрок дурагайларидан фойдаланилди. Тажрибалар ЎзФСУИТИ Марказий тажриба хўжалигида қабул килинган агротехника асосида 3 такрорда 60x25x1 схемасида экиш орқали бажарилди.

Тажрибаларимизда тола узунлиги ва чиқими ҳамда вилтга чидамлилик белгилари ўрганилган.

$F_1$  авлодда тола чиқимининг ирсийланиши. Тола чиқими бўйича олинган натижалар (1-жадвал) бошланғич навларнинг де-

ярли ҳаммаси юқори кўрсаткичга эга эканлигидан далолат беради. Айниқса, Р.А.Т., М.А. (Л-175) ва маркер белгига эга ҚБ-1 намуналари нисбатан юқори тола чиқимини намоён этишди. Бошланғич навлар ичида С-2610 ва Турон навлари энг паст 30.6 ва 31.4 фоиз тола чиқимига эга бўлишди.

Дурагайларнинг биринчи авлодида ҳам тола чиқимининг ўртача кўрсаткичи юқори бўлди. Тажрибада ўрганилган дурагайлардан фақатгина нисбатан паст толага эга бўлган Турон нави иштирокидаги  $F_1$  ҚБ-1 х Турон комбинациясида оралиқ ҳолдаги ирсийланиш (0.8) қайд этилди. Қолган барча комбинацияларда юқори даражадаги гетерозис аниқланди.

Тола чиқими бўйича иккинчи авлод дурагайлари ҳам таҳлил этилди. Олинган натижалар белги бўйича барча комбинациялар юқори кўрсаткич намоён этганини тасдиқлади. Нисбатан юқори натижа  $F_2$  (Р.А.Т. х ҚБ-1.) ва  $F_2$ (ҚБ-1. х С-6530) комбинацияларида қайд этилди (тегишли равишда 42.5 ва 41.0%). Мазкур авлодда ҳам паст тола чиқимига эга Бухоро-6 нави иштирокидаги  $F_2$  Бухоро-6 х ҚБ-1 комбинация энг паст тола чиқимига (37.5%) эга бўлди. Қолган ҳолларда тола чиқими 38 фоиздан 40 фоизгача оралиқда, яъни юқори бўлди.

Тола чиқими бўйича олинган натижаларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, айрим олимлар таъкидлаганидан фарқли равишда (“Тур ичида чатиштирилганда тола чиқими бўйича гетерозис кузатилмайди”, Симонгулян, 1987) тур ичида чатиштиришда тола чиқими бўйича ҳам юқори даражадаги гетерозис кузатилиши мумкин.

#### **Тур ичида чатиштиришдан олинган $F_1$ - $F_2$ дурагайларининг вилтга чидамлилиги**

Маълумки, нафақат янги яратилаётган навларнинг, балки дурагайларнинг ҳам вилтга чидамлилиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, табиий вилт билан зарарланган муҳитда ўрганилаётган дурагайларнинг вилтга чидамлилиқ даражаси аниқланди.

Олинган натижалар (3-жадвал) шуни кўрсатдики, барча биринчи авлод дурагайлари вилт билан умумий даражада турли миқдорда касалланади. Мазкур авлодда нисбатан паст касалланиш  $F_1$  С-2610 х ҚБ-1 ва  $F_1$  Р.А.Т. х ҚБ-1 комбинацияларида кузатилиб, тегишли равишда 6,5 ва 6,7 фоизни ташкил этди.

Тур ичи  $F_1$  дурагайларининг вилт билан зарарланиши

№	Нав ва дурагайлар	Ўсимлик сони	Вилт билан умумий зарарланиши		Вилт билан кучли зарарланиши	
			дона	%	дона	%
1.	$F_1$ (ҚБ-1 хЛ-8)	121	31	25.6	5	4.1
2.	$F_1$ (ҚБ-1 хК.кор)	108	19	17.5	1	0.9
3.	$F_1$ (С-6530хҚБ-1)	100	35	35.0	0	0
4.	$F_1$ (Бухоро-6 х ҚБ-1)	89	22	24.7	0	0
5.	$F_1$ (Бухоро-8 х ҚБ-1)	183	34	18.5	1	0.5
6.	$F_1$ (Р.А.Т. х ҚБ-1)	89	6	6.7	0	0
7.	$F_1$ (С-8288 х ҚБ-1)	94	18	19.1	1	1.0
8.	$F_1$ (Турон х ҚБ-1)	73	9	12.3	1	1.3
9.	$F_1$ (С-2610 х ҚБ-1)	107	7	6.5	2	1.8

Энг юқори даражада эса  $F_1$ С-6530 х ҚБ-1 дурагайида кузатилди (35,0%). Бирок, мазкур комбинация ҳамда  $F_1$ Бухоро-6 х ҚБ-1 ва  $F_1$ Р.А.Т. х ҚБ-1 дурагайлари вилтнинг кучли даражаси билан касалланмагани олинган жадвал маълумотларидан яхши кўриниб турибди. Қолган комбинациялар эса 0,5 фоиздан ( $F_1$ Бухоро-8 х ҚБ-1) 4,1 фоизгача ( $F_1$ ҚБ-1 х Л-8) касаллангани аниқланди.

Иزلанишларимизда иккинчи авлод дурагайларининг ҳам вилтга чидамлилиқ даражаси таққослаб ўрганилди. Олинган маълумотлар (4-жадвал) ҚБ-1 тизмаси вилтнинг умумий ва кучли даражаси билан касалланмаслигини тасдиқлади. Қолган ўрта толали навларнинг барчаси вилтга чалиниб, касалланиш даражаси 1,2 фоиздан (Барҳаёт) 16,0 фоизгача (С-6530) оралиқда бўлгани аниқланди.

$F_2$  авлод дурагайлари ичида  $F_2$  Турон х Омад,  $F_2$  ҚБ-1 х Р.А.Т.,  $F_2$  С-8288 х Р.А.Т. комбинациялари вилтнинг умумий ва кучли даражасига чидамли эканлиги аниқланди. Қолган дурагайларнинг касалланиш даражаси 1.5 фоиздан  $F_2$  (Т-842 х Р.А.Т.) 27,2 фоизгача  $F_2$  (М.А. х Омад) оралиқда бўлди. Вилт билан кучли даражада

Тур ичи F<sub>2</sub> дурагайларининг вилт билан зарарланиши

№	Нав ва дурагайлар	Ўсимлик сони	Вилт билан умумий зарарланиш		Вилт билан кучли зарарланиш	
			дона	%	дона	%
1	C-6530	75	12	16.0	2	2.6
2	Бухоро-8	82	6	7.3	2	2.4
3	КБ-1	48	0	0	0	0
4	Р.А.Т.	43	6	13.9	0	0
5	Т-842	33	4	12.1	4	12.1
6	Турон	60	2	3.3	2	3.3
7	Бархаёт	77	1	1.2	3	3.8
8	F <sub>2</sub> (C-6530 x Омад)	45	1	2.2	1	2.2
9	F <sub>2</sub> (М.А. x Омад)	33	9	27.2	2	6.0
10	F <sub>2</sub> (Т-842 x Омад)	42	1	2.3	4	9.5
11	F <sub>2</sub> (Бухоро-6 x Омад)	52	1	1.9	2	3.8
12	F <sub>2</sub> (Бухоро-8 x Омад)	44	5	11.3	1	2.2
13	F <sub>2</sub> (Турон x Омад)	46	0	0	0	0
14	F <sub>2</sub> (Омад x C-6530)	47	6	12.7	4	8.5
15	F <sub>2</sub> (C-8288 x C-6530)	44	0	0	0	0
16	F <sub>2</sub> (Турон x C-6530)	50	3	6.0	2	4.0
17	F <sub>2</sub> (Турон x КБ-1)	47	6	12.7	6	12.7
18	F <sub>2</sub> (C-6530 x Р.А.Т.)	69	2	2.8	1	1.4
19	F <sub>2</sub> (КБ-1 x Р.А.Т.)	76	0	0	0	0
20	F <sub>2</sub> (C-8288 x Р.А.Т.)	72	0	0	0	0
21	F <sub>2</sub> (Т-842 x Р.А.Т.)	63	1	1.5	0	0
22	F <sub>2</sub> (C-2610x Р.А.Т.)	44	6	13.6	0	0
23	F <sub>2</sub> (C-Турон x Р.А.Т.)	33	2	6.0	4	12.1
24	F <sub>2</sub> (C-6530 x М.А.)	40	3	7.5	3	7.5
25	F <sub>2</sub> (Т-842 x М.А.)	46	4	8.6	0	0
26	F <sub>2</sub> (C-2610xМ.А.)	42	4	9.5	4	9.5
27	F <sub>2</sub> (Бухоро-6 x М.А.)	60	2	3.3	0	0
28	F <sub>2</sub> (Турон x М.А.)	76	2	2.6	2	2.6
29	Л-52	29	0	0	0	0
30	9871-4	27	0	0	0	0
31	Термиз-31	34	0	0	0	0
32	Сурхон-14	31	0	0	0	0
33	Сурхон-100	96	2	0	0	0
34	Сурхон-102	119	0	0	0	0

зарарланиш бўйича Турон нави иштирокидаги  $F_2$  Турон х КБ-1 ва  $F_2$  С-Турон х Р.А.Т. комбинациялари энг юқори кўрсаткич, яъни чидамсизлик намоён этишди. Бу эса Турон нави вилтга чидамлилиқ бўйича салбий жиҳатдан ёмон донор эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, вилтга чидамлилиқ бўйича  $F_1$  дурагайларида (С-6530хКБ-1),  $F_1$  (Р.А.Т. х КБ-1) ва  $F_2$  дурагайларида эса  $F_2$  (КБ-1 х Р.А.Т.),  $F_2$  (С-8288 х Р.А.Т.),  $F_2$  (Т-842 х Р.А.Т.),  $F_2$  (С-2610х Р.А.Т.),  $F_2$  (Бухоро-6 х М.А.),  $F_2$  (Турон х М.А.)лар ажралиб чиқди.

Тола чиқими ва тола узунлиги кўрсаткичлари бўйича  $F_1$ КБ-1 х Турон комбинациясида оралиқ ҳолдаги ирсийланиш (0.8) қайд этилди. Қолган барча комбинацияларда юқори даражадаги гетерозис аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Chaudhry, Rafiq M. 2007. Global Warming and Cotton Production – Part 1. THE ICAC RECORDER, International Cotton Advisory Committee, Vol. XXV, №.4, 2007.
2. Kelly, David. 2009. Can cotton survive climate change? The Australian Cotton grower, Volume 29, №.7, December 2008 – January 2009

УДК 633.511.631.523.

### ҒЎЗА НАВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МОДИФИКАЦИОН ЎЗГАРУВЧАНЛИК – ПОПУЛЯЦИЯВИЙ ГОМЕОСТАЗ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРДАНДИР

С.Одилов, Х.Жумабеков

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси  
институту, Тошкент

Кейинги йилларда фан тараққиёти натижасида барча соҳалардаги каби биология соҳасида ҳам янгидан-янги тармоқлар ташкил этилмоқда. Зеро, юқори суръатлар билан ривожланаётган жамиятимизнинг турмуш тарзи илмий соҳа ходимлари олдига доим янги, мураккаб ва иқтисодий жиҳатдан юқори самара берадиган вазифаларни қўйиб туриши объектив ҳақиқат.

Маълумки, ҳар қандай тирик организмдаги каби ғўза ўсимлигида ҳам ирсий ва мавсумий (модификацион) ўзгаришлар рўй бериб туради. Бундай жараён биологик қонуният ҳисобланади. Тирик организмлар дунёсида узлуксиз давом этадиган бундай биологик жараёнларнинг бир-биридан катта фарқ қилиши фан оламида янги популяцион генетика тармоғи ташкил этилишига олиб келди.

Таниқли генетик олим Н.П.Дубининнинг [5] таъкидлашича, генетиканинг популяцион йўналишида генетиклар, селекционерлар, эволюционист ва систематиклар олдида кенг фаолият юритиш учун катта масъулиятли вазифалар турибди.

Популяцион генетиканинг бу янги йўналишининг шаюлланиши С.С.Четвериковнинг [13] “Ҳозирги замон нуқтаи назардан қараганда эволюцион жараённинг айрим ҳолатлари” номли мақоласи билан боғлиқ. Ушбу ишда тадқиқотчи популяциянинг генлар билан боғлиқ моҳиятини очиб берди.

Ғўза навларининг популяцион табиатини ўрганишда маданий ва ёввойи ўсимликлар устида муҳим тадқиқотчилик ишларини олиб борган Е.Н.Синская [12] нинг қуйидаги фикрларига эътибор бериш лозим: “Популяция генетикаси – организмлар генетикасидан, популяция ўзгарувчанлиги эса организмлар ўзгарувчанлигидан фарқ қилади”. Тадқиқотчининг фикрича, аралашма – биотипларнинг тасодифий уюшмаси (мажмуаси)дир.

Популяция – ўзининг маълум таркиби бўйича характерланиб, аралашмалардан фарқли ўлароқ биотипларнинг ўзаро алоқада бўлиб, маълум қонуният асосида ташкил топган мажмуасидан иборат.

Ўсимликлардаги фенотипик (ташқи кўринишидаги) ўзгарувчанлик динамик характерга эга бўлиб, уларнинг таркибидаги эластикликни оширади, ҳар хил агроэкологик шароитга мослашишини тезлаштиради. Организмларнинг ҳар бир тўқима ва хужайраларидаги гетерогенлик (ҳар хиллик) уларнинг ривожланиш давридаги ташқи – фенотипик ўзгарувчанликнинг манбаи ҳисобланади.

Бир қатор тадқиқотчилар томонидан [3, 4, 7, 8] популяциялар таркибидаги мономорфизм, полиморфизм, гетерогенлик ва гетероморфизм каби хусусиятлар кенг ўрганилган.

Тадқиқотчи Н.В.Готовнинг [2] фикрича, популяция таркибида-

ги ҳар хилликни (ирсий ва мавсумий) улардаги таъсирланиш меъёрига (реакция нормасига) таъсир этувчи маълум аллелларнинг мавжудлиги билан, янада аниқроғи, комбинация жараёнида генларнинг маълум даражадаги алоқали боғланиши билан тушунтириш мумкин.

Модификацион ўзгарувчанликни миқдорий генетик нуқтаи назардан ўрганиш дастлаб В.Йоганнсен [9] томонидан бошланган. Олимнинг таъкидлашича, танлаш услуги соф тизимларда самара бермайди.

Модификация – ташқи муҳит ва ривожланиш жараёнларининг ўзаро таъсири натижасидир. Навларнинг кейинги авлодлари давомида қайта ишлаб чиқарилишида ҳар доим модификацион ўзгарувчанлик рўй бериб туради [3].

Эволюционист-тадқиқотчи И.И.Шмальгаузен [14] кайд этишича, модификация – эволюциянинг энг юқори ва энг мураккаб жараёнидир. Модификацион ўзгарувчанлик тўғрисида илмий асосланган тадқиқотлар ҳар хил тирик объектларда ўтказилган [1, 6, 10].

Организмларнинг ривожланиши давридаги ирсий ва мавсумий ўзгарувчанлик мутлақо объектив жараён [3]. Зеро, ривожланиш давридаги генларнинг ўзаро таъсир этиш характери ўзгаради, уларнинг айримлари ривожланишнинг дастлабки даврида хужайраларнинг бўлиниш давридаёқ таъсир кўрсатади [10].

Демак, ҳар бир геннинг ўзгариши хужайра ва ядрода янги жараёнларни бунёд этади. Бундай ҳолат, албатта, организмлардаги белгиларнинг ўзгаришига олиб келади [6].

Ўза навлари таркибидаги модификацион ўзгарувчанлик ниҳоятда кам ўрганилган. Ҳозирги кун талабига жавоб берадиган, популяцион даражагача ишлаб чиқилган амалий ва назарий асосланган система жорий этилмаган.

Юқоридаги фикрлар асосида биз ўз изланишларимизда ўза навларининг шохланиш характери ва айрим хўжалик белгилари бўйича модификацион ўзгарувчанликни яқка танлаш услубида ўрганишни мақсад қилиб олдик. Бунинг учун ўзанинг янги ва раёнлашган – Мехр, Мехнат, Хазина, Бахт, АН-Боёвут-2, Тошкент-6, Шароф-75 ва Ўзбекистон-3 навларидан фойдаландик. Асосий кузатиш ва анализ қилиш ишлари умумий қўлланма асосида олиб берилди.

Ўрганилган навлар авлодлари гуллаш давридан бошлаб, мева шоҳи (симнодиал)нинг узунлиги бўйича ҳар бир нав ичида ажрала бориши кузатилди ва ривожланишнинг охирида типик ва модификант ўсимликлар бир-биридан кескин фарқланади.

Бошқа биоморфологик ва хўжалик кўрсаткичлари бўйича навнинг типик биотипларига хос бўлган хусусиятлар сақланди. Меҳр навининг типик (асосий) ўсимликлари авлодида (ўртача 2007-2008 йилларда) модификант (мавсумий) ўсимликлар 3,0 фоиз, модификантлар авлодида (ўзига ўхшаш) ўсимликлар эса 10,9 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич шунга мувофиқ, Меҳнат навида 8,1 ва 8,9; Хазина навида 1,3 ва 8,7 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

Ўза навларидаги яқка таъланган ўсимлик авлодларида типик ва модификантлар нисбати (%)

Навлар	Фенотип	2007		2008		Ўртача		Нав тозаллиги
		типик	модифик	типик	модифик	типик	модифик	
Меҳр	типик	96,9	3,1	97,1	2,9	97,0	3,0	100
	модифик	93,0	7,0	85,3	14,7	89,1	10,9	100
Меҳнат	типик	94,2	5,8	89,5	10,5	91,9	8,1	100
	модифик	98,9	1,1	83,3	16,7	91,1	8,9	100
Хазина	типик	100	0	97,4	2,6	98,7	1,3	100
	модифик	96,8	3,2	85,7	14,3	91,3	8,7	99,1
Бахт	типик	98,2	1,8	97,5	2,5	97,9	2,1	100
	модифик	100	0	88,6	11,4	94,3	5,7	100
АН-Боёвут	типик	93,7	6,3	74,1	25,9	83,9	16,1	99,6
Тошкент-6	типик	93,6	6,4	82,4	17,6	88,0	12,0	99,3
Шароф-75	типик	90,9	9,1	97,5	2,5	94,2	5,8	100
АН-Ўзб-3	типик	91,3	8,7	93,3	6,7	92,3	7,7	99,2

Шунга ўхшаш натижалар қолган навларда ҳам кузатилди.

Ўрганилган Меҳнат, Тошкент-6 ва АН-Боёвут-2 навларида мавсумий модификантлар кўпроқ (8,1; 12,0; 16,1 фоиз) бунёд этилди. Демак, бу навлардаги таъсирчанлик меъёри уларнинг узок муддат катта майдонларда экилишини таъминлаганлиги эҳтимолдан холи эмас, албатта.

Ушбу навлар чорак асрдан зиёдроқ муддат давсида

хўжаликларимизга юқори самара бериб келмоқда. Ғўзанинг АН-Боёвут-2 навининг экилиш майдони 2008-2009 йилларда 160 минг гектардан кўпроқ бўлди. Ушбу нав айрим йилларда республика бўйича 300 минг гектардан зиёд майдонда кўпайтирилган. “Меҳнат” нави эса ўтган (2008-2009) йилларда 50-60 минг гектардан ортиқ майдонда экилиб, юқори самарадорликка эришилмоқда.

Ўсимликлар ҳосил шоҳининг ўзгарувчанлик характери натижа-сида пайдо бўладиган мавсумий биотипларни нав таркибидаги бир хиллигига жавоб бермайди, деб баҳолаш – ирсий гомеостазни ташкил этишни сусайтиради. Йил фасллари ўзгариши, агротехник ва агроэкологик, айниқса генетик омиллар – асосий ва модификатор генлар ҳар қандай организмдаги мавсумий ўзгарувчанлик имкониятларини кенгайтиради. Элита-уруғчилик хўжаликлари амалиётида навларнинг фенотипик бир хиллигини ошириш мақсадида, уларни “рандалаб”, зарурий биотипларни чиқитга (брак) чиқариб юборишга алоҳида аҳамият берилса, фойдадан ҳоли бўлмас эли. Қолаверса, собиқ Иттифок даврида умумий пахта майдонининг 70 фоиздан ортиқ қисмида узок вақт (40 йилдан зиёд) экилиб келинган “гегемон”, “пахтазор”, “қироли” ва “фахрий” ҳисобланган 108-фнавининг фенотипик бирхиллиги (однородность) 84-96 фоизни

2-жадвал

Ғўза навларида айрим қимматли хўжалик аҳамиятига эга бўлган кўрсаткичлар (ўртача 2007-2008 йиллар)

Навлар	Бир кўсак пахта вази, г		Тола чикими, %		Тола узунлиги, м.м	
	М ± м	V	М ± м	V	М ± м	V
Меҳр	6,4 ± 0,2	7,8	35,2 ± 1,6	11,1	33,4 ± 0,5	3,9
	5,4 ± 0,1	3,9	38,4 ± 2,0	11,7	34,0 ± 1,4	5,6
Меҳнат	5,8 ± 0,2	5,2	38,4 ± 3,2	14,3	33,3 ± 0,5	2,7
	6,3 ± 0,4	14,3	35,6 ± 1,3	8,0	33,7 ± 0,4	3,5
Ҳазина	6,0 ± 0,2	5,0	40,0 ± 1,5	12,2	34,3 ± 0,3	1,2
	6,3 ± 0,3	11,1	38,2 ± 0,6	3,4	32,7 ± 0,4	2,4
Бахт	5,8 ± 0,2	8,6	37,0 ± 1,4	8,9	33,1 ± 0,3	2,4
	6,9 ± 0,7	21,6	37,2 ± 1,3	7,0	33,2 ± 0,5	3,3
АН-Боёвут+	7,3 ± 0,5	15,1	37,0 ± 1,2	7,6	32,8 ± 0,4	2,7
Тошкент-1+	6,0 ± 0,5	13,3	37,5 ± 1,3	6,0	37,7 ± 0,5	2,6
Шароф-75+	7,0 ± 0,4	10,0	34,8 ± 0,5	2,6	34,2 ± 0,4	2,6
АН-Ўзб-3+	7,6 ± 0,4	11,8	36,2 ± 1,4	8,0	34,0 ± 0,9	5,3

ташқил этиб келган. Аммо, унинг нав тозалиги Элита, R-1, R-2, R-3 уруғликлари экилган майдонларда, шунга мувофиқ, 100, 99, 98 ва 97 фоизни ташқил этган.

Вўза навларининг вегетатив ва генетатив органларининг шаклланиши генетик (ички) омилларга боғлиқ ҳолда ривожланади ва модификатор генлар ёрдамида бошқарилади. Меҳр нави типик ўсимликлари авлодларида бир кўсак пахтасининг вазни (ўртача 2007-2008 йилларда)  $6,4 \pm 0,2$ , модификатларда эса  $5,4 \pm 0,1$  г. Меҳнат навида шунга мувофиқ  $5,8 \pm 0,2$  ва  $6,3 \pm 0,4$  (1-жадвал). Шунга ўхшаш ҳолатлар қолган навларда ҳам кузатилди. Иккала характердаги ўсимликларда кўсак вазни бўйича модификацион ўзгариш коэффициенти 3,9 дан 21,6 фоизгачани ташқил этди.

Ҳар қандай навнинг аҳамияти ундаги тола чиқими ва сифати билан белгиланади. Тола чиқими бўйича ўзгарувчанлик навларнинг ташқи муҳитга бўлган таъсирланиш меъёрида (реакция нормасида) бўлиши кузатилди. Бу кўрсаткичнинг ўзгарувчанлик коэффициенти барча навларнинг иккала типидида 2,6 – 14,3 фоизни ташқил этди.

Ўрганилган нав авлодларида тола узунлиги бўйича ҳам типик ва модификант биотипларда бир-бирига яқин ҳолат кузатилди (2-жадвал). Барча навларда бу кўрсаткич 32,7 дан 34,3 мм атрофида сақланди. Навлардаги тола узунлиги бўйича модификацион ўзгарувчанлик анча паст бўлиб, ҳар иккала характерда 1,2 – 5,6 фоиз бўлиши кузатилди.

### Хулоса

Ҳар қандай ғўза нави авлодида мавсумий ўзгарувчанликка эга бўлган модификантлар бунёд этилиши – биологик қонуният ҳисобланади. Ўсимлик ҳосил шохининг ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган белгиларнинг модификацион ўзгарувчанлиги қатор авлодлари давомида ташқи ва ички муҳитга бўлган таъсирчанлик меъёри (реакция нормаси) чегарасида такрорланди.

Навлар популяциясидаги модификацион ўзгарувчанлик уларда генетик гомеостазни қайта ташқил этади ва навларнинг ҳар хил агроиклим ҳамда агроэкологик шароитларга тез мосланишига имконият яратади.

Турли агроиклимли хўжаликлар шароитида янги ва районлашган навларнинг самарадорлигини ошириш учун мавсумий биотипларнинг бунёд этилиб туришига алоҳида эътибор бериш ва навлар таркибидаги биотипларнинг фенотипи бўйича ўзгарувчанлик имкониятини камайтириб қўймаслик керак.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Астауров Б.А. Фенотипическое проявление генотипа // Наследственность и развитие. М.: Наука, 1974.
2. Глотов Н.В. Оценка генетической гетерогенности природных популяций // Экология. 1983. №1.
3. Гуляев Г.В. Генетика и семеноводство / Генетика. 1969. Т.V. №3.
4. Дубинин Н.П. Эволюция популяции и радиация. М.: Атомиздат, 1966.
5. Дубинин Н.П. Общая генетика. М.: Наука, 1986.
6. Дубинин Н.П., Глембоцкий Л.Я. Генетика популяций и селекция. М.: Наука, 1967.
7. Жмурко В.В. и др. Модифицирующее действие длины дня на гибридную популяцию сои // Экологическая генетика растений, животных, человека. Кишинев: Штиинца, 1991.
8. Завадский К.М. Вид и видообразование. Л.: Наука, 1968.
9. Йоганнсен Х.В. О наследовании в популяциях и чистых линиях М.;Л.: Сельхозиздат, 1935.
10. Инге-Вечтомов С.Г. Генетика с основами селекции. М.: Высшая школа, 1989.
11. Мауер Ф.М. Ветвление хлопчатника // Хлопчатник. Ташкент, 1960. Т.3.
12. Синская Е.Н. Проблема популяции у высших растений. Вып.2. Л.: Сельхозиздат, 1961.
13. Четвериков С.С. О некоторых моментах эволюционного процесса с точки зрения современной генетики // Экспериментальная биология. Серия А. Вып.№1. 1926. Т. 2.
14. Шмальгаузен И.И. Факторы эволюции. М.;Л., 1946.

## **ИЗУЧЕНИЕ ПОПУЛЯЦИОННОГО ГОМЕОСТАЗА У ЛИНИЙ, ПОЛУЧЕННЫХ С ПОМОЩЬЮ ГЕОГРАФИЧЕСКИ ОТДАЛЕННОЙ ГИБРИДИЗАЦИИ**

**С. Одилов, И. Каххаров, Х. Джумабеков**

**(Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН  
РУз г. Ташкент, Узбекистан)**

При современном выведении новых сортов хлопчатника особое значение приобретает разработка методов экспериментального изучения изменчивости сортовых популяций по морфологическим и хозяйственно-ценным признакам, способствующих повышению эффективности селекционного процесса.

Гибридикация географически отдаленных форм расширяет спектр генотипической изменчивости и способствует созданию исходного материала, сочетающего хозяйственно-ценные признаки с экологической приспособленностью к агроклиматическим факторам среды. Этот метод позволяет создавать принципиально новые гибридные растения – лабильные, наследственно обогащенные, гетерозиготные и гетерогенные, отличающиеся между собой многими десятками и сотнями генов.

Исследования гибридов хлопчатника [1-9] методом скрещивания и отбора эколого-географически отдаленных форм ведет к созданию на этой основе высокоэффективных сортов. Хлопчатник, являясь факультативным самоопылителем, в каждом поколении может воспроизводить гибриды, контролирующиеся активными генами.

По утверждению Д.Я.Бюбейкера, «окружающая среда служит в качестве спускового крючка для действия многих генов» (4).

По мнению В.Н.Столетова «... гибридный организм весьма податлив воздействию внешних условий, ... в каждой половой клетке фиксировано значительно больше возможностей, чем реализуется в том или ином онтогенезе (10).

Отдаленный гибридный организм формируется и приобретает наследственную устойчивость постепенно, в течение ряда поколений, «отсюда вытекает необходимость перенесения отбора на более поздние поколения» [11].

Известный ученый-селекционер, генетик по хлопчатнику С.С.Садыков отмечал следующее: «Закономерность развития органического мира в целом, хлопчатника в частности, настолько многогранна и сложна, что для познания ее сущности необходимо изучать как целый организм во взаимосвязи с окружающей средой, так и клетки, субклеточные структуры и молекулы» [9].

Закономерность формирования генетической природы сложных гибридных популяций – одна из наименее изученных проблем и важнейшая задача экспериментальной, теоретической и популяционной генетики.

В статье предпринята попытка экспериментального изучения гибридной комбинации при многократном индивидуальном отборе по комплексу признаков, т.е. преобразование популяционного гомеостаза в конкретных условиях внешней среды, в которых отбор изменяет коррелятивные связи, норму реакции организма, увеличивает концентрации одних генов, улучшает и стабилизирует ценные признаки.

**Материал и методы исследований.** Объектами исследований служили иностранные сорта: Кокер –312, 146, 7500-3, Акала – 1517, Дельтапаин – 16, Мориллии и другие из Америки, Австралии, Болгарии. Этот исходный материал скрещивали с новыми линиями и сортами лаборатории – Юлдуз, Л-2735, Л-6161, Л-2777 и т.д.

**Результаты исследований.** Из гибридных комбинаций, начиная от  $F_3$  до  $F_9$ , были дифференцированы новые линии, которые отличались от исходных популяций и между собой по комплексу биоморфологических и хозяйственно-ценных признаков.

Известно, что у хлопчатника как факультативного самоопылителя высокий уровень положительных признаков нередко управляется рецессивными генами. Особенно это касается признаков, биологическая и хозяйственная ценность которых не совпадает. Именно к таким признакам относятся крупность коробочки, выход и длина волокна. Поскольку эти признаки контролируются рецессивными генами, браковка по ним в ранних гибридных поколениях может привести к потере ценного для селекции материала. Так, в результате многократного отбора вес сырца одной коробочки повышался (в 4 случаях) на 0,2-0,7 г от поколения  $F_{10}$  до поколения  $F_{20}$ . В  $F_{10}$  -  $F_{20}$  этот показатель (несмотря на модификации) стабилизировался (таблица).

Основные хозяйственно-ценные показатели гибридных популяций при многократном индивидуальном отборе

№ п/п	Название комбинации	Все сырца одной коробочки, г						Выход волокна, %						Длина волокна, м.м		
		F <sub>10</sub>		F <sub>15</sub>		F <sub>20</sub>		F <sub>10</sub>		F <sub>15</sub>		F <sub>20</sub>		F <sub>10</sub>	F <sub>15</sub>	F <sub>20</sub>
		M±m	cv	M±m	cv	M±m	cv	M±m	cv	M±m	cv	M±m	cv			
1	К-2735х146	5,9	6,3	6,6±0,3	13,3	37,3	39,3	38,6±0,7	6,4	33,4	33,3	32,9±0,5	4,0			
2	К-2735хКокер-312	6,3	6,2	6,3±0,3	12,7	36,0	40,1	40,9±0,8	4,6	32,6	29,4	32,5±0,3	1,9			
3	Л-2725хЛ-6161	6,2	6,3	6,0±0,5	16,6	36,1	41,4	37,7±0,7	3,7	33,5	32,2	32,8±0,5	3,3			
4	Л-2735хЛ-2777	5,9	6,7	6,5±0,6	18,4	37,1	41,6	39,1±1,8	9,2	30,9	31,6	32,2±0,5	3,1			
5	Л-2735хЮлдуз	6,1	6,2	6,3±0,3	9,5	36,1	39,8	41,0±0,9	4,8	31,2	32,5	32,4±0,3	1,9			
6	ЮлдузхЛ-2735	6,2	6,5	6,5±0,3	7,7	38,6	37,2	37,3±1,2	4,7	31,8	33,3	33,5±0,6	3,3			

Примечание: Сорт 146 из Болгарии; 3 Кокер-312 - из Америки.

Увеличение веса сырца одной коробочки в поздних генерациях, возможно, связано с тем, что этот признак в младших поколениях не проявлялся в фенотипе. Особенно крупнокоробочные особи формировались в комбинации Л-2735 x 146 (6,6 г) и Юлдуз x Л-2735 (6,5 г), т.е. данный эффект возник в результате индивидуального отбора по данному признаку. При этом особое значение имело влияние агроклиматических факторов на активность генов.

Коэффициент модификационной изменчивости веса сырца одной коробочки во всех комбинациях варьировал от 7,7 до 18,4%. Наиболее важным продуктом, ради чего возделывается хлопчатник, является волокно. Его показатель увеличился в  $F_{20}$  по сравнению с  $F_{10}$  на 1,4-4,9% (за исключением комбинации Юлдуз x Л-2735, в котором он понижается на 1,3%).

В потомстве гетерогенных комбинаций выход волокна в старших поколениях достоверно повышался в зависимости от генерации и отбора, так как данный признак в ранних поколениях оставался в организме гибридов в скрытом состоянии. Изучаемый признак носил сложный гетерогенный характер, он изменялся и улучшался путем многократного отбора с увеличением концентрации комплексов благоприятных наследственных факторов в селективируемых популяциях. Высоковыходные биотипы формировались путем повышения характерных показателей комбинаций Л-2735xКокер-312 ( $40,9 \pm 0,8$ ) и Л-2735xЮлдуз ( $41,0 \pm 0,9$ ).

К  $F_{20}$  генерациям выход волокна приобретал стабильность, и коэффициент паратипической изменчивости варьировал во всех комбинациях от 3,7 до 9,2%. Из этого следует, что исследуемый признак контролируется системой полимерных генов и их взаимодействием. В течение ряда поколений ( $F_{10}$  -  $F_{20}$ ) по длине волокна особи гибридных комбинаций значительно не различались, т.е. изменчивость признака наблюдалась в пределах нормы реакции на агроклиматические условия среды.

Видимо, стабильность изучаемого признака сохраняется на исходном уровне под влиянием основных генов и генов-модификаторов.

Таким образом, длина волокна – показатель более устойчивый, подвержен модификационной изменчивости в более слабой степени – 1,2-4,0%. Возможно, гибридная комбинация, в которой уча-

ствовала линия Л-2735, имела тенденцию к увеличению основных генеративных органов (коробочки, выхода и длины волокна). Отсюда эта линия может служить в дальнейшем эффективным донором для получения новых линий с высокой комбинационной способностью. Количественные признаки обусловлены действием многих генов. Они подвержены сильному влиянию изменений окружающих условий, но многократный отбор концентрирует в генотипе проявление многих положительных признаков и потенциальных возможностей биотипов, т.е. географически отдаленная гибридизация имеет перспективы для создания новых сортов хлопчатника, сочетающих комплекс положительных признаков.

В настоящее время наиболее перспективные линии, выделенные из гибридных комбинаций для объективной оценки, всесторонне изучаются и испытываются на конкурсном сортоучастке института (Л-14, Л-780, Л-973), в республиканском грунтоконтроле (Л-419, УзФА-705, «Нарпай», «Миришкор»). Наиболее скороспелый, урожайный и имеющий высокий показатель по технологическим свойствам сорт УзФА-703 размножается в производственных условиях. В 2009-2010 гг. этот сорт занял более 500 га посевной площади.

Таким образом, многократный отбор дал возможность гибридным комбинациям при переходе в линии накопить и стабилизировать основные хозяйственно-ценные признаки; отбор динамически изменил генерацию гибридных линий (к  $F_{20}$ ) до приобретения фенотипической однородности, соответствующей уровню популяции константного сорта. В изученных популяциях географически отдаленных гибридов на протяжении 20 поколений сохранялись генотипическая информация и преемственность развития, но при этом совершенствовались ценные признаки. Изученные гибридные популяции представляют определенный научный и практический интерес, так как позволили проследить динамику популяционных процессов, происходящих при многократном отборе, и целенаправленно создавать перспективные сорта хлопчатника.

На основе изученных поколений гибридных популяций рекомендуется еще шире использовать географически отдаленные гибридизации для выведения более перспективных и эффективных сортов хлопчатника.

## Список использованной литературы

1. алиходжаева С.С. Гетерозис при скрещивании эколого-географически отдаленных форм хлопчатника: Автореф. дис. ... канд. с./х. наук. Ташкент, 1975.
2. Арутюнова Л.Г. Метод отдаленной гибридизации в селекции хлопчатника // Материалы Объединенной научной сессии по хлопководству. Ташкент, 1958. Т. II.
3. Бабамуратов Х. Метод беккроссов при отдаленной и межвидовой гибридизации хлопчатника // Труды ВНИИ селекции и семеноводства хлопчатника. 1980. №18.
4. Бюбейкер Д.Я. Сельскохозяйственная генетика. М.: Колос, 1966.
5. Ибрагимов Ш.И. и др. Отдаленная гибридизация хлопчатника, излучение и рекомбиногенез. Ташкент: Фан, 1986.
6. Максименко И.Х. Отдаленная гибридизация растений. М.: Сельхозгиз, 1990.
7. Максудов З.Ю. Значение экологически отдаленной гибридизации хлопчатника // Генетические исследования хлопка. Ташкент: Фан, 1971.
8. Мирахмедов С. Внутривидовая отдаленная гибридизация хлопчатника *G. hirsutum* L. на вилтоустойчивость. Ташкент: Фан, 1974.
9. Садыков С.С. Развитие в Узбекистане селекционно-генетических исследований по хлопчатнику за 50 лет / Узбекский биологический журнал. 1971. №3.
10. Столетов В.Н. Некоторые методологические вопросы генетики // Актуальные вопросы современной генетики. М.: МГУ, 1966.
11. Купцов А.И. Элементы общей селекции растений. Новосибирск: Наука, 1971.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ *GFP* В КАЧЕСТВЕ СЕЛЕКТИВНОГО МАРКЕРА ПРИ ГЕНЕТИЧЕСКОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ХЛОПЧАТНИКА

М.Д. Якубов, З.Т. Бурнев, И.Ю. Абдурахманов  
ИГЭБР АН РУз, Ташкент

Уникальность хлопчатника определяется многогранностью спектра его применения в жизнедеятельности человека. Хлопчатник является источником естественного текстильного волокна, масла и кормового жмыха. Важно подчеркнуть, что производством хлопка-сырца занимаются более 80 стран мира, среди них Узбекистан – один из наиболее крупных поставщиков волокна на мировой рынок. К числу факторов, снижающих коммерческую эффективность производства хлопчатника, относятся снижение урожайности вследствие подверженности биотическим и абиотическим стресс-факторам, недостаточно высокое качество волокна. В настоящее время большинство программ, направленных на улучшение качества волокна и повышение урожайности хлопка – сырца базируется на методах генной инженерии. Именно коммерческая значимость хлопчатника обуславливает наличие, на данный момент, большого числа работ по получению генетически модифицированных форм [1]. Эффективность технологий получения генетически модифицированных форм растений определяется совокупностью методов генетической трансформации и регенерации трансформированного материала, получения фертильных растений с закрепленным требуемым признаком. Хотя для хлопчатника уже не только разработаны, но и даже внедрены в практику технологии получения трансгенных сортов, тем не менее, эти технологии нуждаются в доработке и в плане повышения их эффективности, и в плане адаптации и оптимизации по отношению к сортам узбекистанской селекции.

До настоящего времени в качестве селективных маркеров для генетической трансформации использовались гены, определяющие устойчивость к антибиотикам и гербицидам. Альтернативой системе селекции на основе химических реагентов являются маркеры, которые могут быть использованы для визуального отбора трансформантов. Преимущество индикаторного гена в том, что его мож-

Пахтачилик тарихига назар ташласак, ғўза навларида биологик ва механик ифлосланиш, доимий кечадиган ажралиш жараёни, касаллик ва зарарқунанда ҳашаротларга чидамлилиқ белгиларининг пасайиши ҳисобига ўзининг бирламчи генетик асослари камбағаллашиб қолиш ҳоллари кўп бора кузатилган. Шу сабабли ҳам, ушбу навлар районлаштириш рўйхатидан олиб ташланган. Натижада, уларнинг ўрнини тўлдириш мақсадида ҳар хил генетик асосга эга бўлган янги ғўза навлари билан доимий алмаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Жумладан, ярагилаётган ғўза навлари тезпишар ва ҳосилдор бўлса-да, уларнинг аксарияти кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бермаслиги, ўзининг бойитилмаган генетик асослари ва агроэкологик муҳитнинг ноқулай шароитларига мосланувчанлиги, яъни адаптацион потенциали етишмаслиги, касаллик ва зарарқунанда ҳашаротларга (сўрувчи ва кемирувчи) чидамлилиги пастлиги сабабли кенг майдонни эгаллай олмаяпти. Бироқ, охириги йилларда дунё амалиётидан маълумки, ўз-ўзидан чангланувчи ўсимликлар билан ишловчи бир қатор хориж олимлари мураккаб дурагайлаш усулларини кенг қўллаш асосида бой генетик потенциалга эга бўлган экин навларини яратиш мумкинлигини исботлаб бермоқдалар.

Олиб борган изланишларимиз ҳам юқоридаги масалаларни ечишга қаратилган бўлиб, унда селекциянинг мураккаб дурагайлаш

усулидан фойдаланиб, қимматли хўжалик белгилари билан бирга юқори сифатли толага эга бўлган бошлангич манбаларни олиш ва уларни барқарорлигини ошириш натижасида янги гўза навларини яратиш назарда тутилган.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида олинган мураккаб дурагайларда толанинг микронейр, солиштирма узилиш кучи, юқори, ўртача узунлик, узунлик бўйича бир хиллилик индекси каби сифат кўрсаткичлари ўрганилди (жадвал). Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, тола сифати жуда мураккаб белги ҳисобланиб, у қўп омиллар таъсирида ўзгарувчанлик хусусиятига ҳам эга.

Ҳозирги вақтда жаҳон пахта бозори томонидан толага қўйилган талаблар замонавий НVI асбобини кўрсаткичларига кўра IV-V-типли толанинг I-II навлари учун микронейр – 3,6-4,8, солиштирма узилиш кучи – 26-29 г.к./текс., тола узунлиги 1,05-1,17 дюймдан кам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда унинг нархи пасайиб кетади (А.Э.Эгамбердиев, А.И.Алиев, Х.Матиякубов, 1995).

Микронейр кўрсаткичи НVI асбобида маълум вазнли тола орқали ўтадиган ҳаво оқими босимининг пасайиши билан аниқланади. Бу кўрсаткич толанинг чизикли зичлиги билан ўзаро боғлиқ микрограммнинг дюймга нисбатини аниқлайди. Микроинер кўрсаткичи нафақат толанинг чизикли зичлигини, балки толанинг пишиб етилганлик даражасини ҳам белгилайди (Lewis, 1991).

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, барча дурагайлар толасининг микронейр кўрсаткичи андоза навнинг белги кўрсаткичидан устунлиги кузатилади. Тажрибанинг назорат навида толанинг майинлилик даражаси 4,6 га тенг бўлиб, мураккаб дурагайларнинг белги бўйича кўрсаткичлари 4,0 дан 4,7 гача бўлган ораликдан ўрин олди. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилган дурагайлар белги бўйича ўрта толали гўзанинг IV тип талаблари даражасида эканлигидан далолат беради.

Ўрганилган дурагайларда толанинг технологик кўрсаткичларидан бири солиштирма узилиш кучи бўйича энг юқори кўрсаткич  $37,0 \text{ г.к./текс}$  га тенг бўлиб, ушбу натижа  $C-2609 \times F_1[(F_1C-2609 \times \text{Омад}) \times (F_1C-2609 \times C-9070)] \times C-2609 \times F_1[(F_1\text{Омад} \times \text{Siocra}) \times (F_1\text{Наманган-77} \times \text{Sicala})]$  комбинациясида аниқланди. Қолган дурагай комбинацияларида белги кўрсаткичи  $30,9 \text{ г.к./текс}$  дан  $35,9 \text{ г.к./текс}$  гача бўлди. Андоза Наманган-77 навида ушбу кўрсаткич мос равишда  $29,8 \text{ г.к./текс}$  ни ташкил этди.

МУРАКҚИВ ДУРАГАЙЛАРДА ТОЛА СИФАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

№	Андоза нав ва $F_1$ дурагай комбинациялари	Микро-нейр (mic)	Солиштирма узилиш кучи, г/текс, (str)	Юкори ўртача узунлик, дюйм (len)	Ўзунлик бўйича бир хиллик индекси, % (unf)
1.	st. Наманган - 77	4,9	29,8	1,10	84,2
2.	C-9070 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)] x Omad x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala) x (F <sub>1</sub> Omad x Siocra)]	4,6	31,8	1,10	84,3
3.	C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x Omad) x (F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070)] x C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Omad x Siocra) x (F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala)]	4,2	37,0	1,16	84,7
4.	T-792 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)] x C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Omad x Siocra) x (F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala)]	4,3	33,1	1,18	82,5
5.	Omad x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala) x (F <sub>1</sub> Omad x Siocra)] x C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Omad x Siocra) x (F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala)]	4,0	35,9	1,20	85,7
6.	C-6530 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)] x 2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Omad x Siocra) x (F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala)]	4,1	33,3	1,16	83,4
7.	Omad x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala) x (F <sub>1</sub> Omad x Siocra)] x C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x Omad) x (F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070)]	4,3	31,1	1,14	84,5
8.	Omad x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Наманган - 77 x Sicala) x (F <sub>1</sub> Omad x Siocra)] x T-792 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)]	4,7	32,1	1,12	83,9
9.	C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x Omad) x (F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070)] x T-792 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)]	4,5	30,9	1,17	83,4
10.	Omad x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Omad x Siocra) x (F <sub>1</sub> Наманган-77 x Sicala)] x C-2609 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> Наманган 77 x Sicala) x (F <sub>1</sub> Omad x Siocra)]	4,1	32,8	1,12	84,8
11.	C-6530 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)] x T-792 x $F_1$ [(F <sub>1</sub> C-2609 x C-9070) x (F <sub>1</sub> C-2609 x Omad)]	4,4	32,3	1,12	82,2

Тола узунлиги тола типи ва баҳосини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлганлиги учун тажрибамизда уни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Изланишларимиз асосида олинган мураккаб дурагайларда тола узунлиги белгисининг шаклланишини таҳлил қилар эканмиз, натижаларнинг турлича бўлганлигини кузатамиз. Жумладан, дурагайларда белгининг кўрсаткичлари 1,10 дюймдан 1,20 дюймгача бўлиб, энг юқори кўрсаткич (1,20 дюйм) Омад х  $F_1[(F_1\text{Наманган-77 х Sicala}) х (F_1\text{Омад х Siocra})]$  х C-2609 х  $F_1[(F_1\text{Омад х Siocra}) х (F_1\text{Наманган-77 х Sicala})]$  комбинациясида қайд қилинди. Ушбу белги бўйича ҳам дурагайларнинг кўрсаткичлари андоза нав натижасидан (1,10 дюйм) устун эканлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган барча мураккаб дурагайлар толанинг технологик кўрсаткичлари андоза Наманган – 77 навидан устунликни намоён этди ҳамда толасининг сифати бўйича ўрта толали ғўзанинг IV тип талабларига тўлиқ жавоб беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Э г а м б е р д и е в А. Э, А л и е в А. И., Матиякубов Х. Ғўзанинг юқори тола сифатига эга тизмалари // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалар тўплами. Тошкент, 1995. -16 бет.
2. L e w i s C.F. Cotton Win and Dil Mill Press //Argon. Jom. 1991. №92. p.12-13.

УДК 633.511:575.127.2:631.527

### ҒЎЗАНИНГ ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ТИЗМАЛАРИ ТОЛАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИДАГИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Х.Матиякубов, А.Сидиқов, М.Мираҳмедов  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Маълумки, ғўза селекциясида кенг адаптацион имкониятларга, тезпишар, серҳосил, ташқи муҳитнинг кескин ўзгарувчан омилларига, касаллик ва зараркундаларга чидамли, сертола, энг муҳими, тола сифати юқори даражада бўлган, яъни ирсий таркиби бўйича

популяция биотипларнинг қонуният асосида ташкил топган мажмуаси даражасигача такомиллашган янги навларни яратиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, жаҳон пахта бозорида толанинг нархини белгилашда унинг технологик кўрсаткичлари асосий омил ҳисобланиб, бу толанинг микронейр кўрсаткичи, тола пишиқлиги, майинлиги, толанинг узунлиги ва нисбий узилиш узунлиги каби хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Шу сабабли, селекционер олимлар олдига нафақат ҳар хил тупроқ-иклим шароитларида тезпишар, ҳосилдор, юқори тола чиқимиға эға, балки, толасининг сифати халқаро жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш вазифаси долзарб ҳисобланади. Чунки, ҳозирда экилаётган асосий ғўза навлари ноқулай иқлим шароитларида ўзининг ҳосилдорлиги ва толасининг сифатини пасайтириб юбораётгани эътироф этилмоқда.

Тадқиқотларимизда ўрганилган тизмаларнинг толаси сифатини НVI замонавий автоматлаштирилган ўлчов системасида текшириб кўриш натижасида олинган маълумотлар жадвалда келтирилган бўлиб, текширувлар республика “Сифат” марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилди.

Шу ўринда, тола сифати бўйича НVI замонавий автоматлаштирилган ўлчов системасидан олинган кўрсаткичлар Халқаро стандарт талабларининг қайси мезонига тўғри келиши ҳақида изоҳ бериш зарурияти туғилади. Бу ўлчов системасида тола майинлиги микронейрларда ўлчаниб, бу кўрсаткич ўрта толали ғўзанинг IV-V тип навлари учун қоида бўйича 3,6 дан 4,9 гача оралиқда бўлади.

Тола майинлик даражаси бўйича тахминий бўлинмалар куйидагича:

Микронейр	Мезон
3,6 дан кам	жуда ингичка
3,0 дан 3,9 гача	ингичка
4,0 дан 4,9 гача	ўрта
5,0 дан 5,9 гача	дағал
6,0 ва ундан кўп	жуда дағал

Пахта толасининг умумий характеристикаси учун узунлик даражаси бўйича пахтанинг тахминий бўлинмаси ишлатилади (маълумотлар НVI типи системасидаги юқориги ярим ўрта узунлик учун):

Мезон	Узунлик, дюйм	Узунлик, мм	Узунлик интервалнинг коди
киска	0,99 дан кам	25,15 дан кам	31 ва ундан паст
ўрта	0,99-1,10	25,15-27,94	32-35
узун	1,11-1,26	27,94-32,00	36-40
экстраузун	1,26 дан кўп	32,00 дан кўп	41 ва ундан юқори

М.Ф.Абзалов (1991) нинг илмий маълумотларида, *G.hirsutum L.* турида толанинг шаклланиши мураккаб белги бўлиб, бу белги генларнинг ўзаро таъсири назоратида ўтиши келтирилади.

Wang Ruohai (1991) нинг маълумотларида таъкидланишича, Хитой Халқ Республикаси селекционерлари, ғўзанинг янги навларини яратишда, унинг тола сифатига алоҳида эътибор қаратадилар.

Жадвалда толанинг технологик кўрсаткичларидан бири, яъни микронейри ҳам берилган. Ушбу кўрсаткич бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда, деярли кўпчилик тизмаларнинг тола сифати халқаро андоза талабларига жавоб беришини гувоҳи бўламиз.

Ўрганилган барча тизмаларнинг микронейр кўрсаткичи андоза наздан устун бўлди. Аксарият тизмалар толасининг микронейр кўрсаткичлари 4,0 дан 4,8 гача бўлиб, белги бўйича асосан ўрта толали ғўзанинг IV тип талабларига тўлиқ жавоб беради. Фақатгина Т-222, Т-259, Т-724, Т-221 ва Т-311 тизмаларининг микронейр кўрсаткичи андоза наводаражасида ва ундан паст бўлиб, кўрсаткич 4,8 ҳамда 5,3 ни ташкил этди. Толанинг майинлилик даражаси тажрибанинг назорат навида 4,8 га тенг бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар манбаси бўлган тизмаларнинг тола узунлиги аниқланганда, Т-222, Т-259, Т-446, Т-1099, Т-664 тизмалари 1,12 дан 1,14 гача дюймни кўрсатиб, мезоннинг “узун” бўлинмасига мос келиши кузатилди. Андоза навода бу белги кўрсаткичи 1,07 дюйм бўлиб, мезоннинг “ўрта” бўлинмасига мос бўлди. Жумладан, Т-221, Т-724, Т-101, Т-311 ва Т-473 тизмалари толасининг узунлик даражаси мезоннинг “ўрта” бўлинмасига тўғри келди.

Тизмаларнинг тола сифати бўйича *IVI* замонавий автомаглаштирилган ўлчов системасида олинган кўрсаткичлари

№	Тизмалар	Келиб чиқиши	Микронейр		Тола узунлиги	
			кўрсаткич	мезон	узунлик кўрсаткичи (дюйм)	мезон
1.	T-221	T-77 x T-10	5.3	дагал	1.08	ўрға
2.	T-222	T-77 x T-10	4.8	ўрға	1.12	узун
3.	T-724	T-77 x T-10	5.0	дагал	1.08	ўрға
4.	T-259	C-4880 x F <sub>4</sub> C-5619 x(F <sub>1</sub> C-5619	4.8	ўрға	1.14	узун
5.	T-267	x yucatanense)	4.5	ўрға	1.13	узун
6.	T-446	T-77 x (Acala-5 x yucatanense)	4.0	ўрға	1.12	узун
7.	T-101	C-9070 x T-77	4.5	ўрға	1.07	ўрға
8.	T-102	C-9070 x T-77	4.5	ўрға	1.02	ўрға
9.	T-1099	C-9070 x T-77	4.4	ўрға	1.12	узун
10.	T-664	T-77 x C-9070	4.7	ўрға	1.13	узун
11.	T-311	T-77 x ssp.purpurascens	5.3	дагал	1.09	ўрға
12.	T-473	Hirs.peruvianum x C-9070	4.4	ўрға	1.08	ўрға
13.	Андоза нав	C-4727	4.8	ўрға	1.07	ўрға

Олиб борилган тадқиқотлар давомида олинган натижалар таҳлили юзасидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин, ўрганилган тизмаларнинг аксарияти толанинг технологик кўрсаткичлари бўйича андоза навга нисбатан юқори натижага эга бўлиб, ушбу тизмаларда бошқа қимматли хўжалик белгиларини мужассамлаштириш юзасидан танловларни давом эттириш истиқболли гўза навларини яратишда юқори самара беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А б з а л о в М.Ф. Генетика и феногенетика важнейших признаков хлопчатника *G.hirsutum* L: Дис... докт. биол. наук в форме научного доклада. М., 1991. - 84 с.
2. W a n g R u o h a i. Advances in cotton science and technology in China.- Proc.of international cotton symposium. China.-1991.-p.15-23.

УДК 633.511:631.523:633.51.575.23.581.167.

### ГЎЗАНИНГ *G. BARBADENSE* L. ТУРИГА МАНСУБ НАВЛАР, F<sub>1,3</sub> ДУРАГАЙ ЎСИМЛИКЛАРИДА КЛЕЙСТОГАМ ВА ХАЗМОГАМ ГУЛЛАР СОНИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ


С. А. Усманов, К. О. Хударганов  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Гўзанинг янги навларини яратишда уларнинг генетик асосига алоҳида аҳамият берилади. Қимматли хўжалик белгиларни янги навларга ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади ва бу йўналиш жуда долзарб ҳисобланади. Гўзада клейстогам типига мансуб гуллар сонини 95-100 фоизга ошириш учун катта изланишларни ўтказиш лозим. Айниқса, клейстогам ва хазмогам типига гулларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги кам ўрганилган. Шунинг учун биз гўза навлари ва F<sub>1,3</sub> дурагай ўсимликларида клейстогам ҳамда хазмогам типдаги гуллар сонининг ўзгарувчанлигини қиёсий равишда ўрганишни мақсад қилиб олдик.

*Тадқиқот манбаси ва услуби.* Изланишларимизда гўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб клейстогам хилдаги гулларга эга бўлган Т-741, Т-750, Т-758, Т-799, Т-806 тизмалари ва Сурхон-16,

Сурхон-101 навлари ўзаро тўғри ва реципрок усулида чатиштирилди ва  $F_{1,3}$  дурагайларидан олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1979) услубида статистик ишловдан ўтказилди.

*Тадқиқот натижалари.* Ўтказилган тажрибада биз 20 та тўғри ва реципрок усулида чатиштирилган  $F_{1,3}$  дурагай комбинацияларини ўргандик. Ўрганилган  $F_{1,3}$  дурагай комбинацияларни 4 гуруҳга, яъни клейстогам тизмалар Сурхон-16 ва клейстогам тизмалар Сурхон-101 навлари билан тўғри ва реципрок шаклларига ажратиб олдик. Расмда 4 гуруҳга бўлинган  $F_{1,3}$  дурагайларда, Сурхон-16 ва Сурхон-101 навларида битта ўсимликдаги клейстогам гулларнинг фоизи бўйича ўсимликларни сони келтирилган. Гистограммада келтирилган маълумотларга кўра, клейстогам гулларни умумий сонини тақсимланиши чатиштирилган дурагай комбинациялар ва дурагайлар бўғинига боғланган ҳолда 1-100% оралиғида бўлганлиги кузатилади.



Битта ўсимликдаги клейстогам гулларнинг фоизи бўйича ўсимликлар сони. Это подрис. кг меньше будеть.

Клейстогам гулларни умумий сони бўйича ўсимликларни тақсимланиши чаптирилган дурагай комбинацияларга боғланмаган ҳолда бўлиб, дурагайлар бўғинига боғланиши сезиларли бўлди. Келтирилган гистограммадан шуни кўриш мумкинки, биринчи бўғин дурагайларида умумий сонидан 7,7-12,2%, иккинчи бўғин дурагайларида 3,8-6,9%, учинчи бўғин дурагайларида 0,2-0,6% ўсимликларида клейстогам гулларни сони 1-20% ни ташкил этди. Ўрганилган навларда бу кўрсаткич 4,4-7,4% ни ташкил этди. Клейстогам гулларни сони 21-40% бўлган ораликда биринчи бўғин дурагайлар ўсимликларида умумий сонидан 12,1-24,5%, иккинчи бўғин дурагайларида 5,9-12,1%, учинчи бўғин дурагайларида 1,3-2,96% бўлиши аниқланди. Ўрганилган навларда бу кўрсаткич 22,2-23,5% ни ташкил этди. Клейстогам гулларни сони 41-60% бўлган синфида юқорида айтиб ўтилган ҳолатни кўриш мумкин (расм). Клейстогам гулларни сони 61-80% бўлган синфидаги ўсимликларни тақсимланишига дурагай бўғинини таъсири аниқланмади. Клейстогам гулларни сони 61-80% бўлган синфида биринчи бўғин дурагайлар ўсимликларида умумий сонидан 20-36,5%, иккинчи бўғин дурагайларида 22,6-23,8%, учинчи бўғин дурагайларида 21,1-27,5% бўлиши аниқланди. Клейстогам гулларни сони 81-100% бўлган синфида ўсимликларни дурагай бўғинларнинг орасида сезиларли фарқ кузатилди. Бу синфдаги ўсимликларда дурагай бўғинлари кўтарилиши билан клейстогам гулларни сони 81-100% бўлган ўсимликларни сони ошганлиги намоён бўлди. Бундай кўрсаткичларга эга бўлган ўсимликлар биринчи бўғин дурагай ўсимликларида умумий сонидан 10,2-27,6%, иккинчи бўғин дурагайларида 39,5-56,1%, учинчи бўғин дурагайларида 61,2-69,6% бўлиши аниқланди. Ўрганилган Сурхон-16 ва Сурхон-101 навларида ўсимликларни асосий қисми клейстогам гулларни сони 41-60% бўлган синфда жойлашган бўлиб умумий сонига нисбатан 29,4-41,8% ни ташкил этди. Олинган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкин:

1. Клейстогам гулларни сони 1-20%; 21-40%; 41-60% бўлган синфларида ўсимликларни тақсимланишига дурагай бўғинлари таъсири борлиги, чаптириш комбинациясининг эса таъсири бўлмаганлиги кузатилди.

2. Клейстогам гулларни сони 61-80% бўлган синфидаги ўсимликларни тақсимланишида дурагай бўғинини таъсири аниқланмади.

3. Клейстогам гулларни сони 81-100% бўлган синфида ўсимликларни дурагай бўғинларининг орасида сезиларли даражада фарқ кузатилиб, дурагай бўғинлари кўтарилиши билан клейстогам гулларни сони 81-100% бўлган ўсимликларни сони ошганлиги намоён бўлди.

#### Фойдаланилган адабиёт

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Колос, 1979. - 416с.

УДК 633.511.631.527

### ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ НАВ ВА ТИЗМАЛАРДА ТОЛА ТЕХНОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

М.Миржўраев, С.Т.Жўраев, Т.Хайдарова  
ЎзФСУИТИ, Тошкент

Пахтачилик мамлакатимиз халқ хўжалигининг саноат тармоқлари мажмуини риважлантириш учун қимматбаҳо хом ашё манбаи бўлиб хизмат қилади. Пахтачилик умумдавлат балансида галла, ёқилғи ва металллар қаторида туради.

Пахта маҳсулотларининг мана шундай кенг мақсадларда қўлланиши туфайли мамлакатимиз халқ хўжалигида пахтачилик кишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланган. Шунинг учун республикаимизда тайёрланаётган пахта толасига жаҳонда талаб ортиб бораётганлиги, мамлакатимизда янада кўпроқ пахта толаси етиштиришга заруриятни юзага келтирмоқда. Бунинг учун янги яратилган навни тола чиқими 1-2% устун, технологик хусусиятлари юқори, ҳозирги туманлашган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 5-10% га ортик, турли иқлим шароитларига мосланувчан, яъни касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини яратиш тақозо этилади. Турлараро дурагайлаш услубларини селекцияда қўллаш жуда кўп қимматли хўжалик ва сифат белгиларини битта дурагайда мужассамлаш ва уни генетик потен-

циаллигини ошириш имкониятини беради. Жумладан, толани майинлиги, узунлиги ва пишиқлиги ошади, ушбу белгиларни ошиши ҳисобига тўқимачилик саноатида олинадиган маҳсулот сифати яхшиланади. Масалан, калта толали ғўза навидан 30-31 мм ли толалдан ишлаб чиқаришда дағал хусусиятга эга бўлган маҳсулот олинса (пахмоқ духоба матоси), ўрта толали 31-32 мм ли ғўза навидан халқ хўжалигида кенг ишлатиладиган батист, сатин тўқилади ва узун толали IV типга мансуб 33.0-34.0 мм ли узунликка эга бўлган ғўза навларидан тўқимачилик саноатидан қимматбаҳо марказет багист, крепдишин каби маҳсулотлар олиниши мумкин.

Бизнинг тажрибада келтирилган рақамлардан шуни аниқ кўриш мумкинки, янги нав ва тизмалардан толани технологик аломатлари, шахсан микронейри талаб даражасида бўлиб, 4,4-4,5 кўрсаткичга эга. Бунда тола пишиқлиги С-2510 навида андоза С-6524 нави билан солиштирганда 0,1 микронейрга ингичка бўлиб шаклланган. Тажрибада қатнашаётган Л-34 тизмани толаси ҳам 4,4 микронейр кўрсаткичга эга, қолган тизмаларда бу кўрсаткич С-2520-0,1 дағал бўлган бўлса, Л-8 тизмада бу кўрсаткич 0,2 микронейрга тенгдир. Умуман, янги нав ва тизмаларда тола пишиқлиги С-6524 нави кўрсаткичи атрофида шаклланган. Тола пишиқлиги Наманган-77 нави билан солиштирганда янги нав ва тизмаларда толаси анча нафис бўлиб етилганини кўрамиз, бунда бу фарқ андоза навига нисбатан ўртача 0,2-0,4 микронейрга тенгдир. Толадаги бу пишиқлик (майинлик) қай даражада метрик номери билан боғланган. Жадвалда келтирилган маълумотдан шуни аниқ кўриш мумкин.

#### Нав ва тизмаларда тола технологик белгиларининг шаклланиши

№	Нав ва тизма	Тола пишиқлиги, г	Фарқи		Толани метрик номери Nm	Фарқи		Толани узунлиги г/куч	Фарқи	
			С-6524	Нам-77		С-6524	Нам-77		С-6524	Нам-77
1.	С-6524 St	4,5			6100			27,4		
2.	С-2510	4,4	-0,1	-0,4	6300	+200	+1000	27,7	+0,3	+2,3
3.	С-2520	4,5	±0	-0,3	6200	+100	+900	27,9	+0,5	+2,5
4.	Л-8	4,6	+0,1	-0,2	6050	-50	+750	27,8	+0,4	2,4
5.	Л-34	4,4	-0,1	-0,4	6400	+300	+1100	28,2	+0,8	+2,8
6.	Нам-77St	4,8			5300			25,4		

Янги навларда толани метрик номери ўртача 100 номердан 300 номергача юкоридир (бунда Л-8 тизма номери 50 паст бўлиб шаклланган). Бу кўрсаткич янги навларда тола сифати нақадар сифатли эканлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткични Наманган-77 нави билан солиштирганда 750 номердан 1100 номергача юкори бўлиши юкорида келтирган фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Ўрганилаётган тизмаларни тола микронейри 4,4-4,5 бўлиши, метрик номери 6050-6400 кўрсаткичга эга бўлишида, маълум даражада ота-она жуфтгани ижобий белгилари борлиги кўринади. Чунки дурагай форма олишда С-6030 навини қатнашиши бўлажак дурагайга тола узунлиги, майинлиги ва юкори метрик номери кўрсаткичларини тўлиқ ўтиш аломати, деб биламиз.

Пахта толасини технологик кўрсаткичини IV тип талабига жавоб беришида толани узулиш узинлигини ҳам ўз ўрни бор (бу кўрсаткич яъни классификацияда солиштирама узилиш кучи г/текс деб берилган). Бунда олинган маълумотдан шуни кўриш мумкин, янги нав ва тизмаларда толани узилиш узунлиги турли хил кўринишга эга эканлигини кўрамиз. Масалан, андоза С-6524 навини тола узилиш узунлиги 27,4 гс/текс тенг бўлса, С-2510 да бу кўрсаткич 27,7 гс/текс тенг бўлиб, андоза С-6524 навидан 0,3 гс/текс га узун бўлиб шаклланган. С-2520 навида бу кўрсаткич 27,9 гс/кучга баравар бўлиб, андоза С-6524 навидан 0,5 гс/кучга узун экан. Ўрганилаётган тизмалар ичида бу кўрсаткич бўйича энг юкори узилиш кучига тенг бўлган тизма Л-34 тизмасидир, буни фарқи 0,8 гс/куч бўлиб шаклланган. Ушбу тизма ва навни Наманган-77 нави билан солиштирганда фарқи сезиларли янги нав ва тизмалар фойдасига хал бўлгани, яъни бунда ўртача фарқ 2,3-2,8 гс/кучга юкоридир.

Олинган натижалар асосида қуйидагача хулоса қилиш мумкин: ажратиб олинган нав ва тизмаларда тола узунлиги 34.0-35.0 мм ва ундан ҳам узун, тола микронейри 4.3-4.4 ва толаси узилиш узунлиги 27.7-29.0 г/кучга тенг тизмалар олинди. Булар ичида комплекс белгилари билан С-2510 нави ажралиб туради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Е р е м и н к а К.И., Б о р у х с о н Б.В. Текстильные волокна, их получение и свойства. М., 1971.

2. Рахмонқулов С., Ибрагимов Ш., Миржўраев М., Рахмонқулов М., Номозов Ш., Хожамбергенов Н., Автономов В., Оллоёров Х. Ғўзанинг янги Истиклол-13 навини морфологик-хўжалик кўрсаткичлари ва агротехникаси. «Тупрок унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари» халқаро илмий-амалий конф. мақолалар тўплами. Тошкент, 2007.

3. Эгамбердиев А.Э. ва бошқ. Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва янги навлар агротехникаси. Тошкент, 1992.

УДК 633:635:631,52

## ВЗАИМОСВЯЗЬ ПРИЗНАКА ЕСТЕСТВЕННОЙ РАННЕЙ ЛИСТОПАДНОСТИ С ОСНОВНЫМИ МОРФОХОЗЯЙСТВЕННЫМИ ПРИЗНАКАМИ У ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА F<sub>2</sub>

Г.Э. Оразбайева

УзНИИССХ, Ташкентская область, Кибрайский район

Как известно, корреляции обусловлены плейотропным эффектом генов или их сцеплением. У хлопчатника большинство хозяйственно-ценных признаков отрицательно сопряжены, что значительно затрудняет процесс селекции комплектных сортов. Поэтому широкое изучение коррелятивных взаимосвязей признаков вполне оправданное явление. Большинство исследователей имеют дело с фенотипическими корреляциями, которые иногда существенно отличаются от генетических. Генетические корреляции изучены слабее. Ниже приводим краткий обзор работ по корреляции признаков.

Изучению корреляционных связей между хозяйственно-ценными и морфологическими признаками хлопчатника посвящены работы многих ученых.

Более детально фенотипическую корреляцию линий и сорос хлопчатника вида *G. hirsutum* L. с ранней естественной листопадностью изучила Т.А. Бархатова (1990). Автор установила, что у родительских форм значения коэффициента корреляции между числом листьев на растении и степенью их опадения отрицательные,

от низких до средних, а в  $F_2$  варьирует от близкого к нулю положительного до среднего отрицательного.

С.С. Садыков, Р.Р. Рахимбаев, И.В. Любецкая (1981) отмечают, что хозяйственно ценные признаки хлопчатника (скороспелость, продуктивность, выход и длина волокна, крупность коробочки и др.) не сопряжены с листопадностью.

Я.А. Бабаев (1998) отмечает, что в процессе селекции большую роль играют корреляционные взаимосвязи между отдельными признаками. В этой связи в пределах каждой гибридной комбинации он определял взаимосвязь естественно-ранней листопадности со скороспелостью, с высотой растений, количеством коробочек, выходом волокна, массой сырца одной коробочки и длиной волокна.

В наших исследованиях были изучены корреляционные связи листопадности с высотой растений, скороспелостью, количеством коробочек, размером коробочек, продуктивностью, выходом и длиной волокна.

У изученных гибридных комбинаций корреляционные связи между листопадностью и высотой растения слабые положительные и слабые отрицательные. Так как у гибридных комбинаций С-8288 x Л-175/245 ( $r=0.12$ ), С-8288 x Л-5 ( $r=0.19$ ) и Л-155 x Л-5 ( $r=0.11$ ) наблюдаются слабые и средние положительные корреляционные связи, а у гибридных комбинаций Л-303 x Л-175/245 ( $r=-0.04$ ) – очень слабые и средние отрицательные корреляции.

Коэффициенты корреляции между листопадностью и скороспелостью у гибридов  $F_2$  варьируют от слабых несущественных положительных до средних положительных ( $r=0.08$ ;  $r=0.2$ ), в гибридной комбинации Л-155 x Л-175/245 наблюдаются средние отрицательные корреляции. Полученные данные показывают, что у изученных гибридов корреляционные связи между естественной ранней листопадностью и скороспелостью в основном имели слабые несущественные и средние несущественные корреляции. Эти данные показывают, что в каждой гибридной комбинации путем отбора можно выделить ценные рекомбинанты, сочетающие естественную раннюю листопадность.

Анализ коэффициентов корреляции между листопадностью и количеством коробочек на одно растение показывает, что у большинства изучаемых гибридных комбинаций наблюдались слабые

отрицательные несущественные и средние отрицательные корреляционные связи, где они равняются  $r=-0.02$  и  $r=-0.18$ . Следует отметить, что между листопадностью и количеством коробочек не наблюдается прямая закономерная взаимосвязь.

Признаки листопадности и крупности коробочки также не имеют существенной закономерной взаимосвязи, наблюдаются слабые несущественные отрицательные и положительные, а также средние несущественные отрицательные и положительные корреляции.

Полученные результаты показывают, что листопадность не имеет закономерных корреляционных связей с высотой растения, скороспелостью, количеством коробочки и размерами коробочек, что очень важно для создания листопадных, скороспелых, крупнокоробочных сортов хлопчатника с различной высотой растения.

Корреляционные взаимосвязи между признаками листопадности и продуктивности, выходом и длиной волокна не имеют конкретных закономерностей.

Между листопадностью и продуктивностью наблюдаются слабые отрицательные несущественные и слабые положительные несущественные взаимосвязи, которые равняются от  $r=-0.07$  до  $r=0.09$  и  $r=0.06$  до  $r=0.09$ .

Между выходом волокна и листопадностью наблюдаются слабые отрицательные несущественные ( $r=-0.01$ ) и слабые положительные несущественные ( $r=0.10$ ) корреляции.

Между длиной волокна также наблюдаются очень слабые и слабые отрицательные несущественные, а также слабые положительные несущественные корреляционные связи, которые дают возможность создать листопадные и малооблиственные высокопродуктивные, высоковыходные и длинноволокнистые сорта хлопчатника.

Таким образом, полученные результаты показывают, что листопадность не имеет закономерных корреляционных связей с высотой растений, скороспелостью, количеством и крупностью коробочек, что очень важно для создания листопадных, скороспелых, крупнокоробочных сортов хлопчатника с различной высотой растения. Эти данные показывают, что можно путем отбора выделить ценные рекомбинанты, характеризующиеся естественной ранней листопадностью.

## Список использованной литературы

1. Бархатова Т.А. Наследование ранней листопадности у хлопчатника в различных генотипических средах: Автореф. дис. ... канд.биол.наук. Ташкент, 1990. С.20.
2. Садыков С.С., Рахимбаев Р.Р. Закономерности наследования и изменчивости признака естественно ранней листопадности хлопчатника // Тез.докл.4-го съезда УзОГИС. Ташкент, 1981. С. 23-24.
3. Бабаев Я.А. Изучение признака естественно ранней листопадности в селекции хлопчатника и создание семей с комплексом хозяйственно-ценных признаков: Автореф. дис. ... канд. с/х. наук. Ташкент, 1998. С. 19.

УДК 633.511.631.523.631.52

## ТУР ИЧИДА ДУРАГАЙЛАШДА ТОЛА БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

С.Т.Жўраев, М.Миржўраев, Т.Хайдарова  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Пахтачиликнинг ривожланиши ўз хусусиятлари билан мавжуд навлардан устун турадиган янгидан-янги навлар яратилишини талаб қилади. Бунинг учун ҳозирги кунда турли хил селекция услубларидан фойдаланилади. Маълумки, селекция ютуқлари чатиштириш услубларига ва бу услубларнинг қанчалик генетик ўзгарувчанликка олиб келиши билан боғлиқ. Селекционерларнинг қайси хил дурагайлаш услубини танлаши, ота-она жуфтларининг қимматли хўжалик белгиларини яратилган дурагайда нечоғли ирсийланишига қараб аниқланади. Тола ғўзанинг асосий маҳсулотни бўлганлиги учун, ҳар бир ғўза навнинг тола миқдорини белгилайди. Илмий адабиётларда келтирилишича, туричи дурагайлашда тола чиқимининг полиген тарзда ирсийланиши ва генларнинг мураккаб ўзаро таъсири асосида юзага келиши ҳамда икки гуруҳ генлар ёрдамида бошқарилиши кузатилган (Мусаев, Абзалов, 1972).

Республикамизда тайёрланаётган пахта толасига жаҳонда талаб ортиб бораётганлиги, мамлакатимизда янада кўпроқ пахта толаси етиштиришга заруриятни юзага келтирмоқда. Бунинг учун янги яратилган навни тола чиқими 1-2 фоиз устун, технологик хусусият-

лари юқори, ҳозирги туманлашган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 5-10% га ортиқ, турли иқлим шароитларига мосланувчан, яъни касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини яратиш тақозо этади.

Ғўза навлари селекциясида тола чиқими ва тола узунлиги белгиси асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Шунинг учун, чатиштиришларда иштирок этган дурагайларда ушбу белгиларнинг кластер ичи ва кластерлараро олинган дурагайларда шаклланиши ва ўзгарувчанлиги таққослаб ўрганилди.

Кластер ичида олинган  $F_2$  авлод дурагайларида тола чиқими белгиси бўйича энг юқори кўрсаткич  $F_2$  Омад х С-6524 дурагайида аниқланди. Ушбу дурагай ўсимликлари вариацион қаторнинг ўнг томонларида, яъни 38,0-45,0 фоизли синфларида жойлашганлиги унинг ўртгача кўрсаткичига ҳам таъсир этиб, 38,4 фоиз бўлишини таъминлади. Бу кўрсаткич ота-она шаклларга нисбатан 3-5 фоиз юқори натижадир. Энг паст кўрсаткич эса  $F_2$  С-6524 х Бухоро х Омад дурагайида кўринди (35,27%) ва ота-она шаклларига тенг ёки ота-она шакллардан 1-1,3 фоизгача паст бўлган натижани кўрсатди.

Кластерлараро олинган  $F_2$  дурагайларнинг барчасида ўсимликлар вариацион қаторнинг ўрта - 34,0-36,9% ли синфларда жойлашди. Тола чиқими бўйича энг юқори кўрсаткич эса  $F_2$  Оққўрғон-2 х Наманган-77хТурон дурагай комбинациясида (37,28%), дурагайлар орасида энг паст кўрсаткич  $F_2$  Наманган-77хС-2609 дурагайида (35,01%) аниқланди.

Кластерлараро ва кластер ичида  $F_2$  дурагайларни тола чиқимининг ошиши бўйича таққослаганимизда кластер ичида  $F_2$  дурагайларнинг кўрсаткичи бирмунча баланд, яъни 0,16 фоиздан 1,11 фоизгача юқори кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди.

Изланишларимизда дурагайларнинг тола сифати кўрсаткичи асосий параметрларидан ҳисобланган тола узунлиги белгиси ҳам таққослаб ўрганилди. Ушбу белги бўйича кластер ичида  $F_2$  дурагайлар 33,54 мм ( $F_2$  С-6524 х Бухоро-6 х С-8288) дан 36,04 мм ( $F_2$  С-8284 х С-6524 х Омад) гача бўлган тола узунлиги қайд этилди. Кластераро  $F_2$  дурагайларда эса энг паст кўрсаткич  $F_2$  Наманган-77 х С-2609 х Турон дурагайида, яъни 33,8 мм ли натижани, энг юқори кўрсаткич эса  $F_2$  С-2609 х Наманган-77 дурагайида 35,67 мм ли натижа қайд этилди.

Олинган натижалар таҳлили юзасидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- Кластер ичи ҳамда кластерлараро  $F_2$  дурагайларида вариацион қаторнинг 33,0-35,9 гача бўлган синфларида жойлашганлиги аниқланди.

- Олинган натижаларга кўра кластер ичи  $F_2$  дурагайлари кластерлараро  $F_2$  дурагайлاردан ушбу белги бўйича 0,26мм дан 0,37мм гача узун толага эга бўлиб, устунлигини кўрсатди.

Демак, тола чиқимини ва тола узунлиги белгисини оширишда кластер ичи дурагайларида фойдаланиш самаралироқ экан.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абидов Р. Полиморфизм белков и их генетическая обусловленность у различных по происхождению форм и гибридов хлопчатника: Автореф. дис... докт.биол.наук. Ташкент, 2001.

2. Ахмедов Д.Х. Гетерозис растений // Вестник аграрной науки Узбекистана. Ташкент, 2006. №4.

3. Иксанов М.И. Ғўза селекцияси услубларининг самарадорлиги // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2000. № 27.

УДК: 633.511: 575.127.2: 631

## НАСЛЕДОВАНИЕ ВИЛТОУСТОЙЧИВОСТИ У ГИБРИДОВ, ПОЛУЧЕННЫХ С УЧАСТИЕМ ИНТРОГРЕССИВНЫХ ФОРМ

С.А. Эгамбердиева  
УзНИИССХ, Ташкент

Приоритетной задачей современной селекции являются создание и широкое использование в производстве комплексно-ценных и комплексно-устойчивых сортов. На мировом хлопковом рынке особые требования предъявляются к белизне, длине, показателям микро-нейра и удельной разрывной нагрузке волокна. Факторами, лимитирующими урожайность и другие хозяйственно-полезные признаки средневолокнистого хлопчатника, являются вертициллезный вилт,

насекомые-вредители и стрессовые условия, выходящие за рамки приспособительных возможностей растений. Естественная популяция вертициллезного вилта существует как динамичная система. Количественный и качественный состав гриба постоянно изменяется в зависимости от почвенно-климатических условий. Динамичное селективное накопление более агрессивных рас возбудителя вилта хлопчатника под возделываемыми сортами приводит к преодолению генетического барьера устойчивости растений. Примером тому являются ранее районированные и снятые с производства известные сорта 108-Ф, Ташкент-1, которые в свое время занимали по 1.5 млн га площади и были сняты с производства из-за сильного поражения новыми агрессивными расами гриба *V.dahliae* Kleb. Сравнительно недавно районированные вилтоустойчивые сорта-лидеры – С-6524, Наманган-77, Бухара-6 также начинали поражаться вилтом на больших площадях. Поэтому одной из главных проблем в селекции хлопчатника продолжает оставаться создание вилтоустойчивых, высокоурожайных сортов с повышенным выходом качественного волокна.

В последние годы возрастает урон, наносимый вредителями на урожаю хлопка-сырца, качеству семян, а также выхоу и качество волокна. Классическая селекция, основанная на использовании межсортных скрещиваний, не вносит радикальных изменений в улучшение хозяйственно-ценных признаков хлопчатника. В связи с этим возникает необходимость поиска новых геноисточников изменчивости признаков и способов создания синтетических доноров устойчивости, что приведет к улучшению генетической основы культивируемых сортов средневолокнистого хлопчатника. Современные требования к вновь выводимым сортам хлопчатника в Узбекистане заключаются в том, чтобы они включали в себя комплекс полезных признаков и свойств: устойчивость к болезням и вредителям, стрессовым факторам, скороспелость, высокая продуктивность. Они должны обладать также высокими адаптивными свойствами, главное- давать высокий выход и урожай волокна с длиной не менее 34-35 мм.

Многие возделываемые сорта хлопчатника из-за узкой генетической основы и, как следствие, недостаточного адаптивного потенциала не отличаются широкой экологической пластичностью и занимают небольшие площади. Они дают невысокий выход волок-

на - 34-36%. В то время как в большинстве хлопкосеющих стран мира предпочтение отдают сортам с выходом волокна 39-40% и получают 1.3-1.7 т/га волокна [1].

Огромным источником улучшения генетической основы возделываемых сортов хлопчатника является генофонд диких диплоидных видов, рудеральных форм, а также синтетические интрогрессивные формы генетически отдаленного происхождения, обладающие донорскими свойствами устойчивости к вертициллезу, качественным волокном и другими признаками.

Род хлопчатника *Gossypium L.* включает большое количество видов (около 50), по разным данным - около 45 диплоидных и 4-5 полиплоидных видов, которые отличаются разнообразием морфологических, биологических и селекционно-полезных признаков [2-5]. Из них широко возделываются лишь 2 полиплоидных и 2 диплоидных вида. Это свидетельствует о больших неиспользованных резервах отдаленной гибридизации. Необходимость широкого использования генов устойчивости диких видов и рудеральных форм в селекции хлопчатника, многие из которых характеризуются высокой толерантностью к возбудителям вертициллезного вилта, сосущим вредителям, гоммозу, различным стрессовым факторам, является требованием времени.

Однако потенциал диких диплоидных видов мало используется в селекционных программах генетического улучшения сортов, что связано с трудной скрещиваемостью отдаленных видов и стерильностью полученных гибридов. При этом ограниченное использование богатого генофонда диких видов и рудеральных форм приводит к генетическому однообразию сортов, что отрицательно сказывается на иммунитете растений.

Например, дикий диплоидный вид *G. trilobum Skovsted* отличается устойчивостью к вертициллезному вилту, а в условиях короткого светового дня высокопродуктивен, скороплоден, скороспел в основном за счет сокращения межфазного периода цветение-созревание [6]. Другой диплоидный вид *G. lobatum Gentry* обладает естественной листопадностью, устойчивостью к вертициллезу и паутинному клещу [7].

Среди рудеральных полиплоидных форм особый интерес представляет *G. hirsutum L. ssp. yucatanense* [8], а также *G. hirsutum L. ssp.*

*punctatum* var. *purpurascens* (Poir.) Mauier из Кубы [9]. В настоящее время значительная часть исследований, проводимых в области отдаленной гибридизации учеными разных стран мира, сводится к описанию биологической, цитологической, анатомической характеристик видов и их хозяйственно-полезных признаков, а также к ресинтезу тетраплоидов и амфидиплоидов, получению гибридов между разными видами и т.п., т.е. к попыткам выяснить происхождение, родственные связи между ними, ход эволюции. При этом работ, посвященных оценке донорской способности, селекционной ценности интрогрессивных форм межвидового и внутривидового отдаленного происхождения, крайне мало. Малоизученными остаются возможности реконструкции генотипа средневолокнистого хлопчатника на базе использования в селекции интрогрессивных форм, амфидиплоидов.

Селекционеры некоторых хлопкосеющих стран, в частности США, Индии и Китая, достигли определенных успехов в создании сортов хлопчатника на базе межвидовых скрещиваний, в том числе с участием диких диплоидных и полиплоидных видов. Однако до настоящего времени в Узбекистане и странах СНГ не внедрены в производство коммерческие сорта, которые объединяли бы признаки *G. hirsutum* L. и дикорастущих диплоидных видов.

В лаборатории «Селекция средневолокнистого хлопчатника» в результате многолетних исследований создан ряд интрогрессивных форм межвидового и внутривидового отдаленного происхождения, характеризующихся устойчивостью к вертициллезному вилту, уникальными качествами волокна.

Они были отобраны в предыдущие годы в результате гибридизации культивируемых сортов хлопчатника вида *G. hirsutum* L. с дикорастущими диплоидными видами *G. trilobum* Skovsted, *G. lobatum* Gentry; рудеральными подвидами *G. hirsutum* L. ssp. *punctatum* var. *purpurascens* (Poir.) Mauier из Кубы, *G. hirsutum* L. ssp. *yucatanense* с последующим многократным беккроссированием амфидиплоида и гибридов с рекуррентным родителем и отборами устойчивых к вилту биотипов на естественно зараженном грибом *V. dahliae* Kleb. фоне. Полученные интрогрессивные формы межвидового и внутривидового отдаленного происхождения составили основу для улучшения генотипа сортов хлопчатника по устойчивости к вертициллезу,

продуктивности, выходу и качеству волокна, скороспелости, массе 1000 штук семян, по другим хозяйственно-полезным признакам.

Систематическое скрещивание генетически отдаленных видов нередко ведет к образованию качественно новых признаков и свойств у гибридного потомства, что позволяет отобрать генотипы, объединяющие лучшие признаки культивируемых сортов и дикорастущих видов. Все это указывает на огромную актуальность, теоретическую и практическую значимость исследований по отдаленной гибридизации, оценке донорской ценности вышеназванных интрогрессивных форм хлопчатника, все еще не включенных на сегодня в селекционный процесс.

Материалом исследований служили интрогрессивные формы Л-Т -  $F_{15} BC_4$  (*G. hirsutum* L., сорт С-4727 x *G. trilobum* Skovsted) x С-4727; Л-Л -  $F_9 BC_3$  (*G. hirsutum* L., сорт Tamcott x *G. lobatum* Gentry) x С-4880; Л-Ю -  $F_{11} BC_3$  (*G. hirsutum* L., сорт Delkott 277 x *G. hirsutum* ssp. *yucatanense*) x Л-77; Л-П -  $F_8$  Л-77 x *G. hirsutum* ssp. *punctatum* var. *purpurascens* (Poir.) Mauer из Кубы; гибридогенные формы Р-1 -  $F_8$  Ташкент-1 x  $F_1$  (Наманган 77 x Сикала) x  $F_1$  (Омад x Сиокра); Р-1А -  $F_8$  Ташкент-1 x  $F_1$  (Наманган 77 x Сикала) x  $F_1$  (Омад x Сиокра); Л-СГ -  $F_8$  159-Ф x  $F_1$  (Наманган 77 x Сикала) x  $F_1$  (Омад x Сиокра), а также сорта Омад, Сикала, С-2609, различающиеся по происхождению, морфологическим, биологическим особенностям и хозяйственно-полезным признакам.

В наших опытах наблюдались значительные различия по устойчивости исходных родительских пар гибридов к вертициллезу. Поражаемость вилтом колебалась в пределах 3.0-16.7% (табл. 1). К числу наиболее устойчивых следует отнести такие линии, как Л-Т и Л-Ю, растения которых поражаются вилтом всего на 3.0 и 3.5%. Степень поражения других родительских форм колеблется от 12.2 до 16.7%. Таким образом, родительские пары контрастно отличаются по устойчивости к вертициллезному вилту, однако абсолютно устойчивых форм обнаружено не было.

Степень заболевания вилтом подавляющего большинства комбинаций генотипов  $F_1$  гораздо ниже по сравнению с исходными родителями. У гибридов линии Л-Т с сортом Омад отмечены reciprocal различия в наследовании вилтоустойчивости. Так,  $F_1$  (Л-Т x Омад) поражается вилтом намного меньше, чем в обратной ком-

бинации (см. табл. 1). Аналогичная закономерность в наследовании данного признака отмечается у гибридов  $F_2$  и  $F_3$ . Подобные реципрокные эффекты указывают на различие цитоплазматических генов линий Л-Т и сорта Омад (табл. 2).

Таблица 1

Устойчивость гибридов  $F_1$  и родительских форм к вертициллезному вилту (2002)

№ п/п	Комбинации генотипов	$F_1$		$P_1$		$P_2$		hr
		общая степень, %	сильная степень, %	общая степень, %	сильная степень, %	общая степень, %	сильная степень, %	
1	С-2609 x Л-Т	3.8	3.8	16.7	16.7	3.0	3.0	-0.9
2	Омад x Л-Т	10.5	5.2	12.7	6.5	3.0	3.0	0.5
3	Л-Т x Омад	1.0	0.0	3.0	3.0	12.7	6.4	-1.4
4	Л-Т x Л-СГ	3.4	0.0	3.0	3.0	12.7	9.7	-0.9
5	Л-СГ x Л-Т	2.0	0.0	12.2	9.7	3.0	3.0	-1.2
6	Р-1 x Л-Т	1.0	0.0	12.9	6.4	3.0	3.0	-1.4
7	Л-Т x Р-1	1.0	0.0	3.0	3.0	12.9	6.4	-1.4
8	Л-Ю x Л-Т	1.0	0.0	3.5	3.5	3.0	3.0	-9.0
9.	St. Наманган-77	12.5	5.5	-	-	-	-	-

Можно предположить, что признак устойчивости у данных гибридов контролируется не только ядерными, но и цитоплазматическими генами.

В  $F_1$  Л-Т x Омад сверхдоминировала устойчивость над восприимчивостью,  $hr = -1.4$ , а у гибридов  $F_1$  Омад x Л-Т полудоминировала восприимчивость родительских форм над устойчивостью,  $hr = 0.5$ . Итак, линии генетически отдаленного происхождения, являясь высокоустойчивыми к вертициллезу, способствуют еще более резкому повышению устойчивости гибридов первого поколения. У таких гибридов устойчивость сверхдоминирует над восприимчивостью.

Ценность доминантных генов, детерминирующих развитие вилтоустойчивости с обеих сторон, заключается в том, что при естественном отборе за некоторым исключением остаются лишь доминантные признаки. Ориентируясь на естественный отбор в природных условиях как на высший эталон в оценке адаптации в эксперименте, исключительно важной задачей следует считать обогащение сортов селекционно-ценными доминантными признаками.

В климатических условиях 2003 г. большинство интрогрессивных линий оказались более толерантными, чем устойчивые сорта. Самой устойчивой к вертициллезному вилту оказалась линия Л-Т, которая поражалась вилтом на 3.0%. Гибриды  $F_2$  (Л-Т х Омад) и  $F_2$  (Л-Ю х Л-Т) поражались вилтом в среднем на 3.7 и 5.9% (табл.2).

Как и в предыдущие годы, в 2004 г. линия Л-Т была довольно устойчива к вертициллезу. Среди гибридов в меньшей степени заболевали вилтом комбинации  $F_3$  С-2609 х Л-Т -19.6%,  $F_3$  Л-СГ х Л-Т – 11.7% , а также гибриды  $F_3$  Л-Ю х Л-Т – 25.0%. Все остальные гибридные комбинации генотипов поражались вилтом от 31.4 до 54.9%.

Таблица 2

Поражаемость вертициллезным вилтом межлинейных и сортолинейных гибридов  $F_2$ - $F_3$  (2003-2004 гг.)

№ п/п	Родители и гибриды	Степень поражения $F_2$ , %			Степень поражения $F_3$ , %		
		общая	сильная	слабая	общая	сильная	слабая
1.	Омад	9.7	3.2	6.5	44.4	16.6	27.7
2.	С-2609	14.3	6.4	7.9	44.7	10.4	34.3
3.	Р-1	6.9	3.5	3.4	22.3	6.4	15.9
4.	Л-Ю	15.4	1.4	14.0	44.3	13.4	30.9
5.	Л-Т	3.0	2.1	0.9	31.9	12.5	19.4
6.	Л-СГ	5.5	0	5.5	18.2	5.7	12.5
7.	С-2609 х Л-Т	14.7	2.3	12.3	19.6	2.9	16.6
8.	Омад х Л-Т	12.4	5.4	7.0	54.9	16.9	38.0
9.	Л-Т х Омад	3.7	1.6	2.1	35.7	5.9	29.7
10.	Л-Т х Л-СГ	14.7	0	14.7	31.4	6.6	24.7
11.	Л-СГ х Л-Т	10.6	3.8	6.7	11.7	1.9	9.8
12.	Р-1 х Л-Т	17.7	3.9	13.8	38.8	7.7	31.1
13.	Л-Т х Р-1	13.3	6.6	6.6	33.8	9.8	23.9
14.	Л-Ю х Л-Т	5.9	3.6	2.3	25.0	7.0	18.0
15.	St. Наманган -77	10.6	2.6	8.0	43.6	12.0	31.6

Анализируя полученные данные, можно сделать следующие выводы:

- среди исходных родительских форм наиболее устойчивыми к вилту оказались линии Л-Т, Р-1, Л-СГ;

- у изученных гибридных комбинаций высокие показатели по устойчивости к вертициллезу были у гибридов  $F_3$  С-2609 х Л-Т,  $F_3$  Л-Ю х Л-Т;

- наиболее устойчивые гибриды получены при использовании в гибридизации форм межвидового происхождения Л-Т, внутривидового Л-Ю и сложного гибридного происхождения Р-1.

- установлено, что в гибридном потомстве вилтоустойчивость интрогрессивных форм доминирует и сверхдоминирует над слабой устойчивостью сортов. Линии Л-Т и Л-П наряду с устойчивостью к вертициллезу отличались сочетанием качественного волокна и комплекса других хозяйственно-ценных признаков.

Интрогрессивные формы межвидового и внутривидового отдаленного происхождения являются ценными донорами устойчивости к вертициллезному вилту, которые мы рекомендуем использовать в качестве исходного материала для создания вилтоустойчивых сортов хлопчатника.

#### Список использованной литературы

1. Chaudhry M.R. World statistics Bull. Of the international Cotton advisory Committee. Washington, 2003. P. 72-106.
2. Мауер Ф.М. Хлопчатник. Происхождение и систематика. В 4-х т. Ташкент, 1954. Т.1. С. 381.
3. Валичек П. Систематика и филогенез хлопчатника: Автореф. дис. ... докт. биол. наук. Ташкент, 1980.- 30 с.
4. Fryxell P.A. Revised taxonomic interpretation of *Gossypium* L. (*Malvaceae*) // *Rheede*. 1992. V 2. (2). P. 108-165.
5. Абдуллаев А.А., Омельченко М.В. Использование мирового разнообразия *Gossypium* в селекции хлопчатника // *Генетика и селекция растений*. 1975. С.4-9.
6. Эгамбердиев А.Э. Индуцированная наследственная изменчивость хлопчатника. Ташкент: Фан, 1984.- 244с.
7. Лемешев Н. Мировой фонд на службу хлопководства // *Хлопководство*. 1984. № 6. С. 40-42.
8. Алиходжаева С.С., Мунасов Х., Муратов У.М. Дикие и рудеральные формы хлопчатника вида *Gossypium hirsutum* L. Ташкент: Университет, 1992.-60 с.
9. Рахимжанов А.Г., Эгамбердиев А.Э. Характер наследования признака вилтоустойчивости у гибридов хлопчатника с формой *Gossypium hirsutum* ssp. *punctatum* var. *purpurascens* // *Генофонд растительных ресурсов – основа для селекции: Труды Узбекского НИИР им. Н.И.Вавилова*. Ташкент, 1993. С. 6-9.

## IV СЕКЦИЯ. ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ ВА УРУҒШУНОСЛИГИ

---

---

УДК 633.511:631.531.01

### РАЙОНЛАШГАН ВА ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛ ШОҲЛАРИНИНГ ВАРИАНТЛАР ОЛИНГАН ПАХТА ХОМ АШЁСИ НАМУНАЛАРИ ЧИГИТИНИНГ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА УНУВЧАНЛИГИ

Р.Ибрагимов, А.Б.Амантурдиев, Я.Бабаев  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган бир қатор қонун ва қарорлар ғўза навларини жойлаштириш ва янгилаш жараёнида уруғчилик фермер хўжаликларининг вазифалари, юқори сифатли ҳосил гарови бўлган уруғчиликни яхши йўлга қўйиш, уни жаҳон андозаларига мос келадиган даражада ривожлантиришга қаратилган. Бу борада ҳар бир навнинг уруғлик сифатини яхшилаш ҳамда уни етарли даражада тайёрлаб бериш асосий тадбирлар тизими ҳисобланади.

Уруғчиликнинг вазифаси мазкур навга тааллуқли бўлган барча табиий хусусиятларни, яъни ташқи қиёфаси, биологик ҳамда хўжалик жиҳатдан энг яхши кўрсаткичларини сақлаб қолгани сифатли наводор уруғ етиштиришдан иборатдир.

Ғўза чигити тирик организм ҳисобланиб, унинг муртагидан бўлғуси ўсимлик ривожланади. Ўсимликнинг барча биологик, хўжалик ва наводорлик белгилари ушбу уруғда сақланади.

Соҳа мутахассислари томонидан ўсимликларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва уруғлик чигит сифатининг турли хиллигини ўрганиш борасида муҳим илмий ишлар қилинган. Республика минтақаларининг иқлим ва тупроқ шароитларига мос келган ҳолда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши уруғлик сифати-га ташқи муҳитни таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор олимлар

жумладан: Б.П.Страумал (1950); Г.А.Гольдберг (1961); Э.У.Ҳасанов (1980); Ю.Р.Толипов (1988); А.Нариманов (2000), Ш.С.Кўзибоев, А.Б.Амантурдиев (2007), Ф.И.Бобожонова (2010), Ж.Рахимов, А.Нариманов (2010) ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Фарғона водийси шароитида С-6775, Андижон-37, Ўнкўрғон-1 ва Умид янги ғўза навлари уруғларидан лаборатория ва дала шароитида тажрибалар олиб боришда фойдаланилди.

Андижон вилояти шароитида етиштирилган янги ғўза навларини 1 чи ҳосил шохидан 10 чи ҳосил шохигача бўлган чаноқларнинг ҳар хил жойлашган ўрнидан олинган намуналарни 3 та вариантда унувчанлигини таҳлил қилдик (жадвал). Назорат вариантыда эса жами ҳосил шохлардан олинган намуналар таҳлили келтирилди. Келтирилган маълумотларда ғўзанинг янги С-6775, Умид, Ўнкўрғон-1 ва Андижон-37 навлари чигитларининг унувчанлиги аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, юқорида келтирилган навлар унувчанлик кўрсаткичи бўйича бир-биридан фарқ қилдилар. С-6775 ғўза нави бошқа навларга нисбатан 1 чи вариантдаги а)  $2/1+3/1$  (96%) б)  $4/1+5/1+6/1$  (96%), 2 чи вариантдаги; б)  $2/2+3/2+4/1+5/1+6/1$ ,  $10/1$  (96%) ва 3 чи вариантдаги б)  $1/2+2/2+4/1+5/1+6/1$  (97%) ҳамда в)  $1/3+2/3+3/3+4/2+5/2+6/2+7/1+8/1$  (98%) ҳосил шохлари турли ўринларидан олинган намуналарда унувчанлик назорат вариантыга нисбатан юқори кўрсаткичда бўлди. Бу навнинг алоҳида хусусияти шундаки, ҳосил шохларида жойлашган кўсақларнинг бош пояга яқин ёки узоқ жойлашишига боғлиқ бўлмаган ҳолда олинган уруғлик чигитлар унувчанлиги юқори кўрсаткичга эга эканлиги жадвалдан кўриниб турибди. Бунинг сабаби С-6775 ғўза нави бошқа навларга нисбатан бирмунча тезпишарлиги туфайли чигитлар эрта муддатларда етилганлигидир. Андижон-37 навида ҳам С-6775 нави сингари Умид ва Ўнкўрғон-1 навларига нисбатан юқори кўрсаткич намоён бўлгани кузатилди. Масалан, 1 чи вариантдаги а)  $2/1+3/1$  (96%); в)  $7/1+8/1+9/1$  (97%), 2 чи вариантдаги; в)  $4/2+5/2+6/2+7/1+8/1+9/1$  (98%), г)  $10/1$  (97%) ҳамда 3 чи вариантдаги; а)  $1/1+2/1+3/1$  (96%) ва б)  $1/2+2/2+4/1+5/1+6/1$  (98%) ҳолатларда бошқа ҳосил шохларидан олинган намуналарга нисбатан бирмунча юқори кўрсаткич кузатилди. Умид ва Ўнкўрғон-1 ғўза навлари С-6775 ҳамда Андижон-37 навларига

Янги ғўза навлари хосил шохларининг вариантлар бўйича олинган пахта хом ашёси намуналари  
 чигитининг лаборатория шартлида унвчанлиги (Анджекон вилюяти шартлида)

Унв., %	Унв., %	Унв., %	Унв., %	Унв., %	Унв., %	Анджекон-37	Унв., %
C-6775							
I вариант а) 2/1 + 3/1 б) 4/1 + 5/1 + 6/1 в) 7/1 + 8/1 + 9/1 г) 10/1	I вариант а) 2/1 + 3/1 б) 4/1 + 5/1 + 6/1 в) 7/1 + 8/1 + 9/1 г) 10/1	Унв., % 96 96 94 92	Унв., % 95 93 94 93	Унв., % 95 93 94 93	I вариант а) 2/1 + 3/1 б) 4/1 + 5/1 + 6/1 в) 7/1 + 8/1 + 9/1 г) 10/1	I вариант а) 2/1 + 3/1 б) 4/1 + 5/1 + 6/1 в) 7/1 + 8/1 + 9/1 г) 10/1	94 92 90 93
II вариант а) 2/1 + 3/1 б) 2+3/2+4/1+5/1+6/1 в) 4/2+5/2+6/2+7/1+8/1+9/1 г) 10/1	II вариант а) 2/1 + 3/1 б) 2+3/2+4/1+5/1+6/1 в) 4/2+5/2+6/2+7/1+8/1+9/1 г) 10/1	95 96 94 96	90 97 96 97	90 97 96 97	II вариант а) 2/1 + 3/1 б) 2+3/2+4/1+5/1+6/1 в) 4/2+5/2+6/2+7/1+8/1+9/1 г) 10/1	II вариант а) 2/1 + 3/1 б) 2+3/2+4/1+5/1+6/1 в) 4/2+5/2+6/2+7/1 +8/1+9/1 г) 10/1	95 94 90 90
III вариант а) 1/1+2/1 + 3/1 б) 1/2+2/2+4/1+5/1+6/1 в) 1/3+2/3+3/3+4/2+5/2+6/2+7/1 +8/1 г) 4/3+5/3+6/3+7/2+8/2+9/2+10/1	III вариант а) 1/1+2/1 + 3/1 б) 1/2+2/2+4/1+5/1+6/1 в) 1/3+2/3+3/3+4/2+5/2+6/2+7/1 +8/1 г) 4/3+5/3+6/3+7/2+8/2+9/2+10/1	95 97 98 95	97 93 91 93	97 93 91 93	III вариант а) 1/1+2/1 + 3/1 б) 1/2+2/2+4/1+5/1+6/1 в) 1/3+2/3+3/3+4/2+5/2+6/2+7/1+ 8/1+9/1 г) 4/3+5/3+6/3+7/2+8/2+9/2+10/1	III вариант а) 1/1+2/1 + 3/1 б) 1/2+2/2+4/1+5/1+6/1 в) 1/3+2/3+3/3+4/2+5/2+6/2+7/1 +8/1+9/1 г) 4/3+5/3+6/3+7/2+8/2+9/2+10/1	97 96 92 94
IV вариант Назорат	IV вариант Назорат	94	91	91	IV вариант Назорат	IV вариант Назорат	91
							95

нисбатан бир оз кичик кўрсаткич намоён этсаларда аммо унувчанлик андозаси талабларига тўлиқ жавоб берадиган натижа олинди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан шуни таъкидлаш жоизки, ғўза навларининг вариантлар асосида турли ҳосил шохларидан олинган намуналарнинг унувчанлиги турлича кўрсаткичда бўлди. Бу ҳолат, айниқса, минтақанинг тупроқ-иклим шароитига, навнинг мослашувиغا, унинг биологик хусусиятига, яъни унинг тезпишарлигига, навларда чигитлар ҳосил шохининг турли жойида ҳар хил пишиб етилишига боғлиқ равишда амалга ошиши билан исботланади. 4 тала ғўза нави бўйича ҳосил шохларининг турли жойларидан олинган намуналарда уруғлик чигитларнинг унувчанлиги O'z DSt 663:2006 андозаси талабларига тўлиқ жавоб бериши олиб борилган тажриба натижаларида ўз исботини топди.

Олиб борилган тажриба натижалари асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Фаргона водийси шароитида етиштирилган С-6775, Умид, Ўнқўрғон-1 ва Андижон-37 ғўза навлари бўйича ҳосил шохларининг турли жойларидан олинган намуналарда уруғлик чигитларнинг унувчанлиги O'z DSt 663:2006 андозаси талабларига тўлиқ жавоб бериши олиб борилган тажриба натижаларида ўз исботини топди. Навлараро таҳлиллар эса С-6775 ва Андижон-37 ғўза навларида вариантлар бўйича унувчанлик бошқа навларга нисбатан бирмунча юқори бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ст р а у м а л Б. П. Отбор семян в пределах куста хлопчатника // Соц. сельское хозяйство Узбекистана. Ташкент, 1950. №6. С. 77-79.
2. Г о л ь д б е р г Г. А. Особенности произрастания семян и появления всходов хлопчатника в различных температурных и агротехнических условиях: Автореф. дис. ... канд. с./х. наук. Ташкент, 1961. С. 26-29.
3. Хасанов Э. У. Влияние агроэкологических условий на посевные и урожайные качества семян хлопчатника: Автореф. дис. ... канд.с./х.наук. Ташкент, 1980. 24 с.
4. Н а р и м а н о в А. А. Высокая жизнённость семян как важнейший фактор их полноценного прорастания. Монография. Ташкент: Фан, 2000.
5. К о з у б а е в Ш. С., А м а н т у р д и е в А. Б., А х м е д о в Ж. ва бошқ. Уруғлик чигит унувчанликни аниқлаш усуллари. Услубий тавсиянома. Тошкент, 2007.

6. Рахимов Ж., Нариманов А. Семена-сортовые и посевные качества-урожай // Ғўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди-фундаментал ва Амалий тадқиқотлар асоси. Халқаро илмий анжуман. Тошкент. 2010 йил 5-6 август. 214-216-бетлар.

7. Бобожонова Ф.И., Кадиров Ш. Ю., Абдурахимов У.К., Майлиева З.С. Влияние низких положительных температур на активность гибролитических ферментов хлопчатника // Ғўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди-фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси. Халқаро илмий анжуман. Тошкент. 2010 йил 5-6 август. 56-59-бетлар.

УДК 633.511:631.531.01

## **БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН УРУҒЛИК ДОННИНГ ЮҚОРИ СИФАТИ – БУҒДОЙНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА НАВ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ КЎТАРИЛИШИГА КАФОЛАТДИР**

**Х.Нематов, С.Бобоев, И.Бозоров**  
**Бухоро вилояти**

Бухоро вилоятида уруғлик буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларидан 2010 йилда 210 та фермер хўжаликлари танлов асосида танлаб олинади. Ушбу уруғлик етиштирувчи фермер хўжаликларининг уруғлик экиладиган ер майдонларида сув таъминоти, техникалар сонининг етарли бўлиши, ишчи кучи мавжудлиги ҳамда тупроқнинг баллбонитет юқори бўлган майдонлар белгиланган тартибда олинади. 2010 йилда ушбу танлаб олинган фермер хўжаликларининг далаларида буғдойнинг Полувчанка, Кума, Андижон-1, Андижон-2, Бобир, Нота, Крошка ва Старшина каби навлари экилиб, экилиши лозим бўлган уруғлик буғдойларнинг унучанлик даражаси 95-96 фоизни ҳамда уруғлик учун мўлжалланиб, тайёрланган буғдойларнинг 1000 донасининг оғирлиги ўртача 42 граммни ташкил этади.

Бухоро вилояти бўйича 2010 йил ҳосили учун экилган дон майдонлари жами 65600 гектарни ташкил этади. Бухоро вилоятининг 2010 йил ҳосилидан олинган доннинг ҳосилдорлиги ўртача 56,9 центнерни ташкил этиб, жами 373402 тонна ялпи буғдой олинди. Шундан навлар бўйича олинган буғдой ҳосили 1-жадвалда берилди.

№	Бугдой навларининг номи	Экилган майдон, га	Хосилдорлик, (ц/га)	Ялли хосил, тн
1	Половчанка	16612	56.8	94288
2	Краснодар -99	4223	58.6	24729
3	Нога	7832	55.9	43750
4	Москвич	1442	54.0	7784
5	Старшина	10856	59.2	64270
6	Таня	8098	55.6	45028
7	Память	3825	56.1	21463
8	Крошка	12712	56.7	72090.6
	Жами	65600	56.9	373408

Олинган ялли бугдойнинг сифат кўрсаткичлари 2010 йил хосилидан олинган бугдойнинг бундан олдинги йилларда олинган бугдойларнинг сифат кўрсаткичларидан жуда юқорилиги билан фарк қилади. Чунки вилоятда экилган бугдойларнинг барча майдонларида экинларга ишлов бериш агротехника қоидалари тўлиқ бажарилди. Чунончи, экин зарарқунанда ва ҳашаротларга қарши кураш чоралари ўз вақтида бажарилди. Экинларни ўз меъёрида суғориш минерал ва маҳаллий озукаларни ўз вақтида берилиши, суғориш меъёрлари ва муддатлари ҳамда энг асосийси бугдой экин майдонларига бегона ўтларнинг бўлмаслигига эришилди. Бу ўтказилган агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида бўлиши 2011 йил хосили учун олинган уруғлик бугдойларининг сифат кўрсаткичлари кескин кўтарилишига олиб келди. Қуйида вилоятда 2011 йил хосили учун жамғарилган уруғлик бугдойларнинг сифат кўрсаткичлари баён этилади.

Ушбу 2-жадвалдан кўриниб турибдики, уруғлик бугдойнинг намлиги андоза талаблари асосида 12-13 фоизгача белгиланган бўлса, Бухоро вилоятида экишга мўлжалланган уруғлик бугдойнинг шаффофлиги вилоятда ўртача 64 фоиз бўлганлиги, бугдой унининг сифати юқори бўлишини таъмин этди. Бунинг натижасида бугдойнинг унидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари янада юқори бўлишини таъминлади. Бундан ташқари уруғлик бугдойнинг клейковина миқдори вилоятда ўртача 26 фоиз бўлганлиги учун бугдой унидан тайёрланадиган нон маҳсулотлари хамирида ёпишқоқлик даражасини оширади. Бу эса ноннинг сифатини яхшилайди.

Вилоятда 2010 йил бугдой ҳосилидан 2011 йилда экиш учун  
мўлжалланган уруғлик бугдой навларининг сифат кўрсаткичлари

№	Бугдой навларининг номи	Сара уруғлик бугдой, тонна	Сифат кўрсаткичлари			
			намлиги, %	шаффофлиги, %	1000 дона дон оғирлиги, грамм	клейковина микдори, %
1	Половчанка (с.э)	122.0	8.9	56.0	41.0	24.0
2	Половчанка (элига)	350.0	9.2	54.0	39.0	26.0
3	Половчанка (R-1)	1344.0	8.9	58.0	40.0	25.0
4	Крошка (с.э)	17.1	9.2	58.0	39.0	25.0
5	Крошка (элига)	413.0	8.8	58.0	37.0	25.0
6	Крошка (R-1)	1385.0	9.0	54.0	38.0	25.0
7	Нота (с.э)	5.9	9.0	62.0	41.0	25.0
8	Нота (R-1)	264.0	8.8	65.0	42.0	26.0
9	Краснодар-99 (с.э)	51.7	8.8	68.0	41.0	25.0
10	Краснодар (элига)	104.0	8.9	64.0	41.0	24.0
11	Краснодар (R-1)	4163	9.2	52.0	42.0	24.0
12	Память (с.э)	10.4	9.1	59.0	38.3	25.0
13	Память (R-1)	3386.0	9.2	56.0	40.0	24.0
14	Старшина (элига)	433.0	9.0	58.0	42.0	28.0
15	Старшина (R-1)	4048.0	9.0	60.0	39.0	27.0
16	Москвич (с.э)	16.3	9.2	51.0	38.0	24.0
17	Кума (с.э)	28.3	9.0	58.0	39.0	26.0
18	Бобир (с.э)	40.2	8.8	66.0	42.0	25.0

Шундай қилиб, Бухоро вилоятида етиштириладиган ялли бугдой ва уруғлик бугдойларининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлиши – юқори дон ҳосили ва сифатли нон маҳсулотларининг микдори ошишига сабаб бўлиб, истеъмолчиларнинг хурматиға сазовор бўлишиға олиб келади.

## **УРУҒЧИЛИК ПАХТАНИ ЯККА ТАНЛАБ ТЕРИШ – ҒЎЗА НАВИ УМРИ УЗАЙИШИГА КАФОЛАТДИР**

**И.Нематов, Ф.Отамуродов, Ҳ.Нематов  
Бухоро вилояти**

Бухоро вилоятида асосан 2010 йилда 109600 гектар майдонга пахта экилди. Пахтани вилоят бўйича фермер хўжалиklarининг далаларида экилди. Вилоятда асосан ғўзанинг “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” навлари экилиб келинмоқда.

Уруғлик пахтани етиштириб берувчи фермер хўжалиklar сони 196 та бўлиб, булар вилоятда ўтказилган тендер танловлари асосида танлаб олинди. Уруғлик пахта етиштирувчи пахта фермер хўжалиklари ер майдонларининг баллбонитети 56-67 фоиз бўлиши, сув таъминоти, тупроққа ишлов бериш техникаларининг сони, ма-лакали дала ходимларининг сони, фермер хўжалиги раҳбарининг уруғчилик соҳасини ривожланишига иштиёқи каби параметрлар ҳисобга олиниб, фермерлар танлаб олинди.

2010 йилда 9036 гектар майдондан уруғлик пахта териб олин-ши вилоят семинар – тренинги кўрсатмалари асосида белгиланиб, 2011 йил ҳосили учун 13625 тонна уруғлик пахта териб олинди.

Вилоятимизда мавжуд 6 та пахта уруғчилиги элита лаборатори-ясининг илмий ходимлари иштирокида вилоятда сифатли уруғлик пахтани 2011 йил ҳосили учун жамғариш ишлари ўз меъёрида олиб борилди. Жумладан, ғўзанинг “Бухоро-6” нави бўйича “Маданият Муҳаммад Исмаилов”, “Розия Бекова” ва “Ҳафизобод элита” уруғчилик элита лабораторияси ходимлари ҳамда “Бухоро-8” нави бўйича “Абдусалом Саттор саховати” ва “Олмазор” уруғчилик элита ла-бораторияси ходимлари ва ниҳоят, “Когон уруғчилиги” уруғчилик элита лабораторияси ходимлари ғўзанинг “ Бухоро-102” навидаги сифатли уруғлик пахта етиштириш бўйича хизмат вазибаларини аъло даражада олиб бормоқдалар.

Ушбу ғўза уруғчилиги лабораторияларининг далаларида ғўзанинг “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” навлари бўйича сифатли уруғлик пахта жамғариб, ғўза навларининг софлик дара-жаси 98-99% бўлишига эришиб келмоқдалар. Бундай уруғчилик

соҳасининг фидойи мутахассисларидан Р.Ҳамроев, Ш.Бозоров, И.Нематов, А.Сатторов, И.Икромовалар ажойиб меҳнат намуналарини далада намоеън этмоқдалар.

Пахта уруғчилиги соҳасидаги мутахассисларнинг шарафли меҳнати туфайли ғўза навлари софлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, Бухоро туманидаги “Маданият Муҳаммад Исмаилов” пахта уруғчилиги лабораторияси ходимлари ғўзанинг “Бухоро-6” нави софлигини йилдан-йилга ошириб, меъёрни бир хил бўлишини таъмин этиб келмоқдалар. Чунончи, пахта уруғчилиги элита лабораториясида 6 та мутахассис фаолият юритиб, элита лабораториясининг мудир Д.Муқимов – дала журналларининг далада сифатли юритилиши, С.Мунова – пахта синов намуналарини электрон тарозидан ўлчаш ишлари, М.Ражабоева – ғўза навини оилалар бўйича олинган якка танлов чаноклардаги 1000 донанинг чигитнинг вазнини ҳисоблаш, Ў.Муродова ва М.Муҳиновалар эса танлаб олинган чаноклардаги пахта толасининг узунлиги литучка асосида ўлчаш ва умумлаштириш каби масъулиятли вазифаларни бажармоқдалар.

**“Маданият Муҳаммад Исмаилов” пахта уруғчилиги элита лабораторияси далаларидан уруғлик пахтани якка танлаб териш натижалари**

Кўчатзорлар номи	Майдони, га	Оилалар сони	Якка танлаб олинган оила сони	Ҳар бир оиладан якка танлаб терилган чанок сони
Биринчи йил	1.1	1560	838	120
Иккинчи йил	3.0	420	3000	4200
Элита	31.0	250	250	12 кг
Ўтказиладиган дала кўриклари				
1-кўрик		3-8 июль		
2-кўрик		11-20 август		
3-кўрик		2-7 сентябрь		

Уруғлик пахтанинг тежамланиши асосан O<sup>4</sup>zDst-663 андозанинг 2008 йилдаги қўлланма талаблари асосида олиб борилиб, уруғлик чигитнинг унувчанлиги 95-96 фоиз, намлик даражаси 8 фоиз ва ифлослик даражаси вилоят бўйича ўртача 0.2-0.3 фоиз бўлиши каби яхши кўрсаткичлар даражаси бўлишини таъмин этмоқдалар.

31 Куйида Бухоро туманидаги “Маданият Муҳаммад Исмат” пахта уруғчилиги элита лабораториясининг 2011 йилдаги фаолиятини кўрсатувчи жадвал берилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, “Маданият Муҳаммад Исмат” пахта уруғчилиги лабораториясида уруғлик пахтани жамғариш ишлари асосан якка танлаб олиш ишларини Давлат йўриқномаси талаблари асосида олиб боришлари натижасида йилдан-йилга яхши нагижаларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Жумладан, уруғлик пахта майдонлари уч марта дала кўрикларидан ўтказилгандан сўнг уруғлик пахтани териб олиш ишлари ҳар бир белгиланган бутадан йўриқномада кўрсатилганидек, фақат яхши очилган, касалланмаган, чиройли кўринишга эга бўлган чанокларнинг пахтасини якка-якка танлаб олиш, сифатли уруғлик пахтани териб олиниши билан ғўза нав софлигини 98-99.5 фоизга етказиб келмоқдалар.

Уруғлик пахтани териб олиниши ва жамғариш ишлари вилоят ҳокими ва тегишли раҳбар ва мутахассисларнинг кундалик ва доимий назоратида бўлиши уруғчилик соҳасининг Бухоро вилоятида йилдан-йилга ривожланишига олиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, уруғлик пахтани элита лабораторияси далаларидан якка танлаб терилиши – ғўза навининг узок муддат хизмат этишини кафолатлайди. Ушбу хулоса 2010 йил 13-14 октябрь кунларида бўлиб ўтган “Жаҳон пахта сотиш 6-Тошкент ярмаркаси” фаолиятида ҳам яққол кўринди. Ғўзанинг “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”, “Омад”, “Наманган-77”, “Ан-Боёвут-2” каби фақат 6 та ғўза навининг тола сифати жаҳон пахта тола сотиш бозорида ҳам харидорлиги жуда баланд. Чунки пахта уруғчилиги элита лабораториясининг фидойи мутахассислари пахта уруғчилигини янада ривожланиши учун меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Жаҳон пахта тола сотиш ярмаркасида ўзбек пахта толасининг доврўғи дунёда юқори ўринда туради. Уруғчилик мутахассисларининг уруғлик пахтани териб жамғарилишида якка танлаб теришга катта эътибор қаратаётганлиги шундан далолатдир.

## V СЕКЦИЯ. БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ

УДК 633.511:631.531.01

### БУХОРО ВОҲАСИДА БЕДА (ЙЎНҒИЧҚА) ДАН УРУҒЛИК ВА ПИЧАН ҲОСИЛИНИ ОЛИШГА ДОИР АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

Ҳ.Нематов, С.Азимов  
Бухоро вилояти

Беда (йўнғичқа) – кўп йиллик дуккаклилар оиласига мансуб бўлган ем-хашак экини бўлиб, унинг таркиби протеин, витаминлар, шу жумладан, короеинга бойдир. Беда чорва озуқалари ичида тўйимли моддаларнинг кўплиги жиҳатидан бошқа экинлардан ажралиб туради. Беданинг энг муҳим биологик хоссаларидан бири тупроқни азот моддаси билан бойитиб, унинг унумдорлигини оширади. Бирорта қишлоқ хўжалик экинлари тупроқни беда бойитганидек бойитмайди.

Вилоятимиз шароитида беданинг экиш муддатлари иккимга қараб март ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигига тўғри келади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бедани сентябрь, октябрь ҳамда ноябрь ойларида ҳам экиш мумкин. Беда шўрланган майдонларга экилса қутилган натижани бермайди. Униб чиққан беда ниҳоллари қуриб кетади. Беда – пичан олиш мақсадида экилса экиш меъёри 15-16 кг/га бўлиши керак. Беда келгуси йили уруғ олиш мақсадида ўрмасдан қолдириладиган бўлса, беда уруғининг экиш меъёри 8 кг/га дан ошмаслиги керак. Экишга ажратилган беда уруғи сараланган ва зарпечак уруғидан тозаланган бўлиши керак. Экишга ажратилган беда уруғи сараланган ва зарпечак уруғидан тозаланган бўлиши шарт. Беда озуқабоп ва бошоқли дон экинлари билан аралаштириб экилганда гектарига соф ҳолда 60-80 кг/га азот, 100 кг/га фосфорли ўғити киритиш мақсадга мувофиқдир. Беда уруғининг экиш чуқурлиги 1-1,5 см чуқурликдан ошмаслиги керак.

Беда уруги кулай иклим шароитида 2-3 кун ичида ниш уриб, 6-8 кунда кўкара бошлайди.

ЎзПТИ Бухоро филиали олимлари томонидан олинган илмий маълумотлар шуни кўрсатадики, беда тупрокнинг 1 метрли қатламида биринчи йили 7.7 тн/га, иккинчи йили 9.7 тн/га, учинчи йили эса 12.2 тн/га органик моддалар илдизда тўпланиши кузатилди. Беданинг пичан ҳосилдорлигига мос равишда тегишлича бўлади: 85-95; 150-160; 175-190 ц/га олиш мумкин.

Бухоро вилоятида алмашлаб экишни тўлиғича жорий этиш учун хар йили 150-160 тонна беда уруги керак.

Қишлоқ хўжалик ходимлари олдида қайси ёшдаги бедани уруғлик учун қолдириш керак? Қайси ўримдан энг кўп ҳосил олиш мумкин? Уруғликка қолдирилган бедани қайси меъёрда ва қачон суғориш керак? Уруғлик беданинг кўчат қалинлиги гектарига неча туб бўлиши керак?, деган савол ва муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

ЎзПТИ Бухоро филиалида ва Ғиждувон нав синаш тажриба участкасида юкорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш учун илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажриба ўтказилган дала азалдан суғорилиб келинган, ўтлоқи, механик таркибига кўра ўртача кумок тупроқли бўлиб, сизот сувларининг чуқурлиги 1,8 – 2,5 метрни ташкил қилар эди.

1-2 ўримдан беда уругини олиш имкониятлари уч йил давомида ўрганиб чиқилди. Биринчи ўримдан уруғлик олиш учун беда вариантлар бўйича 1-2-2 тизимида суғорилади. Суғориш меъёри гектарига биринчи назорат вариантыда 1200 м<sup>3</sup>, иккинчи ва учинчи вариантда 2000 м<sup>3</sup> сувни ташкил қилди. Иккинчи ўримдан уруғ олиш учун беданинг биринчи 10-15 фоиз гуллаган пайтда ўриб олинади. Иккинчи ўрими энди ўса бошлаган даврда ҳамма вариантларга гектарига 800 м<sup>3</sup>, яна ғунчалаш (2- вариант) ва гуллаш (3- вариант) даврида 800 м<sup>3</sup> сув берилди. Суғоришлар сони вариантлар бўйича 1-2-2 марта бўлиб, суғориш миқдори гектарига 800-1600-1600 м<sup>3</sup>. ни ташкил қилади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро воҳасида иккинчи йилги беданинг биринчи ўримдан 11,65 ц/га беда уруги олинди.

Бухоро вилояти шароитида иккинчи ўримдан олинган беда уруги ҳосили биринчи ўримдан олинган уруғ ҳосилига нисбатан

кескин камайди ва 1,2 – 2,0 ц/га ни ташкил этди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, 2-ўримда уруғ ҳосил бўлиш жараёни ҳаво ҳароратининг энг юқори бўлган даврига тўғри келади. Натижада дуккаклар ва ундаги уруғлик сони биринчи ўримга нисбатан 2,0 – 2,5 марта кам бўлади ва дуккакларда ҳосил бўлган уруғларнинг 45-50 фоизи пуч ва майда бўлади. Шунинг учун ҳам бедадан уруғ олиш учун уруғликка иккинчи ўримдан уруғликка колдириш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқоридаги фикр ва ҳулосаларни яхлитлаб, уруғлик беда майдонларидан иккинчи йил биринчи ўримдан сифатли уруғлик ва юқори пичан ҳосилини олиш учун эса учинчи йил ҳосилининг биринчи ва иккинчи ўрмидан юқори ҳосил олинишига эришилади.

Тажрибалар биринчи йил пичанзордан 85-90ц га ва учинчи йилда эса ҳар бир гектар майдонда 175-190 ц дан пичан ҳосили олинганлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда Бухоро вилоятида кўпчилик фермерлар ҳар бир пичанзордан 2 ц дан ортиқ пичан олмақдалар. Беда тупроқни бойитади. Экинларни алмашлаб экишда тенги йўқ экиндир.

УДК 633.31:631,5

## **ЎЗБЕКИСТОНДА УРУҒЛИК БЕДА АГРОТЕХНИКАСИ**

**Т. Р. Рашидов, Р. Т. Сыдык-Ходжаев, Б. Ж. Аллакулиев, А. Г. Сабилов**  
**ЎЗҒСУИТИ, Тошкент**

Республикаимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда пахтачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда ем-хашак экинлари, жумладан, кўп йиллик дуккакли ўтли экини – беда майдонларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Беда серҳосили, сероқсилли, таркибида ҳайвонларга керакли ҳамма витаминлар мавжуд, чорвачилик учун асосий озиқа ҳисобланган ҳамда алмашлаб экишда ер структурасини яхшилайдиган ва ўзидан кейинги экинларни ҳосилдорлигини оширадиган манбадир. Кўкат таркибида ҳайвонларга зарур бўлган оқсил моддасининг миқдори бўйича беда ҳамма дуккакли ўтларга

нисбатан анча устун туради. Шунингдек беданинг агротехник ва мелиоратив аҳамияти ҳам катта, у кўпчилик экинларнинг яхши ўтмишдоши, яъни беда экилгандан сўнг уч йил ўтгач, майсалар яхши сақланганда тупроқни кўп сонли илдиз қолдиқлари билан бойитади ва илдизидаги туганак бактериялар орқали ҳар гектар ерда 600-900 кг атрофида ҳаводан сингдирилган азот тўплайди, тупроқ тузилишини (структураси), сув, физикавий ва кимёвий хусусиятларини яхшилайти, ернинг шўрланишини, ўсимликларнинг касалликларга чалинишини камайтиради, хуллас, ерни унумдорлигини қайта тиклайди ва экинларни, жумладан, ғўза ҳосилдорлигини оширади.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикада бедачилик соҳасидаги илмий ишлар маълум даражада олиб бориш натижасида бир қатор серҳосил беда навлари яратилди. Жумладан, Қорақалпоқ-1, Қорақалпоқ-15, Қорақалпоқ-41 навларидан ташқари ЎзФСУИТИ беда селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси томонидан Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятлари учун мос бўлган Тошкент-3192, Тошкент-1, Тошкент-1728, Тошкент-2009 навлари яратилган. Хоразм вилоятида Хива ва мамлакатнинг лалми ерлари учун Аридная ва Бойгул навлари жорий этилган. Лекин шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришда бедадан олинадиган пичан ва уруғ ҳосили унинг потенциал имкониятлардан 2-3 баробар камдир.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида мунтазам равишда мўл пичан ва уруғ ҳосили олиш мумкин. Лекин, беданинг потенциал имкониятларини амалга ошириш учун ишлаб чиқаришга энг яхши, яъни туманлашган навларни жорий этиш ва беда агротехникасига тўғри риоя қилиш керак.

Ўзининг биологик хусусиятлари бўйича уруғлик беда хашакка ўриладиган бедадан мутлақо фарқ қилади ва парвариш шароитларини ўзгача талаб этади.

Уруғлик бедани алмашлаб экишнинг турли типларида парвариш қилиш мумкин, лекин уни ўзидан кейин далани бегона ўтлардан тоза қолдирадиган, яъни пахта, бошоқли ғалла, маккажўхори, сабзавот ва бошқа экинлардан бўшаган ерларда экиш бу мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо чорвачилик, шолчилик ва баъзи бир бошқа алмашлаб экишлар учун фойдаланадиган, айниқса ер ости сувлар яқин жойлашган ерлар беда уруғи етиштириш учун мутлақо

тўғри келмайди, чунки бундай ерлардаги бедазорларни моллар пайхон, паймол қилади, ер бетига яқин жойлашган ер ости сувлари бедани ортиқча ўсиб кетишига, ўсимликларни ётиб қолишига, оқибатда чанглатувчи ҳашаротларни бедани гулларига кўнишини кийинлашига олиб келади. Натижада гулларнинг чангланиши пасаяди, дуккаклар тугиши ва уруғларнинг пайдо бўлиши камайдди, уруғларнинг кўп қисми пуч бўлиб ҳосил кескин камайиб кетади.

Уруғлик бедаларни кушандалари – фитонумус, тихиус, гул чивини ва бошқалар билан зарарланмаслик учун янги бедазорлар барпо этилганда улар эски бедазорлардан 600-800 метр узоқликда бўлиши керак.

Беда фақат ёлғиз ўзи ёки ем-хашак экиладиган дон экинларидан бири – арпа, сули ёки силос қилинадиган экинлар, жумладан маккажўхори, оқ жўхори билан кўшиб экилади. Кондицион уруғлар дон-ўт сеялкалари билан 1 гектар ерга 16 кг беда, 60 кг арпа, 40 кг сули ёки 25-30 кг маккажўхори экилади. Экиш билан бир вақтда ёки эртаси куни 60 см масофада суғориш эгатлари олинади. Дон-ўт сеялкалари йўқлигида дон ёки сабзавот экадиган сеялкалардан фойдаланилади – аввал майдон кўндалангига беда, кейин суғориш ўтказиладиган йўналишда қоплама экинлар экилади. Беда уруғлари 1-2 см чуқурликка кўмилади. Кузги ер ҳайдаш вақтида ўғитлар - чириган гўнг (20-40/га), суперфосфат (3-6 ц) ва калий тузи (1-1,5 ц) солинади (шўрланган ерларга калий солинмайди). Беда бошоқли дон экинлари билан кўшиб экилганда бир вақтнинг ўзида бир гектарга 50-70 кг азот солинади, маккажўхори билан экилганда азотнинг нормаси (200-250 кг) бўлиб-бўлиб учдан бир қисми экиш вақтида, қолган қисми 3-4 ва 6-7 барг фазасида озиклантиришда солинади. Азотли ўғитлар солингандан кейин экинларни албатта, суғориш керак. Куз-қиш даврида ёки эрта баҳорда беда униб чиқмасдан олдин кейинги йиллари гектарига 100 кг фосфор ва 50-70 кг калий солинади.

Биринчи ўримгача 2-5 марта (коплама экинларга қараб) суғорилади. Қоплама экинлар йиғиштириб олингач, беда ҳар бир ўримдан сўнг икки мартадан суғорилади.

Уруғ олиш учун бир текис сийраклаштирилган икки ёки уч йиллик бедапоя қолдирилади, бунда бўз тупроқларда бир квадрат метрда 50-70 та, бўз-ўтлоқ тупроқларда 30-40 ва ўтлоқ ерларда 15-

20 та ўсимлик бўлиши керак. Беда зич ўсган майдонларда зарурий ўсимлик қалинлигига беда қайта ўса бошланишидан олдин 15-20 см чуқурликда чизеллаш йўли билан эришилади.

Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларда ва шароитлари шуларга ўхшаш бошқа жойларда, яъни қиш ва баҳорда ёғингарчилик кам бўладиган туманларда ва ер ости сувлари чуқур далаларда уруғ учун биринчи ўрим бедани қолдиргани маъқул. Ёғингарчилик кўп бўладиган ўтлоқ тупроқли ерларда беда ниҳоятда тез ўсади ва ётиб кетади – шундай шароитда уруғлик учун беданинг иккинчи ўримдан қолдирилади. Тупроқ-иқлим шароити анча яхши бўлган пахта экиладиган марказий туманларда биринчи ўримни гуллаб бошланган пайтда ўриб кейинги ўримни уруғлик учун қолдирса яхши натижа беради. Ўтлоқ тупроқли ерларда уруғдан яхши ҳосил олиш учун бедани ноябрь ойида чимқирқар плуг билан чуқур (25-30 см) ҳайдаш керак. Эрта баҳорда майсалаш пайтида бир ёки икки марта суғорилади. Натижада беданинг узлуксиз ўсиши чекланиб, яхши гуллаб, кўп уруғ тўплайди. Фақат кўп йиллик ўтлардан тозаланган бедазорларни кузда ҳайдаш учун ажратиш керак.

Бедани ўсув даврига кўра сувга бўлган талаби турлича. Ўсимликлар ўриб олингандан кейин қайта гуллаш давригача кам сув сарфлайди, чунки бу даврда беда намлигини буғлатадиган поя ва барги деярли камроқ бўлади. Беда ёппасига гуллаш ва уруғлаш давларида кўп сув сарфлайди. Уруғ пишиш бошлаган даврга келиб беданинг сувга бўлган талаби камай боради. Баҳор ва кузга нисбатан ёзнинг иссиқ кунларида беданинг сувга бўлган талаби ортади. Юқори ва пастки тупроқ қатламларининг физик ҳолати ҳам беданинг сувга бўлган талабига таъсир кўрсатади. Уруғлик бедазорларни ортиқча намиқтириб бўлмайди. Айниқса гуллаш, уруғ ҳосил бўлиш ва уни етилиш пайтида бунга йўл кўймаслик керак. Ортиқча намлик бедани илдиз бўғизидан жойлашган уйқувдаги куртакларнинг, шунингдек, ўсимликда шаклланган уруғ туга бошлаган пояларнинг кучли даражада ривожланиб ўсиб кетишига сабаб бўлади. Беда вегетатив массасининг узлуксиз ўсиб бориши сабабли озиқа моддаларнинг кўп қисми шу жараёнга йўналтирилади, натижада уруғ тугадиган органларнинг нормал озиқланиши бузилади, беда ғойлаб кетади, гуллари чанглаувчи ҳашаротлар етиб бормаслиги сабабли ёппасига тўкилиб ривожланмаган пуч уруғ ҳосил

бўлади, ҳосилдорлик кескин камаяди. Шунинг билан бирга намлик етишмаса ўсимликларнинг баландлиги нормал бўлмайди, гуллар ва уруғ шакллайдиган поя ва новдалар миқдори камайиб кетади. Уруғ олинадиган икки-уч йиллик бедазорлар суғорилганда гектарига 950-1000 куб.метр нормада сув қуйиш керак.

Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг хўжаликларида қиш ва баҳор пайтида ёгингарчилик кўп бўлган йиллари биринчи ўримдан уруғ олинадиган бедалар суғорилмасдан ўстирилади. Курғоқчилик йиллари майса гуллаш орасида бир марта суғорилади Уруғни иккинчи ўримдан олинадиган бўлса, бир ёки икки марта суғорилади.

Бухоро ва Сурхондарё вилоятлар хўжаликларида уруғлик бедани биринчи ўримда 1-2 марта, иккинчи ўримда эса 2 марта суғориш керак. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг хўжаликларида уруғлик бедазорлар биринчи ва иккинчи ўримда 1-2 марта суғорилади, чунки бу вилоятларда қиш ва баҳорда ёгингарчилик кам бўлади.

Ер ости сувлари юзага яқин жойлашган ўтлоқ тупроқли ерларда жуда оз миқдорда бўлса-да ортиқча суғорилса ўсимликлар жуда ғовлаб кетиши ва поялар эрта ётиб қолиши мумкин. Натижада олинадиган уруғ миқдори жуда камайиб кетади, баъзан умуман ҳосил олинмайди.

Қиш ва баҳор ойларида ёгингарчилик кам бўладиган туманларда уруғ олинадиган бедазорларни гектарига 1500-2000 куб.метр нормада қўшимча (захира сув бериб) суғориш йўли билан намликни ошириш мумкин. Қўшимча суғоришни ер ости сувлари чуқур жойлашган далаларда февраль ва март ойларида ўтказилиши шарт. Ўтлоқ тупроқли ерларда қўшимча суғориш ўтказилмайди. Қўшимча суғоришни шўр босган ерларда ўтказиш жуда фойдалидир, чунки шундай қилинганда ерни шўри ювилиб бедани уруғ ҳосилдорлиги ортади.

Уруғлик бедани ўстиришда асосий эътибор кишлоқ хўжалик зараркуналлари – фитомомус, шира, уруғхўр ва бошқаларга қарши курашишга қаратилган бўлиши керак. Бундай ҳашаротларга қарши қуйидаги кимёвий препара тлардан бири ишлатилиши лозим: Десис (2,5% э.к.) - 0,5-0,6 л/га, Каратэ (5% э.к.) – 0,15-0,20 л/га, Золан (35% к.э.) – 1,5-2,0 л/га, Нурел-Д – 1,0-1,5 л/га, Антио - 2 кг/га ва бошқалар. Ишчи суюқлик 400-600 л/га бўлиб, ўсимликни фазаси ва

ҳашарот билан зарарланганлик даражасига эътибор бериш керак. Кимёвий препаратлар билан ишловни кечки ёки эрталабки пайтларда, яъни бедада чанглаувчи ҳашаротлар кам бўлган вақтида қўллаш зарур. Зарпечакка қарши Пиват (10% с.э.к.) препарати, ДНОК-40% эритиладиган порошок (10 кг/га), Пентахлорфенолят натрия-95% эритиладиган порошок (20-25 кг/га) бедани биринчи ўримидан 7-10 кундан кейин пуркалади.

Агарда ҳўжалиқда газ билан ишлайдиган КО-2,4 олов культиватори бўлса, у билан эрта баҳорда бедани ривожланиши бошланишида ҳамда ўримлардан кейин зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш олиб бориш энг афзал усул деб билинади, чунки бунда кимё моддаларни ишлатишга нисбаган атроф-муҳит тоза сақланади.

Уруғлик бедани ўстиришда бедазорларни бегона ўтлардан, айниқса зарпечак, аччиқмия (пушти қакра), гумай, миндов, отқулоқ ўтларни гуллагунга қадар йўқотишга алоҳида ва шуларга ўхшаш бошқа ўтлардан тозалашга эътибор бериш лозим.

Уруғлик бедадан юқори ва муттасил ҳосил олишда чанглаувчи ҳашаротларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун уруғлик бедаларни якка-якка ёввойи ариллар ва тукли ариллар, яъни чанглаувчи ҳашаротлар уя курадиган дўнгликлар, суғориш ариқ ва зовурларнинг кирғоқлари, ташландиқ бўз ерлар, ўрмон зоналари ва қабристонларга яқинроқ майдонларга экиш лозим. Чанглаувчи ҳашаротларнинг бу табиий маконларни иложи борича барча чоралар билан асраб қолдиришга эътибор бериш керак.

Шунингдек, уруғлик беда ҳосилдорлигини бирмунча оширишга ёрдам берадиган хонаки асалариларни бедазорларга келтириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар гектар бедазорга 10-15 та асалари уясини жойлаштириш лозим.

Беда уруғларини тезкор усулда кўпайтириш ва ҳосилни кўтариш йўлларида бири – махсус бедазорларни кенг қаторли (60 см) схемада барпо этиш. Бунинг учун бедани экиш нормаси 6-8 кг/га бўлганда юқорида айtilган қоплама экинлар биттаси билан экилади. Қоплама экинларни ўриб олинганидан сўнг беда қатор ораларини суғоришлардан кейин культивация қилинади. Бундай бедазорлар уруғлик учун иккинчи йилдан бошлаб қолдирилади.

## БЕДА СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАТЕРИАЛ ТАНЛАШ

Т.Р.Рашидов, Р.Т.Сыдык-Ходжаев, Б.Ж.Аллакулнев, А.Г.Сабилов  
ЎзҒСУИТИ, Тошкент

Беданинг селекция жараёнида мураккаб дурагайлар популяциясини ёки дурагай навларни яратишда дастлабки ота-она шакллари ни танлаш асосий омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун селекционерлар беданинг дунё коллекциясини ўрганишга катта аҳамият берадилар.

Масалан, А. М. Константинова, В. Г. Будняк, К. К. Мазур (1970); П. А. Лубенец (1980); В. А. Найдович (1980); И. К. Ткаченко, Н.В.Колганова, Н.В.Полевщикова (2006).; О.А.Рожанская, В.Г.Дарханова, Н.С.Строева (2008)ларнинг аниқлашича, ўрганилган беда дунё коллекцияси намуналари орасида баъзи бир шакллар ва навлар учрайдики, уларнинг ҳосилдорлиги ва ўсимлик таркибида оксил моддасининг юқори бўлганлиги билан бошқалардан ажралиб туради ва булар селекция жараёнида дастлабки манба ҳисобида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтининг дала-ларида узоқ йиллар давомида кўплаб беда намуналарини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг орасида айримлари уругини униб чиқиши, ўсимликларнинг ривожланиши, маҳаллий шароитга чидамлилиги, кўкат, пичан ва уруғ ҳосили ҳамда ем-хашагининг таркибида оксил моддасини кўплиги ёки бошқа белги ва хусусиятлар бўйича ажралиб турадилар.

Шундай намуналардан фойданилган ҳолда институтда Фарғона-700, Тошкент-1, 3192, 721, 1728, 2009 навлари яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Аммо юқорида эслатилган тавсиялар бўйича улардан ҳам устун келадиган навларни яратиш учун илгари ўрганилган намуналардан ташқари бедани бошқа шакллари ни текшириб, энг яхшиларини селекция ишига киритиш лозим.

Мураккаб дурагай популяцияларни яратишда навлараро ча-тиштириш билан танлаш усуллари асосий деб ҳисобланади. Бун-да собиқ ВНИИР нинг дунё коллекциясидан энг қимматли юқори

**Коллекцион кўчатзорда экилган беда намуналарининг тавсифи**

Каталог раками	Нав, намуна, келиб чиқиши	Йиллар бўйича кўчат хосили				2008 й. уруф хосили	
		грамм/ўсимлик	икки йиллик йиғинди	андозага нисбатан %	грамм/ўсимлик	андозага нисбатан %	
	2006 йилда экилган коллекция	2006 й	2007 й				
C-3094	Тошкент-3192, Ўзбекистон	333	458	791	117,0		
1689	Ладак, АҚШ	298	390	688	103,2		
3043-63	Махаллий, Абиссиния	293	470	763	111,5		
3081	Buenos Aires, Аргентина	268	480	748	109,3		
5441	Махаллий, Куба	244	500	744	108,8		
6192	Teton, АҚШ	308	382	690	103,4		
	2007 йилда экилган коллекция	2007 й	2009 й				
K-1	Alfalfa common (M. sativa) АҚШ	422	600	1022	127,7	264,9	
K-7	Alfalfa 618, АҚШ	422	448	870	108,7	202,6	
K-10	Petoskey, Michigan, АҚШ	545	605	1150	143,7	-	
K-188	N1451, Алтайская, Россия	467	575	1042	130,2	27,8	
K-219	Балашанская 2582 Ханабад	462	564	1026	128,2	196,7	
K-284	Ширабулдская, Ўзбекистон	404	560	964	120,5	430,0	
1056	21, 34 Германия Тюрингия	456	515	971	121,4	105,9	
1204	Махаллий, Харгум, Судан	426	490	916	115,8	3,7	

1532	52.. Туркмен-Кала, Туркменистон	374	493	876	110,7	0,04	2,3
6190	Orange Lucerne, Австралия	380	507	887	111,9	0,63	60,6
4612	Пшх 53, Багдадкая, Ирак	390	500	890	122,2	-	-
6069	Махаллий, Сербия	402	560	462	120,0	1,03	75,2
6039	Махаллий, Анхабал, Туркменистон	445	501	946	117,1	1,16	66,6
5441	Махаллий, Кубанская №1, Россия	393	510	903	111,9	0,07	40,2
5968	Махаллий, Киргизистон	351	583	934	115,6	-	-
6025	Saladina, Аргентина	387	526	913	113,0	0,32	18,4
6066	Плевен, Болгария	386	503	889	110,0	0,74	42,5
6188	Ruscavaevic, Австралия	378	505	883	110,6	0,08	81,6
6195	Закавказская предгорная, Грузия	390	500	890	111,5	0,02	2,04
6085	Osterg Handelveare, Австрия	376	506	882	110,5	0,63	64,2
	2008 йилда экинган коллекция	2008 й	2009 й				
К-9	Alfalfa Mont.Dryland, АКШ	794	583	1327	106,4		
2622	M.sativa "Ablare", АКШ	835	505	1340	111,8		
3314	Medicago orbicularis, Ўзбекистон	625	525	1950	122,3		
6524	Местная Габес, Тунис	837	537	1374	118,2		
6638	Waschoe, АКШ	735	466	1221	105,1		
6769	Асасия, АКШ	843	416	1159	116,9		
С-3216	Тошкент-1 х Илоотанская 1763	784	553	1137	105,5		
7106	Номъалум, Ўзбекистон	820	557	1377	106,5		

оксилларга донор бўладиган намуна ва навларни чапиштириш учун жалб этишга аҳамият берилади.

Юқорида айтилганларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, беда селекциясида илгари районлашган навларга нисбатан янги пичан ва уруғ ҳосили, озика бирлиги ва ўсимлик таркибида оксил моддаси бўйича афзал навлар яратишда маҳаллий популяциялар ҳамда селекция ва чет эл навлари асосчи бўлиб ҳисобланади. Шуларни назарда тутиб 2006, 2007 ва 2008 йиллари экилган коллекцион кўчатзорларда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг беда экиладиган туманларидан келтирилган 337 та беда намуналари ўрганилди. Улар бир-бирлари андоза – кўк беданинг Тошкент нави билан кўкат ва уруғ ҳосили ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича солиштирилди (жадвал).

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, 2006 ва 2008 йиллари экилган коллекцион кўчатзорларда икки йиллик кўкат ҳосили бўйича энг яхшиси: АҚШ нинг Alfalfa Mont.Dryland (к-9), Ладак (к-1689), Teton (6192), Waschoe (6638), Acacia (6769) ва Ablare (2622); Абиссиниянинг Маҳаллий (3043-63); Аргентинанинг Buenos Aires (3081); Кубанинг Маҳаллий (5441); Ўзбекистоннинг Medicago orbicularis (3314) ва 7106 номаълум намуна ва навлардир.

2007 йилда экилган коллекцион кўчатзорда эса АҚШ нинг Alfalfa common (к-1), Alfalfa 618 (к-7), ҳамда Petoskey (к-10); Россиянинг N1451, Алтайская (188) ва Маҳаллий (5441); Ўзбекистоннинг Ширабудин (284); Германияни Тюрингияли 21,34 (1056); Суданнинг Маҳаллий (1204); Туркменистоннинг Туркман-Кала (1532) ва Маҳаллий (6039); Австралиянинг Orange Lucerne (6190) ва Ruclavaevie (6188); Ироқнинг Пим53 (4612); Сербиянинг Маҳаллий (6069); Қирғизистоннинг Маҳаллий (5968); Аргентинанинг Saladina (6025); Болгариянинг Плевен (6066); Грузиянинг Закавказская предгорная (6195); Австриянинг Oster Handelveare (6085) намуналари бўлди.

Қолган ўрганилаётган намуналарнинг айримлари андозага нисбатан бир оз юқори, кўпчилиги эса анча кам ҳосил берди.

2007 йили экилган коллекцион кўчатзорда иккинчи йилги, яъни 2008 йили бедазор уруғ олиш учун қолдирилиб, уларнинг 1 ўсимликка тўғри келадиган уруғ ҳосилдорлиги аниқланди. Уларнинг орасида диққатга сазоворлари АҚШ нинг Alfalfa common

(к-1), Alfalfa 618 (к-7); Тожикистоннинг Бадахшанская 2582 (219); Ўзбекистоннинг Ширабудин (284); ва Австралиянинг Ruclavaevie (6188) навлари бўлиб, кўк массаси билан юқори уруғ ҳосилдорликларни уйғунлаштирган намуналар эканлиги аниқланди.

Эслатилган белгилари билан ажралиб турган беда намуналари келажақда селекция жараёнига киритилади.

### Фойданалган адабиётлар рўйхати

1. Константинова А. М., Будняк В. Г., Мазур К. К. Селекционная работа с люцерной // Сб. научных работ ВНИИ кормов. Вып.1. М., 1970. С.190-207.

2. Лубенец П. А. Использование мировой коллекции люцерны в селекции // Бюлл. ВНИИ растениеводства, 1980. №100.

3. Наидович В. А. Некоторые результаты селекционной работы с люцерной на Ершовской опытной станции // Сб. научн. Работ (Саратовский сельхоз инст-т). Генетика, селекция и семеноводство. Саратов, 1980.

4. Ткаченко И. К., Колганова Н.В., Польщикова Н.В. О селекционной ценности образцов люцерны // Современные проблемы популяционной экологии. Материалы 9 Международной научно-практической экологической конференции. Белгород, 2006. 2-5 октября. Белгород. 2006. С. 211-213.

5. Рожанская О.А., Дарханова В.Г., Строева Н. С. Создание селекционного материала эспарцета и люцерны методами биотехнологии // Кормопроизводство. 2008. №5. С. 29-32.

## VI СЕКЦИЯ. БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ

---

УДК 634.1(075.8)

### ЗАЙТУН ЎСИМЛИГИНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

М.Камалова, Д.Ёрматова, Х.Ахмедова  
ЎзДЖТУ, Тошкент

Зайтун (*Olea europaea L.*) зайтундошлар (*Oleaceae*) оиласига ман-суб бўлиб, ўзининг форма ва габитуси билан бошқа ўсимликлардан фаркланади. Зайтун субтропик ўсимликлар қаторига киради ва Ўзбекистон Республикасида илк бор интродукция қилинмоқда.

Зайтун ўсимлигининг ватани Ўрта Ер денгизи мамлакатлари, аниқроғи Сурия бўлиб, шу ердан бутун ер юзи бўйлаб тарқалган. Зайтун Испания, Италия, Португалия, Греция, Тунис, Марокко, Сурия, Исронда катта майдонларда экилади, қисман Грузия ва Озарбайжонда ҳам етиштирилади.

Зайтун меваларидан мой олиш ва консервалашда фойдаланилади. Ривожланган мамлакатларда зайтун мойи ва консервасига талаб жуда катта. Зайтун мойи ажратиб олингандан кейин кунжараси чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Зайтун мойи таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари – олеин (75%), линол (13%) ва линолендан (0,55%) бўлиб, бу моддалар организмда холестерин даражасини камайтиради. Зайтун таркибида витаминлар А, Д, К, Е, F ва полифеноллар мавжуд. Зайтун таркибидаги биологик фаол моддалар атеросклероз, рак касалликларини олдини олади ва хужайраларнинг қариш жараёнини кечиктиради. Зайтуннинг яшил (пишмаган) мевалари таркибида углеводлар, оксиллар, пектин, кул моддалар, сапонинлар, калий, фосфор, темир тузлари, В ва С витаминлари ҳамда каротин мавжуд. Буларнинг барчаси ошқозон-ичак ва жигар ишини яхшилайди.

Тажрибаларни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети-нинг тажриба майдонларида ўтказдик.

Зайтун кўчатининг баландлиги 1-1,5 м гача етди. Шох-шаббаси кенгайиб кетган. Барглари қарама-қарши жойлашган, шакли овал-чўзинчоқ ёки ланцетсимон, баргларнинг устки томондан тўқ-яшил, остки томони эса кумушсимон-қулранг. Май-июнь ойида гуллайди. Гуллари икки жинсли ёки полигам бўлиб, барг қўлтигида рўваксимон шингил кўринишида бўлади. Бир шингилда 8-42 та гача гул жойлашган. Гултожи барги 4 та, оталиклари 2 та, оналик тугунчаси устки битта уруғкуртак бўлади.

Бизнинг тажрибамизда зайтун кўчати май ойида гуллади. Зайтун дарахти иссиққа талабчан, қулай об-ҳаво шароитида йил бўйи ям-яшил бўлиб ўсади. Тупроқ иқлим шароитига қараб кишда тиним даврини ўтиб ривожланадиган навлари мавжуд. Зайтун экиладиган асосий мамлакатларда тиним даврини ўтгайди. Фойдали ҳарорат йиғиндиси 3,5-4,5 минг градус бўлган ҳароратда яхши ўсиб ривожланади. Зайтун намга талабчан бўлиб, йил бўйи ёгин бўладиган мамлакатларда яхши ривожланади. Агар йиллик ёгин миқдори 180-200 мм бўлса, бундай жойларда суғориш йўли билан микроклимат ҳосил қилинади ёки 6-7 марта суғорилади. Айтиб ўтиш жоизки, зайтун тупроқ ганламайди, деярли барча тупроқларда ўсади, аммо энгш кумлоқ тупроқлар дарахт учун яроқсиз ҳисобланади.

Тошкент шароитида зайтун икки йилдан бери яхши ўсмоқда. Бу ўсимлик уруғларидан, қаламчаларидан, илдиз бачкиларидан ва пайванд йўли билан кўпаяди. Экишга ажратилган мевалар қушларга едирилади ёки сувга ивитиб қўйилади. Уруғ ажратиб олингандан сўнг 18-20 градус ҳароратда экилади. Экилган уруғлар иккинчи йилда ниш уриб чиқади. Илдизлар кўп бачки беради, уларни алоҳида ажратиб питомникларда экиш лозим.

Биз тажрибамизни қисман Н.Ф.Русанов номидаги “Ботаника боғи” ва “Ботаника” илмий ишлаб чиқариш марказида илмий ходим Х.Аҳмедова билан ҳамкорликда ўтказдик. Вегетация давридаги ёш новдалардан қаламчалар тайёрланиб, июнь ойининг охирларида иссиқхоналарда экилди. Қаламчалар нормал ўсиб ривожланди. Июль ойининг иккинчи декадасида А-1, кетостим ва гетероауксин каби стимуляторларда 0,015, 0,03, 0,02 % ли концентрацияда қаламчалар тайёрланиб 12 соатли экспозициядан кейин экилди.

Назоратда илдизларнинг унувчанлиги 41% ни ташкил этган бўлса, А-1 ва кетостим стимуляторларда 75,7%, гетероауксинда 99% ни ташкил қилди. Навбатдаги тажрибани августнинг 1-декадаларида ўтказдик. Ўсимлик новдаларидан бўғим оралиғи 5-6 та бўлганда ҳисоблаб, 8-10 сантиметрли қилиб кесиб қаламчаларни тайёрладик. Барглар экишдан олдин қисман ( 30% гача умумий барг сатҳидан) кесиб ташланди. Қаламчалар турли концентрацияда кетостин ва гетероауксинда ушлаб туриб кейин туман ҳосил қилувчи қурилмада экилди. Экиш схемаси 8x8 см, 10x10 см. Сентябрь ойининг охири ва октябрь ойининг бошида қаламчаларда каллус пайдо бўлди. Туман ҳосил қилувчи қурилмада кетостин экспозициядаги ўсимлик қаламчаларининг 80% ида илдиз ҳосил бўлди. Ноябрь ойининг охирида қаламчалар қурилмалардан олиниб, қайтадан иссиқхоналарда маҳсус яшиқларда экилади. Кўчатларнинг бўйи 70-80 см бўлганда маҳсус қопчаларга олинади ва далада экишга тайёрланади.

Зайтун экишда туп орасидаги майдон 6x6, 6x8 м бўлиши мумкин. Зайтунни зич қилиб экилиши ҳам мумкин, бунда қатор оралари 3x2 метр бўлади. Экиш чуқурчалари энига 50 см, чуқурлиги 60 см қилиб тайёрланади. Ҳар бир чуқурчага яхши чиритилган маҳаллий ўғит солинади. Чуқурчаларга экишдан олдин бир неча бор сув қуйилиб яхшилаб намга тўйинтирилади ва ўсимлик экилади.

Шундай қилиб, зайтун ўсимлигини ўстиришда дастлабки кадам қўйилди ва у ижобий натижалар бермоқда.

УДК 577.472:282.555.1

## ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ УЗБЕКИСТАНА

Д.Ё. Ёрматова, Д.Ш. Расулова  
УзГУМЯ г.Ташкент, Узбекистан

В настоящее время человек во многом обязан природе. Из за деятельности человека растительный и животный мир потерял свое разнообразие. XXI век считается веком революции науки и техники. С развитием техники выброс углекислого газа в атмосферу повышается. Это можно наблюдать во всем мире, в том числе в Узбекистане. В начале XXI века количество людей в республике было

меньше и было всего 2 промышленных предприятия в 1890 году это Кокандский и Туркестанский маслозаводы.

Атмосфера является основным источником жизни для людей, растений и животных, а также для водных и подводных организмов. Атмосфера сохраняет Землю от воздействия ультрафиолетовых, космических излучений. Состав атмосферы миллионы лет не менялся, но к XX веку с развитием промышленности, демографическими процессами и другими факторами атмосфера стала загрязняться. В основном в этом виноват человек.

Главным загрязнителем атмосферного воздуха является транспорт, работающий на основе тепловых двигателей. Выхлопные газы автомашин дают основную массу свинца, оксид азота, оксид углерода и др., износ шин — цинк, дизельные моторы — кадмий. Тяжелые металлы относятся к сильным токсикантам. Каждый автомобиль выбрасывает более 3 кг вредных веществ ежедневно. Бензин, получаемый из некоторых видов нефти и нефтепродуктов, при сгорании выделяет в атмосферу диоксид серы. Попадая в воздух, он соединяется с водой и образует серную кислоту.

Из-за неправильного пользования водными ресурсами, Аральское море, которое являлось единственным морем Центральной Азии, площадь которого составляла в 1911 году 67,5 тыс. км<sup>2</sup>, а в 2004 году 17,4 тыс. км<sup>2</sup>. С высохшего дна Арала каждый год выбрасывается с ветром от 75-100 тыс. тонн песка и соли в атмосферу, а также на орошаемые поля, что приводит к деградации почвы.

Потепление климата отрицательно влияет на здоровье людей Приаралья. В последнее время там развиваются такие болезни как астма, рак легких, заболевания дыхательных путей. Среди новорожденных встречаются сахарный диабет, сердечные заболевания и др. Население Каракалпакии тысячи лет питалось продуктами моря, их организм, пищеварение, нервная система были адаптированы к этой среде. Они с рождения слышали колыбельную об Аральском море, об этнографии местных традиций, но из-за высыхания Арала они всего этого лишились. Конечно, это повлияло на их организм. Народу данной местности, чтобы адаптироваться к другой продукции, нужны многие годы. Наблюдается тенденция уменьшения количества флоры и фауны в Приаралье. Высыхание Арала привело к уменьшению и исчезновению многих видов рыб и других животных.

Вдоль автомобильных трасс в пяти метрах от высаженных то- полей на полях выращивают в открытом виде овощные, бахчевые культуры и фруктовые сады. Капуста, картошка, клубника, мор- ковь, лук и другие овощи и фрукты в скором времени оказываются на прилавках рынков для употребления. Известно, по показаниям экологического мониторинга, тяжелые металлы кадмия, стронция и других вредных газов попадают на растения и почву на расстоянии 100 метров. Такое размещение посевных площадей встречается не только в Узбекистане но и в других странах. Поэтому, по экологи- ческим требованиям, посевные площади пищевых культур должны находиться на расстоянии не менее 200 метров от автомагистралей.

Овощные культуры, по сравнению с зерновыми, бобовыми и дру- гими растениями, усваивают больше тяжелых металлов, особенно корни и клубнеплоды, такие как картофель, репа, морковь и другие. По правилам пищевой цепи наблюдается следующая схема: - тяжё- лые металлы → почва; почва → корнеплод; корнеплод человек.

По данным ученых, посевные площади кормовых культур долж- ны быть расположены далее, чем 250 -300 метров от автомагистра- лей. Кормовые культуры усваивают тяжелые металлы, а эти тяже- лые металлы остаются в организмах животных, они в составе мяса, молока и других продуктов попадают в организм человека.

Развитие экологической культуры, повышение уровня знаний и применение их в орошаемом земледелии поможет решить воспроиз- водство и сохранение естественных ресурсов воды, плодородия почвы, трудовых ресурсов в Узбекистане.

УДК 633.11

## **НАСЛЕДОВАНИЕ УСТОЙЧИВОСТИ К ЖЕЛТОЙ РЖАВЧИНЕ ГИБРИДОВ F<sub>1</sub> МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ**

**Т. Ходжакулов, С. Хужакулов**

**Самаркандский сельскохозяйственный институт, Самарканд**

